

323  
Б 79

Бобомуродова

# Қирқ ўғлон қиссаси



Х. БОБОМУРОВОДА

ҚИРҚ ҲАЛОН  
ҚИССАСИ

ТОШКЕНТ — «О‘ЗБЕКISTON» 2007

67.401.213

Б79

**Ушбу китоб «Истиқлол замонамиз қаҳрамонлари» танловида  
голиб деб топилган.**

Ушбу китобда жиноятчиликка қарши курашда юртимизни,  
истиқлолимизни, тинч ҳаётимизни кўролмаган гуруҳларнинг  
хужумларини баргараф этишда жонларини қурбон қилган мард,  
фидойи ва жасур ички ишлар ходимлари ҳақида ҳикоя қилинади.

ISBN 978-9943-01-084-0

© «O'zbekiston» НМИУ, 2007 й.

## ШАҲИДЛАР РУҲИ — МАНГУ БАРҲАЁТ!

*(Сўзбоши ўрнида)*

Инсоният тарихидан маълумки, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасида муттасил кураш давом этиб келади. Ёмонликнинг, ёвузликнинг шаклу шамоили кўп бўлиб, унинг энг манфур кўринишларидан бири бу — терроризмдир. Дунё тарихини яхши билмайдиганлар уни яқин орада XX асрда пайдо бўлган, XXI асрга келиб кучайган дейиши мумкин. Ёки бу ҳодисани бевосита дин, аниқроғи диний экстремизм билан боғлайдиганлар ҳам учрайди. Ваҳоланки, бу ҳодиса инсоният жамияти каби қадимийдир.

Мозийга бир назар ташлайлик. Қадимги Римда республикачилар император Гай Юлий Цезарга қарши суиқасд уюштиргани кўпчиликка тарихдан яхши маълум. Бу қотиллик сиёсий терроризмнинг ёрқин кўриниши эди.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунида терроризмга қуйидагича таъриф берилган: «Терроризм — сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли моjarолар чиқаришни кўз-

лаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар»дир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, террорчиликни муайян динга ёки миллатга боғлаб қўйиш хатодир. Одамлар орасига бузғунчилик солиб, инсонийликка номуносиб бўлган турли қабиҳликларни уюштираётганларни турли миллат ва дин вакиллари орасида учратиш мумкин.

Ер юзининг қайси бурчагида содир этилган қўпурувчиликни олманг, террорчилар ҳокимиятни, қолаверса тинч аҳолини ваҳимага солиб, ўзларининг ёвуз мақсадларига эришмоқчи бўладилар.

Масалан, Испаниядаги баск айирмачиларининг ЭТА ташкилоти, Буюк Британиядаги Ирланд миллатчилари ҳаракати ёки бир пайтлар Токио метросида юзлаб одамларни газ билан заҳарлаган «Аум Синрикьё» ташкилоти вакиллари олайлик.

Африка, Америка қитъаларида ҳам кўплаб бундай ёвуз ниятли террорчи гуруҳлар топилади. Энг даҳшатлиси, улар ўз мақсадларига етишиш йўлида жамоат жойларида портлашлар содир этиб, бегуноҳ кишиларни ўлдиришдан, уларни гаровга олишдан ҳам қайтишмаяпти.

Таъкидлаганимиздек, давлатни, жамиятни ваҳимага солиб, ўз ғаразли ниятларини амалга оширишга уринганлар турли даврларда ҳам учраган. Аммо улар айнан бизнинг давримизга, яъни ХХI асрга келиб ўзаро уюшган ҳолда, илғор технологиялардан фойдаланиб, дунёнинг турли бурчакларида манфур ниятларини амалга ошириш имкониятига эга бўлишди.

Бундай хавфни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов олдиндан кўра билиб, 1993 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48 сессиясида сўзлаган нутқида халқаро жиноятчилик, ай-

ниқса унинг ўта хавфли кўринишлари ҳисобланган халқаро терроризм ва наркобизнесга қарши дунёдаги барча тинчликсевар давлатлар кучларини бирлаштириш ҳамда мувофиқлаштириш ташаббуси билан чиққан эди.

Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг 1999 йили Истамбулда бўлиб ўтган анжуманида Республикамиз раҳбари дунё мамлакатларини аср вабоси дея ном олган терроризм балосига қарши биргаликда курашишга чақириб, жаҳон аҳлига: «Эй одамзод, кўзингни оч, огоҳ бўл, бугун терроризмнинг даҳшатли қиёфасини англаш фурсати етди», — дея мурожаат этди. Лекин минг афсуслар бўлсинки, жаҳон ҳамжамияти бу чақириққа етарлича эътибор бермади. Юртбошимизнинг огоҳлантиришлари, хавотирлари ўринли эканлигини дунё миқёсида сўнгги йилларда юз берган террорчилик ҳаракатлари исботлади.

Узоққа бориб ўтирмасдан 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террорчиликни олиб кўрайлик. Ўшанда минглаб бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмгани, жароҳатлангани, қанчалаб бинолар вайрон бўлгани ҳали ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилмаган бўлса керак. Ёки Россиянинг Беслан шаҳридаги мактабда содир этилган ваҳшийлик-чи?! Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Уларни эслаганингиз сайин терроризмнинг жирканч қиёфаси кўз олдингизда намоён бўлиб бораверади.

Президентимиз бекорга бу балога қарши курашиш йўлида бунчалик жон куйдираётгани, куч-ғайрат сарфлаётгани йўқ. Чунки халқимиз, мамлакатимиз терроризм вабосидан кўп жабр кўрди. Марказий Осиёда барқарорлик таянчи бўлган Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий юксалишига, хавфсизлиги ва тинчлик-осойишталигига дин ниқоби остидаги экстремистик кучлар, фундаменталистлар ва халқаро террорчилар, қисқа, лўнда қилиб айтганда ўта хавфли жиноятчилар раҳна солишга уриниб келишяпти. Бу уринишлар мамлакатимиз мустақилликка эришган

йиллардаёқ бошланган эди. Келинг, улардан баъзиларини эслайлик.

Диний экстремистлар 1991—1992 йилларда Наманганда бир қатор тартиббузарликлар содир этишган эди. Айнан улар 1994—1997 йилларда ҳамда 1998 йилнинг январ ойи давомида Андижон, Наманганда ярим кечада бир қанча йирик-йирик корхоналарнинг раҳбарларини, ички ишлар идоралари ходимларини, ҳокимият вакилларини, уларнинг оила аъзоларини ваҳшиёна ўлдириб, хонадонларини, мол-мулкини талашган эди. Буни на дин, на инсоф юзасидан оқлаб бўлмайди.

1998 йилнинг охирлари — 1999 йилнинг бошларида Хоразм вилояти Ҳазорасп шаҳридаги вокзалда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари террористлар ўқидан жабрланишди.

1999 йилнинг 30 март куни эса қуролланган террорчилар Тошкент — Урганч йўналиши бўйича қатнайдиган автобусда 26 нафар йўловчини гаровга олишиб, одамларни ваҳимага солиш мақсадида уларнинг кўз ўнгида икки нафар йўловчини ваҳшийларча отиб ташлашади.

1999 йилнинг 16 феврал куни диний экстремистлар мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида амалга оширган қўпурувчиликлар нафақат халқимизни, балки жаҳон аҳлини ғазабга келтирди.

2004 йилнинг 28—31 март кунлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳам бир неча ҳамкасбларимиз ҳалок бўлдилар.

Террорчилар Республикамиз ҳудудида жойлашган чет эл элчихоналари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигига қарашли биноларни портлатиш, милиция ходимларига қуролли ҳужум уюштириш ва хорижлик фуқароларни гаровга олиш мақсадида 2004 йил 30 июл куни пойтахтимиздаги АҚШ ва Исроил элчихоналари ҳамда Республика Бош

прокуратураси бинолари олдида террорчилик ҳаракатлари содир этишди.

2005 йилнинг 13 май куни Андижонда рўй берган воқеалар террорчилик воситасида ўз мақсадларига етишга ҳаракат қилган диний экстремистларнинг асл башарасини очиб ташлади. Жангарилар режаларини амалга оширишга узоқ вақт пухта тайёргарлик кўрганликларини тергов ва суд жараёни исботлади. Улар ярим тунда шаҳардаги Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг пост-патруль хизмати батальони ҳудудига бостириб киришди. Бўлинма навбатчилик қисми ходимларини отиб ташлаб, ўнлаб автоматлар, гранаталар, икки дона қўл пулемёти ва бошқа қурол-яроғларни қўлга киритишди. Қуролланган ваҳший жангарилар тунги соат чамаси 1.30 ларда Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмга бостириб киришди. Бу ердан ҳам кўплаб қурол-аслаҳани қўлга киритишди ва «ЗИЛ-131» юк машинаси ёрдамида Андижондаги қамоқхона дарвозасини бузиб, ичкарига кириб, бу ерда сақланаётган 600 нафарга яқин маҳбусни чиқариб юборадилар.

Сўнг вилоят ҳокимлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси биноларига ҳужум уюштириб, вилоят ҳокимияти биносини эгаллашга муваффақ бўлишади.

Жангарилар ўзларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тинч аҳоли вакиллари — бегуноҳ аёллар, болалар ва қарияларни гаровга олиб, улардан жонли девор сифатида фойдаландилар.

Андижондаги ҳунрезликлар туфайли қанчадан-қанча бегуноҳ кишилар жангари террорчилар ўқидан ҳалок бўлди. Бузғунчи кимсаларнинг Андижондаги қилмишлари халқ ҳокимияти ва тинчлик осойишталигига қарши қаратилган қабиҳ фитна эди.

Юртбошимиз шу куни эрта тонгдаёқ Андижонга етиб келиб, шаҳар ва вилоят жамоатчилиги вакиллари, маҳалла оқсоқоллари билан учрашдилар. Улар билан

бамаслаҳат вазиятни барқарорлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Натижада фитна бартараф этилди. Жиноятчиларнинг аксарияти қўлга олинди. Улар суд қилиниб, қилмишларига яраша жазога тортилдилар.

Ислом динини ўзларига ниқоб қилиб олган бу ёвуз ниятли кимсаларнинг асл мақсадлари мамлакатимизда мавжуд конституциявий тузумни, қонуний ҳукуматни зўрлик билан ағдариш, тинч, осойишта ҳаётимизни издан чиқариш, шу тариқа мустақил Ўзбекистонимизни ўз танлаган тараққиёт йўлидан қайтаришдан иборат эди.

«Акромийлар» деб аталмиш диний экстремистик гуруҳ ташкилотчилари ва тарғиботчилари ҳали оқ-қорани яхши таниб олмаган, ўспирин ёшларни ўзларига эргаштиришга муваффақ бўлишди.

Бу террорчи тўдаларнинг ортида катта молиявий маблағ ва таъсирга эга бўлган сиёсий кучлар турган-лигини ҳам англаш қийин эмас. Улар пуч ғоялар таъсирида онги заҳарланиб, манқуртга айланган баъзи ёшлардан ўз гараз мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлдилар. Лекин Андижон аҳолиси уларнинг ортидан эргашмадилар. Конституциявий тузумни ағдариб ташлаш ниятида бўлган «Акромийлар»нинг мақсадлари амалга ошмади.

XXI аср вабосига айланган терроризмни қўллаб-қувватлайдиган 500 дан зиёд диний-экстремистик ташкилотлар бугунги кунда жаҳоннинг 60 дан ортиқ мамлакатада фаолият кўрсатаётган экан, уларнинг ососий кураш қуроли, усули терроризмдир. Бу бало чегара билмайди, дин, миллат танламайди. Юрт-бошимиз таъкидлаганларидек: «Бу курашдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак... Бу машъум офат мени четлаб ўтади ёки сен менга тегма, мен сенга тегмайман, деган хомхаёлларнинг умри узоқ бўлмайди. Бундай қараш ва сиёсатларнинг охири вой бўлиши муқаррар».

Бу сўзларнинг нақадар тўғрилигини сўнгги йилларда жаҳоннинг турли нуқталарида юз берган тер-

рорчилик ҳаракатлари исботлади. Халқимиз аср вабоси дея аталмиш терроризмга қарши курашда аччиқ тажрибага эга. Эл-юртимизнинг тинчлик-осойишталигини сақлаш йўлида мард ўғлонларимиз кўксиларини қалқон қилишди. Қабиқ ниятли жангариларга қарши курашда қанчалаб ички ишлар ходимлари азиз жонларини қурбон қилишди. Уларнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу сақланиб қолади. Зеро, юрт тинчлиги, эл осойишталиги йўлида жон фидо қилган шаҳидларнинг ишлари, қаҳрамонлиги абадий яшайди.

Уларнинг оила аъзоларига республика ҳукумати ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Ҳамкасблари, сафдошлари ҳам марҳумларнинг фарзандларини ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймайди. Яқин келажакда қатор кўчаларга, мактабларга қаҳрамонларнинг номлари қўйилади. Ушбу китобнинг ёзилишидан муддао ҳам уларнинг руҳини шод этиш ҳамда хотираларини абадийлаштиришдир.

*А. Х. САТТОРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Шахсий тартиб билан ишлаш хизмати  
бошлиғининг ўринбосари, полковник*

Эртактлар охири омон-омондир,  
Яхшилар етгани яхши замондир.

Ушбу қисса учун кечир ўқувчим,  
Қирқ кеча йиғладим, келмади уйқум.

Бул қисса ҳасратдан иборат фақат,  
Варақларда қайғу, изтироб қат-қат.

Ҳамон юраклардан силқиб турар қон,  
Ҳамон ўзин урар тўрт томонга жон.

Бунда севишганлар муродга етмас,  
Фарҳодлар Шириннинг қўлидан тутмас.

Бунда қирқ келинчак қолажакдир тул,  
Бунда тугаб қолар севги деган йўл.

Қирқ гулшан ҳаробдур, қирқ рўзгор барбод,  
Қирқ қабрдан келар дод ила фарёд.

Қирқ она «болам»лаб дунёни бузар,  
Давосиз дардлари юракни эзар.

Ўғлининг ўрнига кекса оталар.  
Қўлда асо билан тобут кўтарар.

Қирқ қизалоқ қақшаб етим қолади,  
Қирқ болакай энди сағир бўлади.

Бул ғамга чидамай эриди қирқ шам,  
Қаро тун бағрида тугади қалам.

Очилмай узилди қирқ боғнинг гули,  
Япроқдай эзилди шоирнинг дили.

Ватан осойишта, омон бўлсин деб,  
Гуллаган, яшнаган замон бўлсин деб.

Қирқ йигит бошини тикди мардона,  
Азиз юрт пойида чўкди мардона.

Чора йўқ, тарихнинг қон варағини,  
Лочинларнинг шараф-шон варағини.

Жумлаи жаҳонга баён айлайин,  
Қонхўрлар қилмишин аён айлайин.

## МАРДОНАЛИК



Катта сержант **Ўрмонов Нурғали Абубакирович**. 1974 йилда туғилган. Юнусобод тумани ИИБ ҚБ ходими. 1999 йил 16 феврал куни Мустақиллик майдонида террорчилар томонидан уюштирилган портлашда ҳалок бўлган.

«Жасорат» медали билан мукофотланган. Бир ўғил, бир кизи бор.

*Умр не, шамоллар учирган бир хас,  
Мангуликка фақат меҳр келар мос,  
Юрт севмак ботирлар, улуғларга хос,  
Юртини сотганлар хору зор бўлсин,  
Ватан омон бўлсин, Ватан бор бўлсин!*

— Болажоним бошқача эди, бокс билан шуғулланарди. Вақт топиб балиқ овлашни яхши кўрарди. Кўп гапиравермас, оғир-вазмин, ақлли эди. Уч ўғил ўстирган бўлсам, бир-бири билан сира араз ё жанжал қилишмаган.

Бир куни озгина бетоб бўлиб ётиб қолдим. Менинг иситмамни кўриб, Нурғалининг ранги ўчиб кетди. Ҳали дорига, ҳали дўхтирга чопади. Нима ейсиз, деб парвона бўлади. Ишига кечикиб қоляпти, деб ўртаниб кетяпман. Уларнинг иши қанчалик оғирлигини биламан, ахир.

— Мен яхшиман, ишингга борақол, ўғлим, — дедим.

— Сиз тузалмагунча кетолмайман, — деб туриб олди.

— Менга ҳам, отасига ҳам, ҳаммамизга жуда меҳрибон эди, — дейди кўз ёшларини артиб Дариға опа.

— Бировларнинг боласи ичиб келади, ёки ишламайди, ёки ота-онасининг қадрига етмайди. Эсли-

хушли болам борлигига шукур қилардим. Эртаю кеч ишда бўлса ҳам, дуо қилардим.

Ватанга хизмат қилиш, унинг омонлиги йўлида бедор бўлиш ҳар қандай йигитнинг қўлидан келмайди. Ўғлимни шу шарафга муяссар қилганига шукур, дердим. Нимасини айтай, бўйи-бастига боқиб кўзим қувонганиними, ақлу ҳушини кўриб кўнглим тўлганиними, маҳаллада, иш жойида обрў-этиборини кўриб фахрларга тўлганиними?!

Тошкент тумани Фишткўприк маҳалласидаги 37-ўрта мактабни тугатди. Мактаб «Аълочилар тахтаси»да ҳамиша сурати турарди. Армиянинг десантчилар бўлимида хизмат қилди.

«Онажон, ўзим орзу қилган бўлимда хизмат қил-япман. Хизматни тугатиб ҳузурингизга қайтаман. Милицияга ишга кириб, Сизни, юртни, Ватанимнинг осойишталигини кўриқлайман», дея хатлар ёзарди. Нурғалим орзуига эришди, армиядан қайтиб, милиционер формасини кийди.

Ўша куни, 16 февралда (1999 й.) Мустақиллик майдонида портлаш бўлганини эшитдик. Ўғлим келса, тафсилотини тўла эшитармиз, дедик хавотир билан.

Дадаси, болалар, келин — ҳаммамиз Нурғалига атаб олинган томорқага ишлаш учун кетдик. Айлантириб терак ўтқаздик. Ҳадемай ўсиб, ёғочбоп бўлади. Худо хоҳласа, ўғлим ўзига янги уй қуради, деб орзулар қилдик. Хўжайин, болалар, келин билан янги уйнинг қанақа бўлиши ҳақида роса баҳслашдик. Бири қутичадек, ихчам уйни орзу қилса, бири икки қаватли кошонани орзу қилади. Йиққан-терганларимизни чўтлаб кўриб, кейин курсак бўларди, деб кулишдик. Охири ҳаммамиз, Нурғали нима деса шу бўлади, деб келишдик...

Нурғалим ҳеч келавермагач, хавотирга тушдик. Сўнг...

Ўша манқурт террорчилар, ўғлимнинг умрига зомин бўлиб, нимага эришдилар? Улар кимни кўрқитмоқчи, ўзларининг ватандошлариними? Ўз юртига хиёнат

қилганларнинг номи ҳам, ҳатто ўлиги ҳам хор бўлишини нега билишмайди? Биз улардан қўрқмаймиз, кичик ўғлим акасининг формасини кийди. У ҳам милиционер. Қўрқсам, эл хизматига яна бир ўғлимни қўярмидим?

Нурғалининг ўғли Шерзоджон ўша пайтда 5 ойлик эди. Энди мактабга борадиган бўлиб қолди. Амакисининг шапкасини кийиб, мелиса бўламан дейди, чулдираб.

Қизи Насиба, иккинчи синфда ўқийди. Отасига ўхшаб аълочи.

Юртимизнинг катталари, туман, вилоят, Ички ишлар вазирлиги ходимлари тинмай аҳволимизни сўраб туришади. Ватан ҳимояси учун мардона турган йигитнинг ота-онаси деб эъзозлашади. Нурғалим сочи оқармай, йигит ёшида бизни қайғуга солиб кетди. Кўнглимизни фахрга тўлдириб, голиб кетди. Жасорати билан бизни тўрға ўтқазиб кетди.

*Кетавер, енгилиб кетаётган ғам,  
Паноҳи борларни енголмас алам,  
Юртим билан кучли эркаман мен ҳам,  
Қочоқларнинг боши узра дор бўлсин,  
Ватан омон бўлсин, Ватан бор бўлсин!*

## ЁДГОРЛИК ГУЛЛАРИ

*Нурғали Ўрмонов хотирасига бағишлайман*

Ёлғизгинам, сиздан ёдгор бу гуллар,  
Муҳаббат рамзидай арзанда бўстон,  
Йилларни қувалаб ўтмоқда йиллар,  
Ҳамон ғунча алвон, гуллар ҳам алвон.  
Сизни ёдга солиб бўстон йиғлатар,  
Адоғи кўринмас ҳижрон йиғлатар.

Айни йигит бўлиб етилган маҳал,  
Ёвузлар макридан бўлдингиз нобуд,

Олиб кетди шафқат билмас шум ажал,  
Орзулар ноилож тутдилар тобут.  
Бағрингизда кетган армон йиғлатар,  
Кузи эрта келган хазон йиғлатар.

Ватан деб қилдингиз жонингиз фидо,  
Кўкрагингиз ўққа тутиб мардона,  
Номард муродига етмади, аммо,  
Етим бўлиб қолди бизнинг остона.  
Замин ҳам оқ урар, нолон йиғлатар,  
Куёшин сўроқлаб осмон йиғлатар.

Даф бўлди душманлар, янчилди боши,  
Чиркин ниятларин учирди шамол,  
Халқумидан тутди халқнинг кўз ёши,  
Лекин шаҳид кетган ёш жонлар увол.  
Бемаврид узилган ул жон йиғлатар,  
Ватан-чун берилган қурбон йиғлатар.

Сизни мард деб эслар кекса-ю, гўдак,  
Яхшилик боғида қолдирдингиз из,  
Қабрингиз қучоқлаб йиғлар бир малак,  
Ҳамда норасида суюк қизингиз.  
Юрак-бағри гирён, гирён йиғлатар.  
Бирга суролмаган даврон йиғлатар.

*Мирқодир ХУДОЙБЕРГАНОВ.*

## ҲИЖРОН БИЛАН ТУГАГАН ДОСТОН



Старшина **Собиров Фарҳод Отабоевич**. 1967 йилда Урганч туманининг Ғойбу қишлоғида туғилган. Ички ишлар хизматиغا 1993 йилда қабул қилинган.

1999 йилнинг 30 март куни «Саримой» посёлкаси ҳудудида қуролланган ўта хавfli жиноятчилар томонидан йўловчилари билан гаровга олинган автобусни озод қилишда ҳалок бўлган.

«Шон-шараф» ордени билан лан мукофотланган.

Турмуш ўртоғи Гулбаҳор Жабборова, уй бекаси. Ўғиллари Дониёр 1991 йилда, Элёр 1993 йилда туғилган.

Ҳазрат Алишер Навоий «Хамса»сидаги муҳаббат дostonларидан бири, беш асрдан буён севишганлар қўлидан тушмай келаётган дostonнинг номи — «Фарҳод ва Ширин». Унда васф этилган ишқ овозаси беш асрни зумда учиб ўтиб, бизга қадар етиб келди. Унинг қаҳрамонлари ҳамон юракни зирқиратади. Ошиқ-маъшуклар дostonдан парчалар ёдлаб, қалбларини унинг қатларига яшириб, бир-бирларига изҳор қилишади. Фарзандларига яхши ниятда, ҳавас билан Фарҳод, Ширин деб исmlар қўйишади.

Айниқса, Фарҳоднинг Ширин туғилган юрт учун тоғни тешиб, сув келтиргани Отабой мелисага ёқиб тушган эди. Шул сабаб ўғилларининг каттасига Фарҳод деб исм қўйди.

Отабой ака Собиров йигирма беш йил милиция сафида хизмат қилди. Капитан Собировни Хоразмда ҳамма танийди. Унинг кўзлари сиполик, меҳр билан тўла. Шунинг учун ҳам юртдошлари унга дил очадилар, муаммоларини тортинмай айтадилар.

Отабой аканинг ўгли Фарҳод отасининг погонларини ушлаб, юлдузларини санаб, шапкасини кийиб кўриб улгайди. Қалбида милиционер бўлиш орзуси ҳам улгайиб борди. Мактабда яхши ўқиди, жамоатчилик ишларида ўзини кўрсатди. Айниқса, унинг гурури билан ҳазиллашиб бўлмасди. Келишган қадду қомат, қошу кўзлар, қуюқ қора сочлар... Фарҳодмисан, Фарҳод эди-да. Гулбаҳорнинг юрагига чўғ ташлаганлари, оромини ўғирлаб, қалбини ўғирлаб, сўнг ўзини тўйлар қилиб «ўғирлаган»и... Тўйдаги Фарҳоду Ширин бўлгайсизлар деган тилаклар...

Фарҳоджон ҳарбий хизмат чоғида бўлинма сардори эди. У Урганч автомобил йўллари техникумини битириб, кўчма механизациялашган колоннада бош механик, Урганч шаҳар ҳокимияти қошидаги меҳнат биржаси ходими бўлиб ишлаган чоғларида ҳам, отаси каби милиция сафида хизмат қилиш орзуси хаёлини бир зум тарк этгани йўқ. 1993 йилда унинг орзуси амалга ошди. Ички ишлар бўлимига хизматга қабул қилинди. Ҳавас ва иштиёқ билан ишлай бошлади.

Бир пайтлар эри Отабой мелисани хавотирда бедор кутган она, энди ўглини кутар. Ухламай ўтирган келини Гулбаҳорга таскин берарди.


— Болам, ухлайверинг, ҳали замон келиб қолади. Дарвозани ўзим очаман, — дерди.

— Эна, сиз ухланг, эшикни ўзим очаман, — дерди келин.

Фарҳод келгунча иккаласи ҳам ухламасди. Эшикни эса келинчак очар эди. Шу кутишлар, шу хавотирлар билан ҳам бахтли эди улар...

Саримой воқеаси рўй берган томон биринчи бўлиб отланган уч киши сафида Хоразм вилоят ИИБ ДАН навбатчилик қисмининг навбатчи ёрдамчиси, старшина Фарҳод Собиров ҳам бор эди. Машинани бошқариш, террорчилар қўлга олган автобус изини топиш уларнинг зиммасида эди.

Улар зудлик билан йўлга тушишди. «Икарус» Саримойдан жўнаб кетган, йўлни қўшни мамлакат ҳудудига



бурган эди. Улар машинани тепаликка ҳайдашди. Баландликдан ҳамма жой кўриниб турарди. Ана, ана ... улар излаётган «Икарус» ҳам кўринди...

Фарҳод рулни шиддат билан бурди. Душман билан тўқнашувда ҳалокат юз берди. Фарҳод ва Ширин достони тугади шу ерда. Элининг ҳимоясига отланган старшина Фарҳод Собировнинг юраги уришдан тўхтади.

Унинг Ширини — Гулбаҳорнинг доду фарёди кўҳна Урганчни титратди. Ўғиллари Дониёржон ва Элёржонлар ҳали жуда кичкина эди. Отасининг тобутини кўтаришга қўлчалари етмади, елкачаларида куч йўқ эди...

Фақат лабларида бир шивир бор эди: «Мен ҳам отамдек, бобомдек милиционер бўламан!».

Катта кўчага Фарҳоджон Собиров номи берилди. Эсдалик тоши ўрнатилди. Ўлимидан сўнг унга II даражали «Шон-шараф» ордени берилди.

Бу ҳаёт бунёд бўлибдики, Зиё душмани зулмат, Эзгуликнинг ёви ёвузлик. Ёмонликнинг умри қисқа бўлса ҳам, Фарҳоднинг тотув ҳаётига оғу қўшишга улгурди.

Қайнона, қайнотаси хизматини тарк этишни ҳаёлига ҳам келтирмаган Гулбаҳорнинг қўлларидан достон тушмайди. Шириннинг Фарҳодга мактубини қайта-қайта ўқийди:

*Не бўлғай эрди чархи зулм пеша,  
Мени сендин жудо қилмай ҳамеша.*

*Ҳироминг чоғи йўлдош ўлсам эрди,  
Суқунинг вақти қўлдош ўлсам эрди.*

*Тикон кирса кафингга кинасидин,  
Чиқарсам эрди киприк игнасидин.*

Шириннинг мактуби Фарҳодга етгани тайин, аммо Гулбаҳорнинг мактублари Фарҳодига етармикин...

Ҳазрати Алишер Навоий ўз достонида «Фарҳод — фироқ, алам, ранж, ҳижрон, оҳ, дод», деб таъриф берган. Наҳотки, беш ярим асрдан буён яшамоқ луғатидан бу қайғули сўзлар ўчмаган бўлса. Эй, инсон, эй, эзгулик, ғам аралашган ҳамма сўзларни луғатдан қачон ўчирасан?!

Ошиқлар ошига оғу қўшган Ёсуманлар ҳамиша енгилиб келгани осойишталигимиз ўғриларининг ёдидан чиқдимикин?

Ғаддорлар эл нафратига учрайди. Фарҳодлар муҳаббати мангу яшайди.

## ЖОНИМДАН СУЙГАНИМ ФИРОҚҚА ҚҰЙДИ



Майор **Бахтиёр Одилович Пўлатов**. 1957 йил 12 мартда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида зиёли оилада туғилди. Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари эди.

Угом-Чотқол кўриқхонасига суқилиб кирган бир гуруҳ экстремист-террорчиларга қарши курашиш пайтида ҳалок бўлган.

«Жасорат» медали билан мукофотланган.

Хотини Жамилахон Пўлатова, уй бекаси. Уч нафар фарзанди бор.

Жаҳонгир — ИИВ Академияси III курс талабаси.

Жавоҳир — мактаб ўқувчиси.

Ихтиёр — Республика Ички ишлар вазирлиги ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернатининг курсанти.

*Лолалар бошини тупроққа қўйди,  
Осмон шабнам ёшин япроққа қўйди.  
Мен бошимни қайга қўяй, эй, фалак,  
Жонимдан севганим фироққа қўйди.*

Ушбу битиклар Бахтиёр Пўлатовнинг умр йўлдоши Жамилахоннинг дил дафтаридан. Бу дафтарда бахтли дамлар шукронаси, ўн саккиз йил биргаликда кечган умрнинг завқларига улашиб кетган армонлар, кўз ёшлар бор. Меҳрга муштоқ аёл қалбининг нолалари бор:

*Лоладай қон қилдинг бутун бағримни,  
Бунчалар синадинг юпун сабримни.  
Қачон бас қиласан, дунё жабрингни,  
Жон деганим жонни титроққа қўйди.*

Ох урсам ранжиманг, оппоқ варақлар. Мен умримиз ҳамиша висол оғушида кечади, ҳамиша баҳоримизда масту ҳайрон яшаймиз, бир-биримизга суянчиқ бўлиб, уч оғайни ботирларимизни вояга етказамиз деб ўйлаган эканман.

Турмуш ўртоғим оиласига, болаларига ҳаддан ортиқ меҳрибон, ғамхўр эдилар. Кўкси қалқоним бизни ташлаб кетиши хаёлимда йўқ эди.

*Ўртада ёмғирлар, қорлар, дўллар бор,  
Қаттол қароқчилар, дайди еллар бор.  
Қисмат аро бунча чалкаш йўллар бор.  
Тақдир қалбимизни синоққа қўйди.*

Аммо бу синов жуда қаттиқ экан. Чидаш қийин бўляпти. Бу ували-жували оилага келин бўлиб тушганимда қанчалар бахтли эдим. Ота-боболаримиздан қолган удумларга кўра, қариндош-уруғлар бизни бир-биримизга лойиқ кўриб таништиришди. Биз уларнинг гапига қулоқ солдик. Бир-биримизга кўникдик-қўйдик. 1982 йил 30 июнда тўйимиз бўлди. Кўчаларда танишиб, қўл ушлашиб, севишиб юрмаган бўлсак ҳам, бирга турмуш кечирган йиллар бир-биримизга меҳримиз, ҳурматимизни ҳақиқий севгига айлантирди.

Мен келин бўлиб тушган оилада аяжонимиз Раҳима ая, дадажонимиз Одил ота ўн бир фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказганлар. Отамиз Одил ака маҳаллада обрўли, маорифда умр бўйи ишлаган, маориф аъло-чиси эдилар. Адангиз извошда юрардилар, деб айтардилар, қайнонам. Аммо ҳеч қачон халқнинг ризқидан, узоқ йиллар болалар уйининг директори бўлганларида, болаларнинг ризқидан уйга бирор нарса келтирмаганлар. «Етимнинг ҳақи етти дарёни қуритади», дер эканлар.

Бир куни аям қўшнисидан гуруч сотиб олиб, дадамнинг келишларига ош дамлаб турадилар. Уйда гуруч йўқ, девдинг-ку, дейдилар, дадажоним. Қайнонам қаердан сотиб олганини айтганда, у одам кимлигини билиб ол, бу гуручни ўғирлаб сотади, дейдилар. Ўша куни кечкурун

ош емайдилар. Бир куни бир-икки жойда чироқ ёниб турган эди. Кераксиз чироқларни ўчиринглар, давлатни беҳудага кучсиз қилманглар, дегандилар.

Келин бўлиб тушганимдан сўнг, аввал ўзим ишлаган кондитер фабрикасига ҳужжатларимни олгани, хайрлашгани бордим. Улар хушнуд кузатишиб, ҳар хил ширинликлар ўраб, қўлимга беришди. Дадам раҳматли шуниям суриштириб қолдилар.

Мен ана шундай ҳалол оилага келин бўлиб тушганимдан фахрланар эдим. Бу файзли ва катта оилада бир йилгина бирга яшадик. Шу вақт ичида бутун умрга етгулик ҳалоллик сабоқларини олдим. Сўнг турмуш ўртоғим қаерга ишга кетсалар, ёнларида бўлдим. Иссиқ-совуқларига шерик бўлдим. Ижараларда ҳам яшадик. Бедананинг уйи йўқ, қайга борса питпилдиқ, деб бир-биримизга ҳазиллашиб кўярдик. Меҳр-муҳаббат, ишонч бор жойда ҳаёт қийинчиликлари сезилмас экан.

— Бир-бирингни бунча яхши кўрасизлар, — деб айтишарди қўшнилари.

— Қайдан билдингизлар, — деб сўрадим. Чунки ҳеч қачон «севаман» сўзини айтмаган эдик.

— Бир-бирларингизни кўрсангизлар кўзларингиз ёниб кетади, — деб айтишганди қўшнилари.

Мана, чеки йўқ соғинч кўзларим ўтини ўғирлаб кетди. Ўрнига кўз ёш чашмасини жойлади бу фироқ. Гоҳо ой-юлдузлардан нажот сўрайман, гоҳо баҳордан юпанч кутаман.

*Ойга айтсам унга айтмади бир бор,  
Юлдузлар жим кетди, ҳар тонг, ҳар саҳар,  
Келтира олмади ҳаттоки баҳор,  
Дунё дийдорингни йироққа қўйди...*

Ҳар гал ишдан келсалар, уч ўғлим барабар югуриб чиқишарди. Доимо соғиниб яшарди болаларим ҳам. Шунга ҳам шукр экан. Яхшиям лаш-лушларимни кўтариб ортидан юраверган эканман. Уйимиз бўлмаса ҳам, бош паноҳим ёнимда эди...

*Юрак бутун эди, кўзим ёнарди,  
Қизгин давраларда сўзим ёнарди.  
Қайга қадам боссам изим ёнарди,  
Дардларинг дилимни қуроққа қўйди.*

\* \* \*

Бу файзли хонадонда ҳамма ака-ука, опа-сингиллари ҳаётда ўз ўринларини топган инсонлар. Катта акалари муҳандис, бирлари қурилиш соҳасида мутахассис, бир акалари подполковник, Олмалиқ шаҳрида ишлар эдилар. Укаларининг доғи у кишини ҳам йиқитди. Дунёдан ўтдилар...

Икки опалари ўқитувчи, яна иккови тиббиёт соҳасида фаолият юритишади. Бир укалари автокорхонада колонна бошлиғи, яна бирлари савдо соҳасида меҳнат қиладилар. Хуллас, турмуш ўртоғим мана шундай соғлом муҳитда ўсиб-улғайганлар.

1978 йили Тошкент Олий милиция мактабига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, 4 йил ўқиш мобайнида ҳам курсантлар ичида интизомли, ҳурматлари баланд эди, бу йигитдан келажакда ҳақиқий изқувар чиқади, дер эканлар. Орадан тўрт йил ҳам ўтиб, ўқишлари тугаш арафасида ота-оналари уларни уйлантириш тараддудига тушишади. Сўнг тўйимиз бўлди.

Бахтиёр акам оилапарвар, меҳрибон ота, камтар, камсуқум, кенгфёъл эдилар. У киши 1982 йил сентябр ойида Бекобод туманига ишга юборилдилар. 12 йил мобайнида мана шу туман халқи учун хизмат қилдилар. Жиноят-қидирув бўлимининг тезкор вакили, катта тезкор вакили ва жиноят-қидирув бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилдилар. Шу йиллар давомида кичик лейтенантликдан майор унвонигача бўлган йўлни босиб ўтдилар. Туманда бу кишининг обрўлари баланд эди: 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ёшу қари ҳурмат билан номларини тилга оларди. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман.

Бир йигитнинг қилган жиноий иши Бахтиёр ака орқали фош этилиб, анча йилга қамалган. Ана шу йигит жазони ўтагандан сўнг қайтади ва биринчи бўлиб бу кишининг олдиларига келиб, салом-алик қилган, энди кўзим очилди. Бахтиёр ака, раҳмат сизга», — деб миннатдорчилик билдириб кетган. У кейинчалик ҳаётда ўз ўрнини топган. Шундай воқеаларнинг бир нечасига ўзим гувоҳ бўлганман.

Лекин жиноятчилар ичида ашаддийлари ҳам бор эди. Бир куни ана шундай жиноятчини тутиш мақсадида бир хонадонга ҳамкасблари билан кирганларида ўша жиноятчининг отаси милтиқ ўқталиб Бахтиёр акани отиб қўйишига сал қолганди. Мана шундай қалтис пайтлар ҳам кўп бўлган. Турмуш қурган пайтимиздаёқ тушуна бошладим зобитларнинг иши қанчалик сермашаққат, шу билан бирга шарафли эканини. Шундай бўлса-да, ҳар қандай шароитда ҳам бу кишига ҳамдард бўлишга ҳаракат қилдим. Умр йўлдошимнинг ташвиши менинг ташвишим, ютуғи, хурсандчиликлари менинг хурсандчилигим эди. Шундай умр йўлдошим борлигидан фахрланардим. У кишининг ҳамкасблари орасида обрўлари баланд эди, ўз ишларининг билимдони сифатида вазифасини сидқидилдан бажарарди. Ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан эдилар. Ноҳақликни жуда ёмон кўрар эдилар.

Йиллар йилларни қувиб 12 йил ҳам ўтди. Уч фарзандли бўлдик. Шу туманнинг ҳақиқий одамига айландик. Туман аҳлининг тўй-ҳашами, маъракаларида, яхши-ёмон кунларида иложи борича вақт топиб бориб, инсонларнинг кўнглини олишга, оғирини енгил қилишга ҳаракат қилар эдилар. Хуллас, туп қўйиб, палак ёздик десам ҳам бўлаверади.

1995 йил апрел ойида у киши Оҳангарон шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари этиб тайинландилар ва Оҳангаронга кўчишга тўғри келди.

У ерда ҳам ҳалол меҳнатлари туфайли кишилар ҳур-матини қозондилар.

Уч йил ичида анча-мунча ишлар йўлга қўйилди. Кичик тумандан келиб катта шаҳарда ишлашнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлар экан. Эртаю-кеч хаёллари ишда, уйга ҳам кечаси келиб, тонг саҳар чиқиб кетар эдилар. Вақти келса, болаларни бир неча кунлаб кўрмас эдилар.

Эҳ-ҳе, бунақа синовларнинг қанчасига дуч келдик. Бирор жиноят юз берса, токи уни фош қилгунча чеккан изтироблари, бедорликлари, эл бошига тушган ҳар бир ташвишга мардона елка тутишлари... Милиционерга хотин бўлиш қийин экан. Баъзан рўзгорнинг кам-кўстларини бутлайлик, деб, «Дадаси бирор жойда ишлайин», — десам:

— Уйда ишляяпсан, уч азамат йигитга генералсан, ҳали ўғилларингнинг ҳар бири бир генерал бўлади. Қолаверса, менинг дипломим икковимизга ҳам етади, — дердилар.

Оилада фарзандлар тарбиясидек масъулиятли вазифаларим борлигидан суюниб кетардим:

— Адаси, болаларнинг ўқишини, тарбиясини ташлаб қўяяпсиз, — десам, Сен борсан-ку, сенга ишонганимдан шу ишларда ишлаб юрибман, сен менга доим суянчиқ бўлишинг керак. Сен борсан, уйдан, болаларимдан кўнглим тўқ, дер эдилар. Бундоқ ўйлаб қарасам, ростдан ҳам мана шу ишларини бошлаган кундан доим бирга бўлдим. Уларга мадад бўлишга ҳаракат қилдим. Ишдан ҳориб, кайфиятсиз келганларида доимо очиқ чеҳра билан кутиб олишга, уйдаги камчиликлардан гапирмасдан, иложи борича уларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилар эдим. Кечалари яратгандан эсон-омон уйга кириб келишларини тилаб ўтирар эдим. Чунки бу киши ўз ишларига жуда берилган эдилар. Бирор жиноят содир бўлса, ўша иш очилмагунча бу кишининг чеҳралари очилмас эди. Мана шундай «иш» очилгудек бўлса, уйга келиб, дарров

байрамлардагидек дастурхон тузаб, болалар билан ўтириб хурсандчилик қилишни яхши кўрардилар. Болалар ҳам бунга кўникишган, ая, бугун қанақа жиноят очилибди? деб сўрашарди. Тўғри, гап фақат жиноят ишида эмас, адасининг уйимизга ҳар кун соғ-омон кириб келиши биз учун байрам эди.

Болалар тарбиясига жуда катта аҳамият берардилар. Шомдан кейин болаларимиз остона ҳатлаб кўчага чиқмас эди, болаларга жуда қаттиққўл эдилар. Аяси, ўғил болаларга сал қаттиққўлроқ бўлмаса бўлмайди-да. Чунки кўп жиноятларни қаровсиз қолган ёш йигитлар содир этади. Бунга сабаб кўпинча ота-онанинг бепарволиги, дер эдилар.

1998 йил турмуш ўртоғимни Оҳангарон туманининг Янгиобод тоғлик шаҳарчасига, шу шаҳар ички ишлар бўлимига ишга тайинлашди. Бу жой кичик бўлгани билан тез-тез жиноятлар содир бўлиб турадиган ҳудуд экан. Бу ердаги аҳоли билан ҳам дарров тил топишиб кетдилар.

Ўша машъум 1999 йил 15 ноябр куни ҳар доимгидек эрталаб туриб болаларни мактабга, сўнг адасини ишга кузатдим. Ўша куни бир жинойи иш очилиш арафасида эди. «Худо хоҳласа, шу иш очилиб қолади, кўрсаткичларимиз яхшиланади, ишимизни анча йўлга қўйиб оламан», деб ният қилиб кетувдилар...

Мен учун мана шу кун ҳаётимдаги энг қора, оғир кун бўлиб муҳрланиб қолди. Мана шундай олижаноб, улуғ инсон билан кечирган 18 йиллик умримдан розиман. Ҳамма ҳавас қилгудек, жуда яхши яшадик, бир умрга татигулик ҳаёт кечирдим. Бундан буён у кишининг ҳаёли билан яшайман. Болаларимни ҳам у киши ният қилгандек тарбиялайман. Худо хоҳласа, отасига ўхшаган, эл назарига тушган инсонлар, қолаверса, она-Ватанига, жамиятга нафи тегадиган комил инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қиламан.

Кези келганда шуни айтмоқчиманки, шундай замонда, шундай давлатда яшаётганлигимга шукр

қиламан. Ватан, халқ, касбдошлари умр йўлдошимнинг эл осойишталиги йўлидаги хизматларини унутишгани йўқ. Вилоят ички ишлар ходимларидан жуда миннатдорман. Улар бизни ёлғизлатиб қўйишгани йўқ. Моддий, маънавий мадад бериб туришибди. Ҳар байрам арафасида вилоят ички ишлар раҳбарияти бизга моддий ёрдам беради. Марҳум умр йўлдошимнинг барча маъракаларида бизнинг хонадонда тик туришиб, хизматда бўлишди. Айниқса, болаларимга қилаётган мурувватларини айтмасам бўлмайди. 1 июн — болалар кунида, янги йил ва бошқа байрамларда «Гулшан» истироҳат боғида концертлар ва болалар учун ўйинлар ташкил қилинади, сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар берилади. Ҳаммадан ҳам Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги арафасида Шаҳидлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида Бекобод туманидаги янги бир мактабга умр йўлдошимнинг номи берилиши мени ва оила аъзоларимни жуда қувонтирди».

Ҳали бу билан камтарин, очиқ чеҳрали аёл Жамилахоннинг дил дафтари тугамайди. Яна янги ёзувлар кўп. Унинг дил дафтарида жуда тез янги, ёрқин ёзувлар тушади. Биз яна биргалашиб ўқиймиз. Унда шундай сатрлар бўлади:

«Дадасй, ўғлингиз Жаҳонгир ўқишни битирди. Ишга тайинланди. Милиционер формаси ўзига бирам ярашган».

«Дадажониси, бугун уйимизга келинчак келди, ёр-ёр садолари остида ҳеч кимга сездирмай йиғладим. Жаҳонгирингиз билан келинингиз бир-бирига бирам мос. Кўзлари ёниб турибди, ўзимизга ўхшаб...»

«Дадаси, Жавоҳиржон олий маълумот эгаси бўлди. Уям, сизнинг изингиздан кетди...»

«Дадажониси, кенжатойингиз Ихтиёр Пўлатовнинг омадларига бир ўзимнинг юрагим торлик қиляпти. Қўшалоқ келинлар туширдим».

«Дадаси, невараларим бир этак. Анчадан буён дафтаримга ҳеч нарса ёзолмадим. Раҳмат, ўғилларингизга

тўғри тарбия берган экансиз. Машаққат ва ҳалоллик билан топилган нон ширин, файзли бўлар экан. Қуллуқ сизга, дадаси».

«Мана, сочларим оппоқ, ажинларим кўп. Кексайдим. Сизни ҳамон ўзингиз ташлаб кетган ёшда туриб севаман. Номингизни айтсам, кўзларим ёнади.

Мени, болаларингизни Сиз асраган Ватан кўкартирди, асради!».

## ЧИНОРДАН ЧИҚҚАН ЧИН НОР

**Майор Қорабоев Абду-маннон Сотволдиевич.**

Янгиобод шаҳар ИИБ ЖКҒ катта тезкор вакили.

1999 йилнинг 15 ноябрь кuni шахси аниқланмаган фуқаро Янгиобод шаҳар ИИБ бошлиғи подполковник В.А.Говорухинга қўнғироқ қилиб, Янгиобод дам олиш маскани атрофида қуролланган фуқаролар юргани тўғрисида хабар берган. У зудлик билан ушбу хабарни текшириш ва чора кўриш учун ўзининг биринчи ўринбосари, майор Б.О.Пўлатов ва жиноят қидирув гуруҳининг катта тезкор вакили, майор А.С.Қорабоевларни олиб, автомашинада дам олиш масканига борган. Бу пайтда қуролланган фуқаролар дам олиш маскани директори Д.Аҳроровни қоровулхонага зўрлаб олиб киришадиган бўлган. Автомашинада келганларни кўриб қуролланган шахслар уларга қарата ўқ ота бошлаганлар. Бўлиб ўтган отишма оқибатида Янгиобод шаҳар ИИБ бошлиғи подполковник В.А.Говорухин, унинг биринчи ўринбосари, майор Б.О.Пўлатов ва жиноят қидирув гуруҳининг катта тезкор вакили, майор А.С. Қорабоевлар ҳалок бўлишган.



Эл-юрт осойишталигини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида хизмат бурчига содиқ қолиб, қуролланган жиноятчилар тўдасини қўлга олиш чоғида ҳалок бўлган марҳум майор А.С.Қорабоев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 12 январдаги Фармонида кўра «ЖАСОРАТ» медали билан тақдирланган.

Абдуманноб Оҳангарон туманининг «Чинор» қишлоғида туғилиб ўсди. Оиладаги саккиз фарзанднинг тўнғичи эди. Мактабда яхши ўқиди. Адабиёт дарслари қалбига шавқ соларди. Бадиий китоблар ўқишни

севарди. Шеърлар ёдларди. Китоб қахрамонлари ҳаётини севиб ўрганар экан, бир кун ўзи ҳам жасорат кўрсатишини, ҳаётини келажак авлод тарих саҳифасига ёзиб қўйишларини, севиб ўрганишларини билмасди..

Қалбини сўз сеҳрлаган Абдуманноб Тошкент Давлат Педагогика Институтининг тил ва адабиёт факультетини битирди.

Милиция ходимларининг жасоратга тўла ҳаёти уни қизиқтириб қўйган эди.

Ички Ишлар Вазирлиги қошидаги Академияни ҳам муваффақиятли тугатиб олди.

Абдуманноб отаси Сотволди аканинг, онаси Мукаррам аянинг суянчи, маслаҳатгўйи эди. Уларнинг сафида туриб укалари, сингилларини ўқитишди. Ўзларини тиклаб олишларига ёрдам берди.

Мукаррам ая чеки йўқ ҳасрат, фахр билан азамат ўғлони ҳақида шундай дейди:

— Ўғлимнинг ҳаёти ёрқин ва унутилмас воқеаларга бой эди. У менга суянчиқ, оила аъзоларига, жигарларига меҳрибон, шаҳримизда ҳурматга сазовор йигит эди. Ҳамиша эшикни очиб, уйга юзида табассум билан кириб келарди. 40 ёшга тўлган бўлса-да, менга ҳали-ҳануз боладек эркаланарди. «Онажон, яхши ўтирибсизми?» — деб аввал ўнг юзини, сўнг чап юзини тутар эди. Юзимга меҳр билан тикилиб, мен билан узоқ-узоқ суҳбатлашиб ўтирарди. Ўша куни ҳам у уйга шошиб кириб келди ва онажон, дуо қилинг, мени зарур иш билан чақиринишяпти, деди-да, хайрлашиб чиқиб кетди. Унга оқ фотиҳа бердим, негандир юрагим гаш эди. Афсуски, ўшанда бу сўнгги хайрлашувимиз эканлигини билмаган эканман. Орадан икки кун ўтиб, 16 ноябрь куни шум хабар эшитдик...

— Ўғлим болалиқдан қобилиятли ва зеҳни ўткир эди. Шунинг учун 6 ёшидан мактабга бердик. 10 йил давомида фақат аъло баҳолари ва намунали хулқи билан бизни хурсанд қилди. 1976 йили институтни муваффақиятли тугатгач, ҳарбий хизматда бўлди. Йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, ИИБга ишга ўтди. Ўз касбига қизиқиши ва

интилувчанлиги туфайли 1994 йили Олий милиция мактабини ҳам битириб, Ангрен шаҳар ИИБ да жиноят-қидирув бўлинмаси бошлиғи лавозимига кўтарилди. Болагинам юрт душманларига қарши курашда жонини фидо қилди. Мен шундай мард йигитнинг онаси бўлганимдан фахрланаман.

Яқинда фарзандим ўқиган мактаб жамоасидан хушxabар эшитдим. Абдуманноб таълим олган илм масканига унинг номини беришибди. Бу билан марҳум фарзандимнинг руҳини шод қилишди. Бундайин эҳтиром менинг ҳам армонли кўнглимга таскин бўлди. Абдуманнобимнинг номини унутмаган яхши инсонларга самимий миннатдорчилигимни изҳор этдим.

Ўзбекистон ойнаи жаҳони орқали Республика Олий Судида бир гуруҳ жиноятчилар устидан олиб борилган суд мажлисини кўрдим. Жиноятчиларнинг қабих қилмишларини ўз оғизларидан эшитиб, уларга нафратим ошди. Ҳа, оналар дуоסי албатта ижобат бўлгай: элу юртимиз осойишталигини қўриқлаётган побонларимиз орасида менинг ўғлим каби фидойи йигитлар бор экан, ўз Ватанига, яъни онасига тиф кўтарган оқпадарлар ҳеч қачон ёвуз ниятига етолмайдилар.

**Ҳафиза Қорабоева, хотини:** — Менинг билишимча, бунақа инсонлар кам туғилади. 1983 йил тўйимиз бўлди. «Чинор» қишлоғига келин бўлиб тушдим.

Укаларини уйлантириб, сингилларини чиқардилар. Ўн беш йил бирга яшаб бирор марта мени ҳам, болаларни ҳам хафа қилган эмаслар. Фарзандларимиз Юлдузхон, Элёр, Моҳидил туғилди. Шодлигимиз чексиз эди.

Тонгда уйғониб, спорт билан шуғулланардилар. Ишга эрта кетиб кеч келардилар. Барибир вақт топиб, кўнглимизни олардилар.

Бир куни мазалари бўлмади. Тезроқ ҳовлига кўчайлик, деб негадир шошилдилар. Ҳовли олган эдик. Ойи, уй олдим, ҳамма қулайликлари бор, деб, ойиларига айтиб суюндилар.

13 ноябр — менинг туғилган кунимни ҳам ҳовлида нишонлаймиз, дедилар. Меҳмонлар келишди. Ҳаммамиз бирга, хурсанд эдик. У киши меҳмонларга кетишга рухсат бергилари келмасди. Кетмайсизлар, деб, тонг қадар суҳбатлашдилар.

Кундалик матбуотни албатта ўқиб чиқардилар. Болалари жону диллари эди. Вафотларидан илгарироқ, сизларни бир хурсанд қилай, — деб. «Шодлик» ресторанига олиб бордилар. Маза қилиб ўтирдик.

15 ноябр куни соат 18 ларда ишхонамга келдилар. Кетасанми, деб сўрадилар. Мен ҳали банкда озроқ ишимиз бор, — дедим. Хайрлашиб, кетдилар. Уйга кечроқ келсам, болаларни келтириб қўйибдилар. Кеч келаман, уйни ўзим очаман, калит билан, хавотир олмай ухлайверинглар, деб кетибдилар...

Охирги кўрганим шу бўлди. Юлдуз қизим банкда ишламоқда. Элёрнинг орзуси отаси изидан бориш. Моҳидил бешинчи синфда ўқияпти.

Бизнинг энг ширин суҳбатларимиз дадаси ҳақида эслаш, у кишининг меҳрибонликларини, одатларини гапириш.

Энг аччиқ армонимиз — дадасининг йўқлиги...

Кўнглимизга таскин топиш учун дадасининг кутубхонасидаги китобларни варақлаймиз, афғонлар чекамиз:

*Сариқ рўмол қўлимда  
Сарғайиб қолдим йўлингда,  
Қора рўмол қўлимда  
Қараблар қолдим йўлингда.*

**Юлдузхон, қизи:** — Дадажонимни йўқотганимизга ҳам 4 йил бўляпти. Вақт шунчалар тез ўтиб кетар экан. Лекин ўша мудҳиш кун кечагидай эсимда... Меҳрибон дадажоним бу ёруғ дунёни эрта тарк этди.. Уйимиз отамсиз ҳувиллаб қолди. Бизни эркаловчи, меҳрибон ва азиз дадажонимиз энди йўқ. Дадажоним билан фахрланаман. Аллоҳдан кечаю кундуз шуни сўрай-

манки, дадажонимнинг руҳлари шод, охиратлари обод, жойлари эса жаннатда бўлсин. Уларни соғинаман, азиз ёдлари доим юрагимиз тўрида.

Йиллар ўтаверади, Абдуманноб Қорабоев номидаги мактабга ҳар йили янги ўқувчилар келиб, қўшилаверади. Уларнинг Ватан ҳақидаги дарслари «ЖАСОРАТ» медали соҳиби А.Қорабоев ҳақида бўлади. Жажжи қалблар унинг номини фахр ила ёд этиб, Ватанни севмоққа ўрганадилар. Бир пайтлар Абдуманноб Қорабоев севиб ўқиган шеърни ёд оладилар:

*Кўз очсанг қучоғин очади кулиб,  
Улғайсанг улғаяр бахтларга тўлиб.  
Кутар ва кузатар парвона бўлиб,  
Бешик билан тобут ораси — Ватан.*

*Сарғайсанг бир тунда кўклаб қўяди,  
Йиқилсанг қаддингни тиклаб қўяди.  
Курашсанг камонинг ўқлаб қўяди  
Юракнинг меҳр тўла қўраси Ватан!*

## «ҲАЁТ ҒЎЗАЛ ЭДИ СИЗ БИЛАН»



Сержант **Саидахмедов Икромжон Сотимбоевич** Тошкент вилояти ИИБ ЁХБга бевосита бўйсунувчи 18-сонли ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги ўт ўчирувчиси.

И.С.Саидахмедов 2000 йилнинг сентябр ойида Оқбулоқ тоғининг Қайнарсой ва Арпапоясой тепаликларида содир бўлган ёнгинни ўчириш вақтида аланга қуршовида қолиб кетган ва куйиш оқибатида қаттиқ тан жароҳати олган. Жароҳатлан-

ганига қарамай, ортига чекинмади. Фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва давлат мулкани сақлаб қолиш йўлида ўз ҳаётини қурбон қилди.

Мардона хизматлари учун «Жасорат» медали билан тақдирланган.

\* \* \*

Икромжоннинг суратларга тўла альбомини варақлай туриб, альбомга ёпиштириб қўйилган, шеър битилган вараққа кўзим тушди.

— Буни ким ёзган?

— Мен... дейди кўз ёшларини арта-арта Икромжоннинг рафиқаси Барнохон.

— Кимга аталган?

— Икром акамга-да.

— Ёзиб юборганмидингиз? Бир эсламайсизми, ўша кунларни.

— Майли... У киши Армия сафидан қайтиб келган, мен ўқишга боришни орзу қилиб, бора олмай юрган кезларимиз эди. ўқий олмаганим учун тикувчиликни ўргандим...

Икром ака билан бир қишлоқда — мана шу Сижжак тоғ қишлоғида улғайганмиз.

Бир-биримизни кўриб, ёқтириб қолган эдик. Аммо бунини бир-биримизга ошкор айтишмас эдик. Ҳали кўнглимизни очмай туриб, нимагадир аразлашиб қолдик.

Айб менда бўлса керак, у киши жудаям яхши эдилар...

Йўлларига жуда кўп кўз тутдим.. Охири сиримни энг яқин дугонамга айтдим. Йиғлаб ёзган шеъримни ўқиб бердим. Дугонам мени юпатди. Менга бер, уйда ўқийман деб, шеъримни олиб кетди.

*Икромжонга*

\* \* \*

Эсингдами, ариқ бўйида,  
Қўлларимдан ушлаб қучганинг.  
Орзуларнинг кўк осмонига  
Менинг қалбим бирла учганинг?

Эсингдами, дарахт тагида  
Узун кунлар мени кутганинг.  
Майсалардан гулчамбар ясаб,  
Қўлларимга ёниб тутганинг.

Эсингдами, кўз ёшим тўксам,  
Йиғламагин, гулим, деганинг.  
Қайғуларга бермайман, Барно,  
Ўзинг жону дилим деганинг.

*Барнодан*

Кейин дугонам менга билдирмасдан шеъримни Икром акага элтиб берибди. Менинг хабарим йўқ. Бир куни Икром акам қайтиб келди. Биз ярашиб кетдик. Орадан бир йил ўтиб тўйимиз бўлди.

Бахтиёр кунларимизда альбом варақлай туриб, шеъримга кўзим тушди.

— Вой, қаердан олдингиз? — деб сўрадим.

Мен буни Норигада берган эдим-ку? Икковимиз «сотқин» дугонамни мақтаб, роса кулганмиз. Ичимда хурсанд бўлганман. Яна бир варақни очсам, Икром акам ҳам жавоб ёзиб қўйган эканлар:

*Барнохонга*

\* \* \*

Нега қизлар ўз севган ёрин,  
Арзимас сўз учун ташлаб кетади.  
Арзимас сўз учун ташлаб кетса-да,  
Муҳаббатнинг кўзин ёшлаб кетади.

Севдингми, алдама, аразлама ёр,  
Бунча изтироблар не учун керак.  
Ахир ўз севгилинг — номусинг, оринг,  
Оҳ урсанг, қандайин чидайдим юрак?

Ёлғон азобларга бўлма, парвона,  
Гул каби туйғулар бўлмасин хазон  
Айлама ёрингни далли девона,  
Ишқ тўла дилимни айлама сўзон...

*Икромжондан*

\* \* \*

Қизларимиз Нозимахон, Осиёхон, ўғлимиз Сайдолимжон туғилди. Биргалашиб қувонганларимиз, бошимиз осмонга етгани...

Мен келин бўлиб тушганимдан сўнг Икром ака Ёнғин хавфсизлиги бўлимига ишга кирдилар. Бўш вақтлари жуда кам бўларди. Ишдан келсалар чой дамлаб, дастурхон ёзиб, рўзғор ишлари учун ҳовлига чиқсам, кел, деб чақирардилар. Олдимда ўтир, бўлмаса чой ичмайман, дердилар.

Ишга кийинтириб, кузатардим. Форма бирам ярашарди. Ортларидан эргашиб, кетавергим келарди.

Юрса йўли бўлсам, узса гули бўлсам, деб орзулаб қолардим. Атиги тўққиз йил бирга яшадик.

Орзуларимиз чексиз эди. Ҳовли жой олган эдик. Эндигина бошлаб кўювдик. Тўйлар қилишни орзу қилардик.

Қайнона, қайнотам ували-жували, обрўли одамлар. Катта оила, етти нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказган.

Икром аканинг на менга, на болаларимга қаттиқ гапирганларини эслолмайман. Баъзан орзуларга етиш йўли узоқроқ бўлса, сал чарчасам, ширин гапириб, кўнглимни олардилар, шу билан чарчоқларим эсимдан чиқиб кетарди. Ҳеч нарса бўлмагандек, ҳаёт кўзимга гўзал кўринаверарди.

2000 йилнинг 15 августида кечкурун келиб:

— Кийимларимни тайёрла, Барно, — дедилар.

— Ҳозиргина келдингизку, яна кетасизми, — дедим, хафа бўлиб.

— «Уруш»га кетяпман, — дедилар. Мен ишонмадим. Ҳазил деб ўйладим.

Эндигина оёққа туриб, аҳволимиз яхшиланиб боряпти, замонамиз, юртимиз тинч, уруш қайдан бўлсин, деб ўйлабман. Бирор кишининг ўрнига навбатчиликка бўлса керак, дебман. Кетатуриб, кўлимга озроқ пул бердилар.

\* \* \*

Бир-биридан даҳшатли хабарлар. Шифохонага етиб борсам, минг азобда ётибдилар. У кишининг аҳволини кўриб, ҳушимдан кетибман. Ўзимга келсам, опамларнинг уйида ётибман. Болаларимнинг олдига келдим. Ҳар куни кўргани бораман деб илтижолар қиламан. Мумкин эмас, дўхтирлар қўймайди, дейишади.

20 кундан сўнг, сени эринг сўраяпти, деб, кўришишга рухсат беришди. Йиғламанг, ўзингизни тутинг,

дейишди. Кирсам, Икром акам кичкина бўлиб қолибди. Аҳволини айтиб беришга тилим ожиз.

— Барно, яхшимисан, қизларим тузукми? Ўғлим гапирдими? Олма, ёнғоқларни териб олдингларми? Ойим, дадам яхшими? Умиднинг (қишлоқдошимиз) тўйи яхши ўтдими? — деб ҳаммани сўраб чиқдилар.

Тескари ўгирилиб йиғлаганимни сездилар:

— Нега йиғлайсан, Икромга ўхшамайманми, — дедилар.

— Ўхшайсиз, ҳали яхши бўлиб кетасиз, — дедим.

Дўхтирлар уни операцияга тайёрлаймиз, иккала қўлини кесамиз, дейишди. Шунга ҳам рози эдим. Иккала қўли бўлмаса ҳам майли, ўзи омон қолса, бўлди. Ўзим қўл бўламан, Икром акамга дедим.

Уйга келиб, хурсанд бўлиб шафтоли мураббо (Икром акам яхши кўрарди) пиширдим. Қайтадан учиб-қўниб ҳамма ишни қилдим.

Бироқ эртасига ярим тунда эримнинг совуқ жасадини келтиришди. Операцияга ҳам етиб бормабди.

Ахир мен кўрганда яхши эдику, нега бундай бўлди? Худойимнинг бизга раҳми келиб, бир-бирининг дийдорига тўйсин, дедими? Шунинг учун куч-қувват бердимикин? Болаларини, менинг аҳволимни сўраш учун тил бердимикин? Юрагининг оловлари пасайсин, деб сув сўрадимикин? «Жо-о-ним, а-с-а-алимм», — деган гапларини юрагимга яна бир бор муҳрлаш учун, асал бердирдимикан?

Икром акам мард эди. Тўғрисўз эди.

Бутун умр ўқитувчилик қилиб нафақага чиққан қайнотам — Сотимбой дадам Саидахмедов, қайнонам — Қумри аям керак бўлса ватанини жони билан, кўксини қалқон қилиб қўриқлайдиган ўғил ўстирган эдилар. Баъзан яшагим келмай қолади. Икром акамнинг муҳаббатини ўйлаб, ўзимни тутиб оламан. Болаларимни ўқитишим, яхши инсонлар қилиб тарбиялашим керак, деб, ўзимга келаман.

**Майор Худойберганов Бахтиёр Эгамназарович** — Тошкент вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси Шахсий таркиб билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи:

— Мен Саидахмедов Икромжон акани ишга кирган вақтидан бери яхши биламан. Бу инсон ҳамкасблари орасида ҳурмати баланд эди. И.Саидахмедовни шифонага олиб боришганида қон йўқотганлиги сабабли унга қон қуйиш керак бўлган. Шунда барча ходимлар қон беришга келдилар. Икромжон ака ўзига нисбатан жуда талабчан, интизомли, намунали ходимлардан ҳисобланарди. У кишини доимо соғинч, армон билан эслаб юрамиз.

## ҚОЯДАГИ СОР БОЛАМ...



Сержант **Эмираджиев Эрфан Дияверович** Чирчиқ шаҳар ИИБ кичик инспектор-кинологи.

1967 йил 27 июнда туғилган. 2000 йилнинг 28 август куни Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани тоғли худудида қуролли гуруҳга қарши курашиш пайтида ҳалок бўлган.

Сержант Эмираджиев Эрфан Дияверович Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 12 январ кунидаги

Фармонига кўра «Жасорат» медали билан тақдирланган.

\* \* \*

2000 йилнинг август ойида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманининг тоғли худудига қора ниятли гуруҳ келганлиги ҳақида маълумот олинган. Ушбу қуролли гуруҳ аъзолари яширинган жойни аниқлаш, қўлга олиш, йўқ қилиш мақсадида ўтказилаётган тadbирда Чирчиқ шаҳар ИИБ ЖТСХ зотли хизмат итларини боқадиган, ўргатадиган ва сақлайдиган муассасаси патрул ва кўриқлашда ишлатиладиган итлар билан шуғулланувчи кичик инспектор-кинологи сержант Э.Д. Эмираджиев ҳам ўзининг «Лютий» лақабли хизмат ити билан иштирок этади. У қуролланган босқинчилар жойини аниқлайди. Шу пайтда қуролланган тўда аъзолари манзили ошқор бўлганини билиб, ўт очадилар. Э.Д. Эмираджиев ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, қуролланган тўда аъзолари томонидан отилган ўққа ўз кўксини қалқон қилиб, бу билан ортда келаётган бошқа ходимларнинг ҳаётини сақлаб қолади.

**Тамара Тимофеевна Эмираджиева**, Эрфаннинг онаси:

Оренбург вилоятининг Орск шаҳрида туғилиб ўсганман. Ёшликнинг орзуларга, журъатларга тўла палласида, 21 ёшимда Ўзбекистонга келганман. Татар йигити, ишчи Дилявер Эмираджиевга турмушга чиқдим. Иккаламиз ширин турмуш кечирдик. Ўғлимиз дунёга келганда суюниб, исмини Эрфан қўйдик.

Эрфан боғчага борди, мактабга борди. Чирчиқ шаҳрида ўсиб, улғайди. У табиатни, ҳайвонларни, спортни севарди. Спорт усталигига номзод эди.

— Чирчиқ шаҳридаги 11-Берёзка номли боғчада салкам қирқ йил ишладим. Эрфандан сўнг, 1971 йилда қизим Гулнора туғилди.

Эрфан мактабда яхши ўқиди. III синфдан бошлаб, боксга қатнашди. Кўплаб шаҳарларда бўлиб ўтган бокс мусобақаларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди. Кубоклар, совғалар билан қайтарди сафарлардан.

Армияда Краснодар ўлкасида хизмат қилди. Командирларидан келган миннатдорчилик мактублари қувончимизга қувонч қўшарди.

Армиядан келиб ўғлим Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимига ишга қабул қилинди. Учта ити бор эди. Уларнинг тилини биларди.

Айниқса, «Лютий» исмли итини доимо етаклаб юрарди. Бир-бирини жуда яхши тушунишарди.

Китоб ўқишни яхши кўрарди. Ёнида ҳамisha бирорта бадий, тарихий, сиёсий ёки детектив китоб бўларди. Пушкин, Лермонтов шеърятини севарди.

Бир ишни бошласа, охирига етказмай қўймасди. Ёниб турарди. Қайтмас бола эди. Ойлик маошини олиб келиб берарди.

— Ойижон, ўзингизга бирор нарса олинг, қизганманг, — дерди.

— Сенга керак эмасми, — дердим.

— Керак бўлса сўраб оламан, — дерди.

— Ойижон, ўзингизга қаранг, яна оғриб-нетиб қолишни хаёлингизга келтирманг. Мен сизсиз яшай

олмайман, — дерди. Мен эса, шунча йилдан бери ўғлим-сиз яшаяпман...

Онанинг кўзларидан ёш қуйилади. Қалбидаги нолалар шеърга кўчади:

*Юртига меҳр қўйган  
Жасур болам, мард болам.  
Айтаверсам битмайди.  
Дилимдаги дард болам.*

*Инсон қолиб итнинг ҳам  
Тилини билган болам.  
Ёвуз душманнинг ўқи  
Кўксини тилган болам.*

*Бургут болам, сор болам,  
Қайларга учиб кетдинг.  
Асрайман деб юртингни  
Жонингдан кечиб кетдинг...*

**Гулнора Эмираджиева** (Эрфаннинг синглиси) (Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимида ишлайди): — Акам Эрфан менинг ҳимоячим эди. Ҳамиша мен учун қайғуриб юрарди. Менга ҳатто боксни ҳам ўргатган.

Чорвоқ, Янгиобод фожиаларида террорчилар билан юзма-юз бўлган. Ҳар сафар соғ-омон қайтган эди.


Отам дунёдан ўтгач, ойим, мен, қизалоғим Виктория акамга суяниб қолган эдик. Жияни Викторияни жуда севарди. Унга совға-саломлар келтирар, эркаларди. Бир кун кўрмаса соғиниб қоларди.

Ўша куни жангда ити «Лютий» билан бирга иштирок этишган. «Лютий» яраланиб қолса-да, Эрфаннинг ёнидан кетмаган. Унинг изларини излаб, ўрмон оралаб юрган. Акамни йўқотганига чидамай касал бўлиб қолди. Овқат емай қўйди. Кўп яшамади. Эрфаннинг орзулари кўп эди. Жисмоний тарбия институтида ўқимоқчи эди. Пул тўплаб, уй сотиб олмоқчи, уйланмоқчи эди. Унинг хотираси қалбимиздан ўчмайди, сира.

## ҚАЙГА УЧДИ ЛОЧИНИМ

Катта лейтенант **Турсунов Азизжон Баходирович** Қибрай тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили.

1977 йил 1 майда туғилган. 2004 йил 30 март куни Қорамурт тўсиқ постида террорчиларнинг портлатиши натижасида ҳалок бўлган. «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланган.



Азизжоннинг суратини кўрдиму, Юсуф келбатли бу йигитнинг таърифига сўз излаб, «Юсуф ва Зулайҳо» достонини қайта варақладим. Зеро, Юсуф сийратига Жомий ҳазратларидан ўтиб тасвиф топишнинг иложи йўқ.

*Агар оламни сен қўйсанг бир томон,  
Унинг нурларидан бўлар чароғон.  
Гар фалак қуёши топмаса барҳам,  
Юлдузлар бозори равнақсиз ҳар дам  
ёки,  
Тик қомати эди сарви хушрафтор,  
Такаллумда эди лаби шакарвор.  
ёки  
Нима дей ул ҳусни гул дилбаридан,  
Ҳаддан зиёд эди ҳуру паридан.  
Чархи фалак узра тўлин ой эди,  
Унга кавну макон рўшно жой эди.*

Шу қадар келишганки, ёниб турган кўзлари, қоп-қора қошлари, қоп-қора сочлари, Алпомишдек сумбати қайси дилбарнинг бахти учун яралган экан, деб ўйлайди ҳар ким...

«2004 йил 17 март.

Севинчларимга юрагим торлик қияпти. Дафтаримга ёзиб қўямасам бўлмайди. Якка ёлғиз ўғлимнинг бошини боғлаб қўйдик. Иймонли, обрўли бир хонадонга қуда бўляпмиз. Менинг эркатоим, тентаквойим яна бир оила учун қадрли. Бир қиз учун севимли. Келиним ақлли, ҳаёли, пазанда эмиш. Қақажон қизим Зулайҳонинг гапи билан шу яхши ишлар бўлиб кетди. Оиласи ҳам, қиз ҳам бизларга ёқди. Менинг Азизим уларга ёқди.

Болажонимнинг на васлига, на ҳуснига тўямиз. Доимо ишдан кеч қайтади. Эшик пойлаб ўтиравераман.

— Аяжон, ухлайверсангиз бўлмайдими, — деб кулиб юзларимдан ўпади. Билмайдики, еру кўкка ишонмайдиган болажонимнинг кўзларига кўзим тушмаса ухлай олмаслигимни.

Келиним келса, балки ишдан эртaroқ қайтар. Чуғурлашиб ўтирармиз бир уй бўлиб. Иши чиқиб қолиб, кеч қайтса, келинимга Азизжонимнинг ёшлиги ҳақида гапириб бераман.

Ўрта мактабни битургунча ҳар йили фахрий ёрликлар олганини айтиб бераман. Биргалашиб альбом варақлаймиз. Учми, тўртми яшарлигида поччаси, полковник Б. Т. Соатовнинг шапкасини кийиб, камарини боғлаб тушган суратини ҳам кўрсатаман. Роса кулса керак, честь бериб турганини кўриб. Мана энди эринг катта лейтенант, дейман. Генерал бўлишини орзу қилавер, болам, дейман.

Эрим, ўғлим, қизим ва ўзим тушган суратимизда ҳам бахтлиман жуда. Энди бешовлашиб суратга тушамиз. Беш-олти йилда кадрга ҳам сифмай қоламиз, Аллоҳ набиралар берса. Гавжум хонадонни яхши кўраман. Насиб бўлса, набираларимга алла айтаман, буви бўлиб.

Эй худо, ўзингга шукур! Азизжоним яна кечга қоляпти-я!»

*(Азизнинг аяси Вазифахоннинг кундалигидан)*

«29 март, 2004 йил.

Азизжон меҳмонга келган бувасини уйига кетишга қўймади. Бугун вақт топиб, дипломимни олиб келаман.

Олий маълумотли ҳуқуқшунос бўлдим. Энди икки карра олий маълумотлиман буважон, деди. Ҳеч мақтанмасди, буvasини суюнтиргиси келди болажоним. Буvasи ҳам қолди уйига кетмай.

Мен билан бўлажак тўй ҳақида ҳам гаплашишга улгурди. Фақат озгина гаплашди. Мен барча икир-чикирларигача гаплашгим келиб турувди. Азизжоним шошди. Ҳамиша «Кеч келаман, ухлайверинг, эртага қолишим мумкин», дейдиган бола, «Ая, кутинг, қайтаман», деб чиқиб кетди. Буvasи икковимиз ортидан термулиб қолдик».

*(Вазифахоннинг кундалигидан)*

29 март куни террорчиларнинг бошлиғини қўлга олган Азизжон бу ҳақда аясига айтмаган ҳам эди. Эртасига яна шошилиб, ишга жўнаган.

30 март куни... Пойтахтга элтадиган йўлларда кузатув кучайтирилган «Қорамурт» блок постига сафарбар қилинган ходимлар ҳар бир транспорт воситасини синчиклаб назоратдан ўтказарди. Тонгги соат еттиларда постга «Тико» автомашинаси яқинлаша бошлади.

Вилоят ИИБ ЙҚХБ инспектори, милиция старшинаси Ваҳобиджон Нуриддинов «Тико» автомашинасига тўхташ ишорасини берди. Автомашини ҳайдовчиси уни секинлатгандек бўлди-ю, бироқ тўхтамай юриб кета бошлади. Буни кузатиб турган вилоят ИИБ ЙҚХБ бўлим бошлиғи, подполковник Саидаҳмад Абсаторов ва Қибрай туман ИИБ ЖК ва УЖҚҚБ тезкор вакили, катта лейтенант Азизжон Турсуновлар уни тўхтатиш учун шошилишди.

Азизжон ўт-олов эмасми, дадил автомашини томон юрди. Ҳайдовчи машина устига деярли бостириб келаётган ходимнинг талабига бўйсунидан бошқа илож йўқлигини сизди. Азизжон ҳайдовчининг ҳужжати ва йўловчиларига разм соларкан, уларнинг ҳам машинадан тушишларини буюрди. Чангалдан чиқиб кета олмаслигига кўзи етган террорчилар тушиши ҳамоно

белларига боғлаб олган қўлбола портлаш мосламасини ҳаракатга келтиришди...

Азиз Турсунов ёнида турган такси ҳайдовчисини фавқулоддаги ҳодисадан асраш учун уни тўсди, йўловчини итариб юборди. Аммо ўзи...

— У мени кўкраги билан тўсиб қолди, — деб эслайди «Тико» ҳайдовчиси касалхонада ўзига келгач. Мен ундай довюрак йигитни кўрмаган эдим. Формаси ўзига ярашган, келишган, алп қоматли, қора қошу кўзли, менинг ҳаётимни сақлаб, ўзини қурбон қилган бу йигит хотирамда умрбод қолади.

Йўловчи сифатида пойтахтнинг «Интерконтентин-тал» меҳмонхонасига олиб бориб қўйишимни илтимос қилган кимсаларнинг ниятлари қора эканини сезмаганимдан пушаймонман.

Шундай қилиб бир ёрқин юлдуз порлаган даврида, чимилдиққа киришига бир ой вақт қолган, орзуларга тўла бир дамда сўнди. Отасининг, онасининг, синглисининг, буважонисининг нолалари, фарёдларига қалам ожиз. Худо душманга ҳам шу кунни раво кўрмасин.

Эрта-индин никоҳ қўйлагини танлашга борамиз, деб турган милиционер ёрининг қадди бастига ҳали юз ёриб тўйиб боқолмаган қизнинг нолалари ўзига, кўз ёшидан ҳўл бўлган болишларга аён.

*Кундуз жамолинга тикилиб тўйсам,  
Тунлар оёгинга юзимни қўйсам,*

деган армонлари кўксида қолиб кетди. Ўша кўришганларида ёрининг ўт ёнган кўзларига нега бир бор қарамади, ҳеч бўлса ўжар сочларига қўлини бир тегизмади. Фақат суратига ҳеч ким йўғида тикилиб, масту ҳайрон эди қиз. Яна сурат билан, тўйига атаб олинган сандиқлар тўла сарпою тилла тақинчоқлар билан қолиб кетди қиз. Бироқ эгаси йўқ бу буюмлар кимга керак?

Кудалар ҳам мард, ориятли одамлар экан. Бир йилгача Азизжоннинг ҳамма маракаларига келиб туришди.

Шундай йигитнинг доғида ич-ичидан куйишди. Йилини ҳам ўтказиб бўлишгач, минг истиҳолада яна келишди.

— Азизжоннинг ҳар сочига бир қиз арзирди. На илож. Пешонамиз шундоқ экан. Энди қизимизга рухсат этасизларми? Йўқ, десангизлар, Азизжоннинг ёди билан бир умр ўтаверади, — дейишди.

— Сизлардан розимиз. Фақат оғиз солиб кўйганимиз ҳаққи, шунча вақт кўнглимизга қарадингизлар, раҳмат. Мингдан минг розимиз, — деди Баҳодир ака кўз ёшларини ичига ютиб.

\* \* \*

Азизжон ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлмоқ ниятида уни билганларни тинглаймиз.

**Подполковник Маҳмуджон Умаров, Қибрай туман ИИБ бошлиғи:** — Тошкент шаҳрида қуролланган шахслар томонидан содир этилган хунрезликлар бўйича «Сирена» тадбири эълон қилинди. Гумонланувчиларнинг тахминий қиёфалари шахсий таркибга етказилди. Сафарбарлик гуруҳида Азизжон Турсунов ҳам бор эди. Унинг хушёр, сезгирлиги хизмат пайтида қўл келди. «Бойжигит» маҳалласидан чиқиб келган йигит унда шубҳа уйғотади. Ушлаш чоғида у қаттиқ қаршилиқ кўрсатади. Бўлимга олиб келинган 1982 йилда туғилган Юқори Чирчиқ туманида яшовчи Фарҳод Казакбоевнинг сумкасида турли симлар, портлатиш қурилмасини ясаш учун мўлжалланган мослама ва хомашёлар топилган. Террорчи гуруҳ томонидан пойтахтнинг яна бир қатор жойларида қўпоровчилик тартибсизликлар келтириб чиқариш режаси ана шундай барбод этилди.

**Муҳаббат Ибрагимова, журналист:** — Мана, ёш жонингга қасд қилган террорчилар устидан суд ҳам бўлиб ўтди. Ҳатто ўша тунда рўбарў келган ғаламис,

нобакор тўданинг «амири» сендек йигитга қойил қолганини рўй-рост айтди. «Мен Азизжонга тан бердим. У мен билан шундай самимий, дўстона суҳбатлашдики, гўё най чалиб авранган илондек туман ИИБга бориб қолганимни сезмай қолдим. Урмади, сўкмади, «милисаман» деб кўрқитмади. Мен уни катта пул ваъда қилиб, сотиб олмоқчи бўлдим. Долларни кўрса, минг бор қуллуқ қилиб иймонини ҳам сотадиган одамларни кўп кўрганман. Аммо у мени лол қолдириб, мен кўрсатган бир даста долларга қиё ҳам боқмади. Унинг ёш бўлишига қарамай фаросатли, ақлли, самимий эканига тан берарканман, меҳрим товланиб кетди.

У доллардан бирини кўлига олди-да, унинг қалбаки эканлигини айтиб, ҳақиқийси орасидаги тафовутларни тушунтириб берди. Алданганим жуда оғир ботди. Бир тийинга қиммат қоғозлар учун хиёнатга қўл ураётганимдан нафратландим. Ва Азизжоннинг беҳуда жон куйдирмаётганига ишонч ҳосил қилдим. Бир гап билан у менинг кўзимни очиб кўйган эди. Мен кўнгилли равишда кўрсатмалар беришга аҳд қилдим. Йўл-йўлакай гаплашиб борар эканмиз, деярли тенгқурим бўлишига қарамай яшаши, ишлашидан мақсади борлиги, биз шунчаки туғилган жойим дейдиган Ватани учун жонини беришга тайёр эканлигидан унга ҳурматим ошиб, ҳавасим келди. Шундай йигитнинг ҳалок бўлганини эшитиб қаттиқ ачиндим, йиғладим. Ундайлар ўлмаслиги керак».

**Ҳ. Миродилов, Қибрай туманидаги 25-мактаб ўқувчиси:** — Қанчадан-қанча отабезори, онабезори болаларни биламан. Улар на жамият, на яқинларига фойда келтиради. Хунрез террорчилар шундайлардан эмасми? Азизжоннинг террорчиларни ушлаш чоғида ҳалок бўлганини эшитиб, мен шуларни ўйладим. Энди унинг жасоратини ўқувчиларга етказишни бурчим деб биламан. Чунки, улар бу тинч, осуда ҳаётни кимларнинг жон фидолиги эвазига келаётганини билишлари ва қадрига етишлари керак.

**Эгамберди Жаҳонгиров, Қибрай тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚҚБ катта тезкор вакили, капитан:** — Азизжон ўт-олов йигит эди. У ички бир туйғу билан машинадагилар террорчилар эканлигини билган. Қурбонлар камроқ бўлади, бошқаларни асраб қоламан, деб шу йўлни танлаган. Бу фақат Азизжоннинг кўлидан келарди. Ҳеч иккиланмай она-Ватан ва халқ осойишталиги учун жонини фидо қилди.

**Оққўрғон туман ИИБ ҲООБ собиқ бошлиғи, капитан Тўлқин Маматкулов:** — Азизжон Турсунов 1999 йилда Тошкент вилояти ИИБга хизматга қабул қилинди. Олмалик ўқув марказида махсус тайёргарликдан ўтгач, Оққўрғон тумани ИИБ ЖТСБ ЖООБ участка инспектори лавозимига тайинланди. Участка инспектори лавозимидаги хизмат унинг касбий маҳоратини оширибгина қолмай, ҳаёт йўлини танлашда муҳим туртки бўлди. У ҳамиша воқеалар ичида бўлишни яхши кўрарди. Азизжондаги ғайрат гўё отилиб турган вулқондек эди.

У 2002 йили туман ИИБ Оққўрғон милиция бўлинмаси ЖҚ ва УЖҚҚГ тезкор вакили этиб тайинланди. Икки йил ичида Азизжон шу соҳанинг устасига айланди.

**Шоназар Қурбонов, Тошкент давлат аграр университети доценти:** — Мактабни битиргач, Азизжон Тошкент давлат Аграр университетига ўқишга кирди. Мен уни серҳаракат, қувноқ, ўта ғайратли эканлигига кўп ҳавас қилганман. Зеҳни ўткир, тез илғовчи, фаросатли бўлиб, фанларни осон ўзлаштирарди. Вақтини бекорчилик, бемаза нарсаларга сарфлаш унга ёт эди. Ўқиб юриб, ҳайдовчилик курсини ҳам тугатиб олибди, қаранг.

Олийгоҳ миқёсида ўтадиган барча тадбирларда фаол қатнашиб, атрофдагиларнинг руҳини кўтара оларди. У кирган жойга файз кирарди, гўё. Ўзи билан офтобнинг бир парчасини олиб юргандай бўларди.

Азизжоннинг ҳалок бўлганига кўпчилик ишонмади. Ҳатто кафедра лаборантлари «шу ростми» дея мендан қайта-қайта сўрашди. Тўғрисини айтсам, яқинларим вафот этганида ҳам бунчалар йиғламагандим.

### **Яна Азизжоннинг онаси кундалигидан:**

*«Гоҳ доно, гоҳ телба дунё,  
Эй беш кунлик кулба дунё,  
Қайга учди сор лочиним,  
Кўй, қошимга келма, дунё!»*

*Тўс-тўполон, бозор дунё,  
Гоҳ роҳат, гоҳ озор дунё.  
Номардларини яйратиб,  
Мардларини эзар дунё.*

Еру кўкка сифмаган, ақлу одоби, ҳусни малоҳати билан ҳаммани шайдо этган ботиримни, ўлимнинг кўзига тик боққан азаматимни қаро ерга лойиқ кўрдингми, дунё?!

*Мен эдим тинч турган тупроқ уюми,  
Тўзғитиб ташлади ҳижрон қуюни.*

Болажоним кетиб, ўзим ҳам майдаланиб, мажақланиб кетдим. Келин тушираман деб, ёниб, тўйга шайланиб турган аёл, иккинчи гуруҳ ногиронига айландим.

Азамат болам, террорчи лаънатиларнинг бошлигини қўлга олиб, уларнинг режасини барбод қилган болам. Ўша куни уларга «Тўй қолдирилди», деб хабар кетган экан. Уларнинг элга қирғин келтирувчи «тўй»и қолдирилган бўлса ҳам, сенинг тўйинг бўлиши керак эдику, ўғлим!

Мен йигирма етти йил бахтли она эдим. Сенинг шўхликларинг, ўт-оловлигинг билан бахтиёр эдим. Кўнглим бўйларинг билан тенг ўсар эди. Сени ўзимнинг кўзларимдан ҳам қизганардим.

Расмлар чизардинг, сузишни, курашни қойиллатиб, дипломлар келтирардинг. Олган ойлигингни муҳтожларга улашиб чиқардинг. Маҳалланинг энг ёвқур йигитлари сени хурмат қилишарди. Безорилар ҳайқишарди.

Тўйларда, маъракаларда милиционер Азизжоннинг онаси сифатида эъозланардим. Давраларнинг тўрида ўтирардим. Энди кимнинг онасиман, мен? Бир уюм тупроқнингми? Энди жойим қайда менинг?

Менинг қўллари кучли болам, душманни ушлайман деб, ажални ушладингми? Ҳамма билан, ҳатто душмани билан тил топишган болам, ажални кўндира олмадингми?

Масжидларга хайру эҳсон қилардинг, болалар уйига музқаймоқлар элтиб берардинг, саҳоватли болам, дийдори қиёматга қолган болам.

Мен фахр билан ўғлим дейдиган, мени меҳр билан она дейдиган фарзандим, жисму жоним қани?

Эй, онаси оқ сутини ерга соққан нобакорлар! Ёлғизгина ўғлим ҳаётини барбод қилиб, кўнглингиз тўлдими? Сизни онангиз шу мақсадда ўстирганмиди? Отангиз йўқми? Ватанингиз йўқмиди, Иймонфурушлар?!

Чингизхон ёви бўлган Жалолиддин Мангубердига ҳаваси келиб, лашкарларига, ортидан ўқ узманглар, деб амр этган экан. Сизларнинг амирингиз Фарҳод Казакбоев ҳам ўғлимга тан бердику. Унинг одамийлигини кўриб, ўзимнинг қилмишларимдан уялдим, деди-ку.

Нега суянчимдан жудо қилдинглар? Нега?! Барибир ҳеч нарсага эришолмайсизлар. Менинг ўғлим каби ўз ишига, Ватанига содиқ йигитлар ҳеч қачон Ватанини сотмайди!

То тирик эканман, сиздан домангирман! Чимилдиққа кирмай, увол кетган, ғаму ҳижрони тоғларни титратган ўғлим! Жаннатларда ҳуру филмонларга ёр бўлгайсан! Сени элинг, юртинг, Ватанинг, онаизоринг ҳар лаҳза эслайди, соғинади. Жигарпорам, тинч ухлагин Азизгинам!

## СУҚСУР ЭДИ, СУҚ ТЕГДИ, ЧОПҚИР ЭДИ ЎҚ ТЕГДИ



Старшина **Ваҳобжон Нуриддинов**. Паркент туманининг Номданак қишлоғида 1968 йил 24 июнда туғилган. 1989 йилда Ангрен шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида милиционер-кинолог вазифасида иш бошлаган. Сўнгра Тошкент вилояти Янгибод шаҳар ИИБ ва Қизилтоғ қўрғони милиция бўлими патруль-пост хизмати бўлимларида, марказлаштирилган қўриқлаш пульталарида, Паркент тумани ИИБ йўл-патруль хизмати

инспектори вазифаларида сидқидилдан хизмат қилди. Ваҳобжон Нуриддинов 2003 йилдан Тошкент вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, йўл-патруль хизмати батальонининг сафарбарлик гуруҳи инспектори вазифасига тайинланган. У бу вазифада ҳам сидқидилдан хизмат қилар, юртга, халққа бўлган қалбидаги меҳр-муҳаббатини, садоқатини исботлашга интиларди. 2004 йил 30 март куни Қибрай тумани «Қорамурт» постида террорчилар томонидан содир этилган портлаш натижасида ҳалок бўлди. Ваҳобжоннинг ҳаёти эвазига юртимизнинг энг гавжум жойларига офат келтиришга мўлжалланган кўпоровчилик ашёлари, қурооллар йўқ қилинди.

Ваҳобжон Жуманович Нуриддинов ўлимидан сўнг «Жасорат» медали билан тақдирланган.

*Чорси белбоғ белида,  
Кўринмайди элида.  
Суқсур эди, суқ тегди,  
Чопқир эди, ўқ тегди.*

*Бойчечакдай очилиб,  
Гулида хазон урганим.*

*Қизғалдоқдай сочилиб,  
Ерларга зое бўлганим.*

*Билагим синди сопидан  
Чиноримдан айрилиб.  
Юрагим чиқди қопидан,  
Шунқоримдан айрилиб . . .*

— Шундай болам ўлиб кетди. Тупроқларга эссиз бўлди. Меҳрибоним эди, ҳар куни келиб бир кўрмасдан, дуоимни олмасдан кетмасди, — дейди Ваҳобжоннинг онаси Салима ая, — вой, бу аламларга қандай чидайман! Қирқ уч йил чорвачилик фермасида хизмат қилдим. Болам ҳамиша ёнимда эди. Мен билан бирга сигир соғарди, молларнинг емини берарди. Сувим йўқ бўлса, сув келтирарди. Дадаси билан етти фарзандни тарбиялаб вояга етказдик. Ваҳобжоним олтинчи болам эди. Уларга уй олиб алоҳида чиқарган бўлсак ҳам, ҳамиша хабардорим эди. Ишга кетишида, қайтишида кириб, ҳолимни сўраб турарди. Онажон энди молларга қараманглар. Отам икковингизни шаҳарга олиб кетаман, дерди. Биз далага, чорвага ўрганганмиз, деб рози бўлмасдик. Ҳар куни суратига боқиб йиғлайман:

*Олмамикан, нормикан,  
Келар куни бормикан?  
Шу юртларда бор бўлса,  
Хабарин топган бормикан?*

*Хабарин берган бандага  
Бойловда моли суюнчи.  
Дарагин берган бандага  
Дордаги тўни суюнчи . . .*

Салима аянинг бўзлашларидан тош кўнгил ҳам вайрон бўлади. Ҳеч ким чидамайди.

**Жуман Нуриддинов (Ваҳобжоннинг отаси)**—Ўғлим билан охирги марта 28 март куни кўришгандик. 29 март куни эса вафот этганлиги ҳақидаги совуқ хабар келди. Шу тобда бошимга оғир гурзи тушгандек бўлди. Мамлакатимиз тинчлигига ҳасад қилган террорчиларга лаънатлар ўқидим.

Етти нафар фарзандим орасида Ваҳобжоним ўзининг меҳнатсеварлиги, меҳрибонлиги билан ажралиб турарди. Техникага жуда қизиқарди. Машина бузилиб қолганини кўрса, дарров тузатишга ҳаракат қиларди. Ўғлим жасур йигит эди.

**Маймоқов Нурдавлат Расулович (майор, Ангрен шаҳар ИИБ ЁХБда катта нозир):** — Ваҳобжон кўриқлаш бўлимида ишлар эди. Қурол олиш учун келарди. Келишган, кўзга яқин йигит эди. Ўзининг вазифасидан ташқари ишларни ҳам қилиб кетаверарди. Юрагида ўти бор эди. Кўрқмас, йўлидан қайтмас эди. Бирмунча вақт бошлиқнинг машинасини ҳайдади. Истараси иссиқ эди. Худди туғишган укамдек яхши кўрардим. Ҳамма тadbирларда фаол қатнашарди.

**Омонов Аъзам (майор, нафақада):**— Ваҳобжон билан илгаридан қалин дўст эдик. Сўнг қуда бўлдик. Қаердан чақирув келса, югуриб бирга чиқарди. Баҳона қилишни билмасди. Оғир босиқ, ўйлаб гапирар эди. Бир ишни бошласа, охирига етказарди. Дам олиш ҳақида ўйламасди. Байрамларда ҳам ишда бўларди. Нега бориб дам олмайсиз, десак, кўнглим жойига тушмаяпти, дерди. Жуда сезгир эди. Посёлкага бирор шубҳали одам келса, дарров сезарди. Бирор воқеа содир бўлса, унинг фикрига қулоқ солардик. Жиноятчини кўнгли сезар, бир кўрган одами эсида қоларди. Бирор ҳамкасби ишга келмай қолса, эътироз билдирмай унинг ўрнига ишлайверарди. Мард эди.

**Шухратжон Адашев (капитан, Красногорск қўрғони бўлими навбатчилик қисмининг катта нозир):** —

Кўпинча постда бирга турганмиз. У билан бирга бўлсам, хотиржам эдим. Жуда сезгир, касбий маҳорати кучли эди. Узоқдан келаётган кишининг характери, кимлигини адашмай айтарди. Навбати тугаб, кетиши керак бўлса, сиз кетмайсизми, деб сўрарди. Ўрнимга навбатчи келмай турган бўлса, кемага тушганнинг жони бир, деб у ҳам кутиб турарди. Жиноятларнинг ечимини тез топарди. Пахтага, ҳашарга биринчилардан бўлиб борарди. Бошлиқлар томонидан доимо рағбатлантириш оларди.

**Илхомжон Нуриддинов. (Ваҳобжоннинг акаси. 45-мактаб директорининг ўринбосари)**—Укам Ваҳобжон оиламизда ота-онамнинг энг ишончли ва суянган ўгли эди. Улардан тез-тез хабар олиб турарди. Қаерда бўлмасин, ота-онамни йўқлашга вақт топар, уларнинг маслаҳатлари билан иш қилар эди. Ўз олдига қўйган ҳар қандай ишни ўз вақтида бажаришга эришарди. Умрида ичмаган, чекмаган, спортни севарди. Бокс билан шуғулланарди. Унга ўзим ҳам суянардим, фахрланардим. Укажоним қанотим эди. Ваҳобжон ишлаган кўча унинг номига қўйилган.

**Капитан Абдусалом Собиржонов:** — 1997 йилда Красногорск кўрғонида жойлашган «Лола» дўконида ўғирлик содир этилгани ҳақида хабар олдик. Ўшанда Ваҳобжон кўриқлаш бўлимида ишлар эди. Воқеа жойига етиб борсак, у ўғрини ушлаб, дўкондан олиб чиқаётган экан. У барча тадбирларда фаол қатнашиб, вазиятга тўғри баҳо бериши ва аниқ ҳаракатлар қилиши билан ҳамкасблари ҳамда раҳбариятнинг оғзига тушган эди.

**Турғун Шарофиддинов (маҳалла кўмитаси раиси):** — Ваҳобжонлар оиласини узоқ йиллардан бери биламан. Бу хонадон ҳалол меҳнати, пешона тери эвазига умргузаронлик қилади. Маҳалламиз аҳлининг уларга ҳурмати чексиз. Ваҳобжоннинг вафоти «Номданак» қишлоғи учун оғир йўқотиш бўлди.

**Зоир Темирбоев, тенгдош дўсти:** — Дунёда энг яқин, сирдош дўстандан айрилишдан оғир жудолик бўлмаса керак. Ваҳобжон тенгдошларимизнинг сараси эди. Касбига болаликданоқ меҳр қўйган, ўз орзуси йўлида асло чекинмаганди. Умрининг охиригача шундай бўлиб қолди.

**Турсунматова Адолат, Ваҳобжоннинг бошланғич синф ўқитувчиси (нафақада):**— Биз ўқитувчилар ҳар гал, янги синф ўқувчиларини қабул қилганимизда, ўттиз-қирқ нафар янги болалар билан танишамиз. Уларнинг бўйи, онги ўса борган сари, бизнинг кўнглимиз ўсади. Меҳнатимиз мевасини кўриб суюнамиз. Партада ўтиришни, ручка ушлашни билмаган, ўйинқароқ ўғил-қизлар ҳарф танийди, билим олади. Жамиятимизнинг суянчига айланади. Ўзимиз ўстирган чинорларга ўзимиз суюнамиз.

Шундай чиноримдан бири Ваҳобжон эди. У зийрак, босиқ, аълочи, интизомли эди. Ўртоқларига муносабатида яхши оилада тарбия кўргани сезилиб турарди. Менинг ўқувчим Ваҳобжон фидойилик кўрсатиб, бошқаларга ватанни қандай севиш кераклигини ўргатиб кетди.

**Катта сержант Жўраев Абдушукур:**— Биз ёшлиқдан бир маҳаллада бирга ўсганмиз. Ваҳобжон тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, адолатли, тўғрисиўз эканлиги билан ажралиб турарди. Бир сўзли, айтганининг устидан чиқадиган, мард эди. Жўралари унинг фикри билан ҳисоблашарди. Ҳаммамиз ҳурмат қилар эдик.

**Дилобар Нуриддинова, Ваҳобжоннинг рафиқаси:** — Турмуш ўртоғим билан ўн тўрт йил бирга яшадик. Иноқ, тотув, ҳамманинг ҳаваси келадиган оила қурдик. Фарзандларимиз Абдоржон ва Садоқатга меҳрибон ота эди. Ҳеч қачон бизни ёлғиз ташламас, ҳеч кимга ишонмай ардоқлаб юрар эди. Байрамларни бизсиз ўтказмас, қаерда бўлса ҳам етиб келардилар. Ота-

онасига меҳри баланд, уларнинг дуосини олиб, кейин ишга кетар эдилар.

Биз учун Ваҳобжон акам ўлмагандек. Ҳамон ёнимизда ҳис этамиз. Болаларим адасини ҳар куни эслашади. Ўғлим Аброржон, қизим Садоқатхон дадасининг ушалмаган орзуларини рўёбга чиқаради насиб этса. Бунга қўлимдан келганича ҳаракат қиламан. Руҳларини шод қилиб, тириклигида ҳурмати қандай бўлса, шундай сақлашга ҳаракат қиламан.

## ИНСОНПАРВАР, БЕОЗОР ЭДИ



Катта сержант **Ахмедов Заитбек Мирзабекович** 1964 йил 15 майда туғилган. Ички ишлар тизимида 1993 йилдан буён Қибрай тумани Ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси милиционери лавозимида хизмат қилган. 2004 йил 30 март куни Қибрай тумани «Қорамурт» соқчилик постидаги портлаш натижасида ҳалок бўлган.

Катта сержант Ахмедов Заитбек Мирзабекович Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 26 апрель кундаги фармонида кўра «Жасорат» медали билан тақдирланган.

Заитбек Ахмедов Қибрай туманида туғилиб ўсди. Шу туман тинчлиги, ватан осойшталиги йўлида хизмат қилиб келаётган эди. Ҳамқишлоқлари, ҳамкасблари, дўстлари, оила аъзолари уни камтарин, меҳнаткаш, ўз ишига фидойи, дўстларига садоқатли инсон сифатида қадрлашар эдилар.

Кутилмаган фожиа ҳамманинг қалбини ларзага солди.

**Назифа, Заитбекнинг хотини:** — Хўжайиним иш деса ўзларини томдан ташлардилар. Ҳеч қачон бирор баҳона билан ёки бемор бўлиб ишдан қолмаганлар. Ҳатто кейинги йилларда меҳнат таътилини ҳам олмаган эдилар. «Сиз ҳам кўп қатори дам олинг», десам, «Постда йигитлар ёлғиз қолади», дердилар.

Ўша куни, шаҳарда портлаш бўлибди, деб эшитдим. Ўғилларим Руслан, Рустам, қизим Гулзипага, бугун шаҳар нотинч экан, дадангиз кеч келса керак, дедим. Биз ҳамиша дадасини кеч келишини, гоҳо бошқаларнинг ўрнига навбатчилик қилишини билардик. Яна кўнглимга хавотир тушиб, туман, вилоят ИИБларига

бориб келдим. Ҳеч нарса билолмадим. Уйга келсам, кичик ўғлим, хабар келди, дадажоним яраланибди, деди.

Сўнг... чиройли кийиниб, оёқлари билан юриб уйдан чиқиб кетган эрим... Эвоҳ, совуқ жасади келди уйга...

Бизнинг орзуларимиз кўп эди. Янги ҳовлини бошлаб қўйган эдилар. Болаларимизни ўқитмоқчи, тўйлар қилмоқчи эдик. Уйинг куйгур террорчиларга биз нима қилган эдик?! Ҳеч кимнинг кўнглини оғритмайдиган, умрида ҳеч кимга ёмонлик қилмаган эримнинг айби нима эди?!

Ўғилларимнинг каттаси 16 ёшга, кичиги 14 ёшга кирди. Ўзларини катталардек тутишга ҳаракат қилишади. Аммо кенжатоим, дадасининг эрка қизи Гулзипамга қийин бўлди. Гоҳо дадасининг қабри устида йиғлаб турган жойида топиб келамиз. У террорчилар деган разилликни тушунишни ҳам истамайди.

Уйларимиз чала қолди, тўйларимиз ўтмай қолди. Суянчимизни биздан тортиб олишди. Хўжайиним томорқада ишлашни яхши кўрардилар. Гуллар, дарахтлар экардилар. Уй юмушларимга вақти бўлса, чин дилдан ёрдам берардилар. Бирор хато қилсак, ҳеч ҳам хафа қилмасдилар. Яхши гап билан тушунтирардилар.

**Марҳамат Бойгулова, Заитбек ўқиган 28-ўрта мактаб мусиқа ўқитувчиси:** — Заитбек синфдошлари орасида хулқи, илмга чанқоқлиги, қувноқлиги билан ажралиб турарди. Оиласида саккиз фарзанднинг тўртинчиси бўлиб, шароити қийинлигига қарамай аъло ўқирди. Бирон марта ўқитувчиларнинг «Шу бола ёмон, одобсиз, дарсимга халақит берарди» деганини эслай олмайман. Унинг ҳалок бўлганини эшитиб, жуда ачиндим. Уч норасида гўдаги отасиз қолди, уларнинг нигоҳларига қараш оғир. Биримиз ота, биримиз она бўлиб бор илмимизни берармизу, бироқ отасининг ўрнини ҳеч ким босолмайди-да.

**Салим Зокиров, 40 йилдан буён жисмоний тарбиядан дарс беради:** — Бундай йигитни билмаслик гуноҳ. Икки

кун аввал кўргандим-а. Айримлар милиция формасини кийган кунданоқ юриш-туришини ўзгартиради. У эса, мана, ўн йилдан ошибдики, ўша-ўшалигича қолди. Каттаю кичик, ёшу қарига бирдай муомалада, бировнинг дилига озор беришни гуноҳ санарди.

Жону дили футбол эди. Футбол тўғарагига мунтазам қатнашарди. Эҳтимол, дала, мол-ҳол ишлари бўлмаганда ажойиб футболчи бўлармиди . . .

Заитбекнинг жасоратини эшитиб, Ватанига фидойи, жасур йигитни вояга етказишда ўғитларимиз зое кетмаганидан фахрланган бўлсак, ўлимини эшитиб қайғуда қолдик. Заитбек каби мард, ботир йигитларнинг умрини хазон қилганларга лаънатлар бўлсин.

**Вазира Норматова, «Ўтқир» маҳалла қўмитаси раиси:** — Заитбек ҳақида қанча гапирсангиз оз. У камтар, меҳрибон эди. Қайнопаси вафот этиб, ундан бир қиз қолганди. Уни ўгай она қўлида хоҳ бўлмасин деб, парвалишлаётганди. Ҳозир Айгерим мактабда яхши баҳолар билан ўқияпти. Айрим ота-оналар ўз боласини кўчага ташлаб қўйган бир вақтда Заитбекнинг бу иши мақтовга лойиқдир. Ўзи бой-бадавлат бўлмаса-да, бағри кенг, меҳри дарё, ҳақиқий инсонпарвар эди. Бугун маҳаллада унинг жасорати ҳақида гапириб юришибди.

Тинч юртнинг тинчини бузмоқчи бўлганларни ҳамма лаънатламоқда.

**Марат Турсунбоев, Абдукарим Юсупбеков, М.Кенжаева, И.Мусаева, синфдошлари:** — Бизга ёқадиган жиҳатлари: ҳеч қачон ҳеч кимга ғарази йўқ эди. Гинакудуратни билмас эди. Бировнинг устидан заррача шикоят қилганини эслай олмаймиз. Заитбек билан бирга ўқиб, бирга вояга етдик. Чумолига ҳам озор бермайдиган одамнинг энди орамизда йўқлигига ишонини қийин. Кўришганимизда қирқ ёшимни нишонлайман. Ҳамма синфдошларни чақираман.

Баҳонада бир йиғилиб ўтиришамиз, деб ваъда берганди.

**Мирзабек ота Аҳмедов, Заитбекнинг отаси:**- Ўғлимнинг ўлими қалбимни ларзага солди. Гарчи яна тўрт ўғлим, уч қизим дардларимни биргалашиб кўтаришса-да, айрилиққа чидаш қийин бўляпти. Ўғлимнинг битмаган уйи мунғайиб қолди. Фарзандлари Рустам, Руслан, Гулзипа бўзлаб қолишди. Келиним Назифа бечорага қийин бўлди.

Ўғлим бекорга қон тўкмади, юртини ҳимоя қилман, деб жон берди. Заитбек ва унинг дўстлари террорчиларни тўхтатиб қолмаганида, яна қанчадан-қанча бегуноҳларнинг қони тўкиларди.

Ўғлим ориятли, шахдли, ўктам, ғурурли йигит эди. Ички ишлар тизимида ўн етти йил ҳалол меҳнат қилди. Менинг юзимни ерга қаратмади. Онаси берган оқ сутни оқлади. Биз ўғлимиздан розимиз.

Заитбек Аҳмедов ўқиган мактаб унинг номи билан аталади. Ўқувчилар Заитбекнинг ҳаётини меҳр ва ихлос билан ўрганишади. Саёҳатга чиққанда, йўлга отланганда, орзулар сари юриш қилганда Заитбекнинг номини кўшиб, «саф кўшиғи»ни айтишади:

*Ортимизга қайтиш йўқ,  
Чарчадик деб айтиш йўқ,  
Еладирмиз мисли ўқ,  
Олға, сафдошлар, олға.*

*Тош келса кемирамиз,  
Сув келса симирамиз,  
Орзу сари юрамиз,  
Олға, сафдошлар, олға.*

*Юртни севмак ғоямиз,  
Матонатдир доямиз,  
Ватан-суянч қоямиз,  
Олға, сафдошлар, олға.*

## БОДОМ ГУЛЛАРИДА КЎРАМАН УНИ



Катта лейтенант **Саидов Эркин Ғайбуллаевич**. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими милиция таянч пункти инспектори.

1978 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. Иккинчи мутахассислик бўйича Миллий университетнинг ҳуқуқшунослик факультети III курсида сиртдан ўқиётган эди. Ички ишлар тизимида 2000 йил январидан хизмат бошлаган.

2004 йил 29 март тонгида пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани, Гулсанам кўчасидаги «Тун» тадбирида иштирок этаётиб, жиноятчилар отган ўқдан ҳалок бўлди.

«Жасорат» медали билан мукофотланган.

### **Адолат Саидова, рафиқаси:**

— Адолат, тайёрланинглар. Сизларни Тўйтепага қўйиб келаман, — дедилар Эркин акам, ўша куни. Тўйтепада қайнонам, қайнотам яшашарди. Болаларимнинг кийинишига ёрдамлашдилар. Уларни икки қўлига кўтариб, машинага олиб чиқдилар. То Тўйтепага етгунча, болаларга гапириб кетдилар. Болаларни тинимсиз эркалайвериб, Нигора, Саиджон... деявериб, неча юз бор ўтган йўлларида ҳам адашиб кетдилар...

— Бир ҳафтадан кейин келиб олиб кетаман, онамга ёрдам беринглар, — деб болаларни қайта-қайта ўпиб хайрлашдилар.

Ишдан ҳамини кеч қайтар эдилар. Эшик қўнғироғини қайта-қайта босардилар. «Адаси, секинроқ тақиллатсангиз ҳам очаман, болалар уйғониб кетади», дердим.

— Болалар уйғонсин, дедим-да Адолат, — деб дарров икки болани икки қўлларида олардилар. Уларга шапкаларини кийдириб, сўнг мени чақирардилар.

— Адолат, кел, менинг генералларимга таъзим қил, — дердилар.

Болалар роса суюниб кетишарди. Ўша куни уйга кўйиб келатуриб, қайта-қайта тайинладилар:

— Адолат, болаларга эҳтиёт бўл. Ўзингга ҳам! Оғир юк кўтарма.

— Сиз ҳам ўзингизга эҳтиёт бўлинг, — деб хайрлашдик. Бу бизнинг сўнгги видолашувимиз бўлган экан...

Ишдан кеч келиб, эрта кетардилар. Ҳамиша иш, ташвишлар билан банд бўлардилар.

— Бу кетишда болалар сизни танимай қолади, — дердим.

— Ҳали вақтимиз бўлади, сен бизларни яхшилаб таништирасан-да, аяси, — дердилар.

Касби туманининг Фазли қишлоғида ўсиб улғайдим. Эркин акамлар Тошкентда яшардилар. Тез-тез бориб турардилар. Акамга суянгандай суяниб, ўсдим. Биз аташтириб қўйилган эдик. 15 августда тўйимиз бўлган эди. Ҳар йили шу куни гул, совға-саломлар келтирардилар. Мен дастурхон тузаб, кутиб ўтирардим.

Ҳамма нарсага вақт топардилар. Шунча куч-ғайратни, бардошни қайдан оларкинлар, деб ажабланардим.

Университетда ҳам аъло баҳоларга ўқиганлар, спорт билан шуғулланардилар. Энди ҳуқуқшунослик факультетининг III курсида сиртдан ўқиётган эдилар.

— Болаларим ҳам милиционер бўлади, Саиджон ҳам, Нигора ҳам, қиз бола деб ўтирмайман, — дердилар.

Ўз касбларини жуда яхши кўрардилар ва ҳеч қачон касбларига хиёнат қилмасдилар. Баъзан курашлардан ҳориб келганларида:

— Қўрқмайсизми, — дердим.

— Ўлимдан ҳам қўрқмайман, — десалар, шундай суянчиғим борлигидан бошим кўкка етарди. У киши жуда мард эдилар.

Болаларни ухлатиб, эшикка қараб ўтираман. Ҳали замон қўнғироқ жиринглаб, Эркин акам кириб кела-

ётгандай бўлаверади. Икки кўзим йўлда, доим... У кишининг меҳрибонлиги, яхшилиги, мардлигини ай-тиб тугатолмайман...

Адолат ёшли кўзларини ерга тикади. Кўнглидаги дардлар шеърга айланиб, қоғоз юзига томади.

*Тугамайди ҳасрат дostonим,  
Бевақт хазон бўлди бўстоним.*

*Бир қизимга боқиб куяман,  
Бир ўғлимга боқиб куяман.*

\* \* \*

Эркинжон зиёлилар оиласида ўсиб улғайди. Отаси Гайбулла ака Тошкент Аграр университети доценти, онаси Норхолой опа боғчада тарбиячи эди. Дунёда «болам»лаб йиғлаган онанинг кўзига боқмоқдан оғир нарса борми? Ўтган йиллар ҳам унинг кўксига қайғу оловини сўндира олгани йўқ. Кўз ёшларига чек қўёлгани йўқ.

— Эркинжоним китоб ўқишни, футбол ўйнашни, жўраларини яхши кўрарди. Бокс билан шуғулланарди. Устозларини ниҳоятда ҳурмат қиларди. Дадаси менинг ишимни давом эттирасан, десалар, бир оғиз гап қайтармай, Аграр университетини битирди.

Ўқишни битириб, дадасининг розилигини олиб ўзи севган касб йўлини тутди. Милиционер бўлди. Шундай болам увол кетди-я...

Эркинжон ҳақида уни билганлар «Доя бу боланинг танглайини ички ишлар ходими бўласан, деб кўтарган» дейишарди. Чунки у тили чиққандан «Ким бўласан?» деган саволга «Милица бўламан!» деб жавоб берарди.

Ўғлим ўқишни аъло баҳоларга битириб, ўз орзусига етди. Эгнига биринчи марта ички ишлар ходими кийимини кийганда қувончдан кўз ёшларимни тиёлмагандим.

Эркинжон Мирзо Улуғбек туманидаги «Файзиобод» маҳалласида профилактика инспектори бўлиб қисқа вақт ишлаган бўлса-да, ўзидан ўчмас из қолдирди. Маҳалла аҳлининг ўғлим ҳақида ҳурмат ва эҳтиром ила айтган сўзлари-ю дуоларини эшитиб, шундай ўғилнинг онаси бўлганимдан фахрландим.

Ўғлим баҳорни севар, айниқса, Наврўзни ўзгача бир кайфият билан, интиқиб кутарди. Байрам кунлари хизматда бўлса-да, албатта уйга келиб, ҳаммамизни айём билан табриклаб, гул совға қилишни унутмасди.

Лекин бу галги Наврўзни ўғлим, катта лейтенант Эркинжон Саидов кутиб ололмайди. У айна баҳор кунларида, навқирон ёшида ғаним отган ўқдан ҳалок бўлди...

Эркинжон эккан бодом кўчати бу йил биринчи марта гуллади. Унинг бақувват новдаларида шоналаб турган кўплаб гунчаларни ўғлимнинг шодон кўзларига, хушбўй ифорини эса ўғлимнинг ҳидига ўхшатаман.

Ўғлим оламдан ўтган бўлса-да, халқ орасида унинг ўчмас номи, қаҳрамонлиги, ортидан эса қўш фарзанди қолди. Ўғлимнинг ҳамкасблари эшиқдан «Онажон!» дея кириб келишганда, Эркинжон болам гўё қайта тирилгандек, шўх-шодон ўртоқлари даврасида юрган-дек туюлади. Катта-катта анжуманларда раҳбарлар ўғлимнинг номини тилга олганларида тўлқинланиб кетаман. Чунки ўғлим ҳалок бўлган бўлса ҳам унинг номи, ҳурмати унутилмади. Қаҳрамонлигини эса ҳукуматимиз муносиб тақдирлади.

... Бодомнинг нафис гуллари, бинафшанинг мунчоқ кўзлари ила болам бизга кулиб турибди. Эркинжоннинг уч ёшли ўғли Саиджон эса бошига адасининг фуражкасини кийиб, «мен — мелисаман!» дея фахр билан дадасининг суратига тикилади. Демак, ўғлим тирик. У фарзандлари сиймосида ҳамон барҳаёт, ўғлимнинг, у каби шаҳид кетган йигитларнинг номи ҳеч қачон унутилмайди. Чунки улар Ватан фарзандлари эдилар...

## МУҲИДДИНЖОН ПОЛВОН ЭДИ



Катта лейтенант **Омонов Муҳиддин Зиёдуллаевич**, 1973 йил Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани, Хўжасоат қишлоғида туғилган.

Тошкент Давлат Педагогика университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида 2000 йилдан буён хизмат қилган. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ профилактика инспектори. 2004 йил 29 март кунини террорчилар билан олишув пайтида ўқ тегиб ҳалок бўлган.

Қизи Ёдгора ўлимидан сўнг туғилган. «Жасорат» медали билан мукофотланган.

Муҳиддин туғилган Хўжасоат қишлоғи нақ учта улкан тоғнинг ўртасида жойлашган. Одамларининг қалби булоқ сувларидек тоза, гурури тоғ каби баланд. Соғлом, чаққон. 60—70 ёшда ҳаёт билан видолашишмайди. Жуда ёш бўлади у пайтда.

Эркаклари деҳқончилик, овчилик билан шуғулланади. Полвонлик ҳам касб уларга. Кучли бўлишнинг биринчи шarti ҳалоллик эканини яхши билишади.

Ўсадиган дарахtlари одамларига ўхшаб тик ўсади. Ҳатто анор, анжир, ток дарахtlари ҳам қишда кўмилмайди.

Аёллари иболи, меҳнаткаш, бориға шукур қилади. Ёстиқлар, палаклар тикади. Табиатнинг мўъжизакор рангларини матоларға кўчиради. Муҳиддин шундай юртда туғилиб ўсди. Унинг ити, оти, каптарлари бор эди. Ҳовлиға чиқиши билан ити гир айланиб, осилиб олар, каптарлари елкасига қўнади.

Муҳиддин 102 ёшли Элмўмин бобосидан қўл олган полвон эди. Тенгдошлари ўртасида унинг олдига тушадигани йўқ эди. Сурхондарёнинг тўйлари ҳам ўзига хос. Икки ёшнинг муқаддас никоҳини олқишлаб,

полвонлари кураш тушади, чечанлари катта даврада шеърлар ўқишади.

Муҳиддин билан Мақсуданинг тўйида аввал 100 ёшли бобоси Элмўмин полвон оқ фотиҳа берди. Унинг тик қомати, нақ кўксига тушган оппоқ соқоли, салобатли сўзлари даврани ҳаяжонга солди. Сўнг отаси Зиёдулла Омонов дуо қилди.

Ўйин-кулги бошланиб кетди. Айниқса, адабиёт ўқитувчиси Алимардонов Саттор домла айтган оташин сўзлар, шеър ҳамманинг ёдида қолди:

*Равон юзингда бир ҳилол кўрайин,  
Кўрсат ағёрингни завол бўлайин.  
Каттакон тўй қилсанг ноғора чалиб,  
Тўйингда сув ташиб ҳаммол бўлайин.*

Гумбурлаган овоз акс садо бериб, тоғлардан қайтади. Нақадар фидойилик, хокисорлик бор бу аҳдларда.

Тўрт ўғил, беш қизни туғиб, вояга етказган Менгсулув момонинг оёғи ерда бўлса ҳам, боши осмонда эди. Ўғилларининг энг кичигини ҳам бошини икки қилганидан қувончи чексиз эди.

Муҳиддин институтни тугатиб, ўзи туғилган қишлоқда кимё-биология ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади. Бироқ ёшлигидаги орзулари тинчлик бермас, албатта милиционер бўламан, дерди. Ниятига етиб, 2000 йилда Тошкент шаҳар ИИББ ўқув марказининг тингловчиси бўлди. Бир суҳбатда генерал-майор Р.Ҳайдаров спортнинг аҳамияти ҳақида гапирди. Сўнг ёнидаги полковникни кўрсатиб, тингловчилардан сўради:

— Ораларингда полковник билан кураш тушадиган борми? — Генерал ва полковник салобати босиб ҳамма жим турарди. Жўраси Муҳиддин полвонга қараб қўяётганини сезган генерал Муҳиддиндан сўради:

— Сен кураша оласанми?

— Курашаман!

Сурхондарёда курашларнинг ҳадисини олган бўз йигит, Алпомишнинг юртидан келган полвон бола, полковникни йиқитди.

Муҳиддин рақибининг туришига ёрдамлашар экан,  
— Кечирасиз, қизишиб кетибман, — деди.

— Сенга ўхшаган йигитлар керак бизга, — деди полковник мардларча.

\* \* \*

Орзу қилган касбида иш бошлаган Муҳиддин кечаси ўзига тегишли ҳудудда айланиб юрарди. Кулоғига чақалоқ йиғиси эшитилди. Табиатан болаларни севадиган Муҳиддин бир энтикиб кўйди. Тўйлари бўлганига ҳам бир неча йил бўлди. Қачон бизнинг уйдан ҳам чақалоқ йиғиси эшитилар экан... Ҳаёл оғушида кетаётган йигит тўхтади. Нега тинимсиз биғиллаб йиғлайди. Онаси қарамадимикин? У овозни мўлжал қилиб, кўп қаватли уй томон юрди. Ниҳоят излаганини топди. Биринчи қават деразасига осилиб қолган чақалоқни авайлаб олди-да, бағрига босди. Чақалоқ пиқиллаб, кўниб қолди. У ёқ-бу ёққа қаради, ҳеч ким йўқ. Ярим тун.

Чақалоқни уйга, янгаси билан хотинига олиб келди. Улар парвона бўлишди. Эртасигаёқ, айбдор топилди. Бир қиз никоҳсиз туғилган боласини юқори қаватдан ирғитган экан. Мўъжиза юз бериб, чақалоқ омон қолган экан.

\* \* \*

Бир кишининг икки боласи йўқолган эди. Уларни биров даласига мажбуран келтириб ишлатаётган экан. Муҳиддин Омонов туфайли йўқолган болалар ҳам топилди. Муҳиддин доимо ҳушёр ва сергак эди.

\* \* \*

2004 йилнинг 29 март тонги эди. Соат 4.30 лар чамаси. «Тун» тадбирида иштирок этаётган Муҳиддин Омонов сафдоши Эркин Саидовнинг ёнида эди.

Шубҳали кишиларни тўхтатиб сўроққа тутдилар. Шу пайт узилган ўқлар Муҳиддинжоннинг бошига, биқинига тегди. Жисмонан бақувват йигитнинг жон бериши қийин бўлди. Нимадир демоқчи бўлди. Мақсудага ҳали гумона бўлган фарзандини орзиқиб кутганини сўзламоқчи эдими, яккама-якка курашсам, душманни йиқардим демоқчи эдими.... Баланд тоғларини, туғишганларини кўрмоқчи эдими?

Табиатни, болаларни севадиган, шеърлар ёзадиган Муҳиддин полвоннинг юраги орзуларга тўла эди.

Муҳиддинжонни ўзи туғилиб ўсган қишлоғига дафн этишди. Тобут бошида кабутарлар чарх урди. Вафодор ити йиғларди, одамдек йиғларди.

Тўй нима, эл-улус нима, орзулар нима эканини билмаган малъунлар, бутун борлиғи билан табиатга, жамиятга фидойи яшаётган Муҳиддин Омоновда қасдинг бормиди?

Уларнинг жами тирикликка, эзгуликка қасди бор, қуёшдан қўрқадиган кўршапалаклар улар! Улар озодлик, тараққиёт душмани, ҳур фикрлар, кураги ерга тегмаган полвонлар душмани!

Муҳиддинжоннинг завоул умри учун улар яратганнинг олдида, шаҳид кетган навқирон ўғлоннинг порлоқ руҳи олдида жавобгардирлар!

## ОРТИМДАН ЙИҒЛАБ ҚОЛДИ СОЧИ СУМБУЛ КУМУШИМ



Сержант **Отабек Абдусайтович Кувватов** Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ патруль-пост хизмати гуруҳи милиционери.

О.Кувватов 1978 йилда Самарқанд вилояти Пойариқ туманида туғилган. Ўрта мактабни тамомлагандан кейин армия сафида хизмат қилган. 1999 йилдан буён ички ишлар идораларида ишлаган. Дастлаб Тошкент шаҳар ИИББ конвойлик хизмати алоҳида милиция

батальонида милиционер лавозимида хизмат қилган. 2003 йил ноябрь ойидан Шайхонтоҳур тумани ИИБ ППХ гуруҳида фаолият юрита бошлаган.

29 март куни Тошкентдаги «Чорсу» бозорида террорчилар томонидан содир этилган портлашда ҳалок бўлди. Ўлиmidан сўнг «Жасорат» медали билан тақдирланган.

Отабек! Бу исмни танимаган ўзбек хонадони бўлмаса керак. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» идаги Отабек шу қадар ўзбекона, шу қадар ўзимизники бўлиб кетганки, минг-минглаб хонадонларда ўғлонлар бу ном билан аталади. У Отабекка хос одамийлик, босиқлик, мардлик, гўзаллик каби хислатларни бу Отабекларга ёр бўлишини истайдилар.

Абдусайт ака ва Ирисгул опалар оиласида бундан 29 йил муқаддам бешинчи фарзанд дунёга келди. Чақалоқнинг исмини Зубайда момо яхши ниятлар билан Отабек деб қўйди. Исмда хосият кўп дейишади.

Бизнинг Отабегимиз ҳам босиқ, мард, суврати ва сийрати гўзал йигит бўлиб улғайди. Жўраларининг меҳру ишончига сазовор бўлди.

**Мақсуд Хўжакулов, синфдоши:** — Отабек ўзининг кучлилиги, муомаласи, ростгўйлиги билан ҳам ўртоқларимиз орасида ажралиб турарди. Ҳар гал қишлоққа келганида, албатта, ўртоқларимизнинг уйларига бориб, чақчақлашиб кетарди. У айтган сўзининг устидан чиқар, бирор ишга киришса, ниҳоясига етказмасдан қўймасди. Жасурлиги, қатъиятлилиги учун ҳаммамиз уни ҳурмат қилардик, яхши кўрардик.

**Неъмат Болиев, Пойариқ туманидаги 6-мактаб ўқитувчиси:** — Муаллимлик фаолиятим давомида қишлоқнинг кўплаб болаларини ўқитдим. Отабекни 1-синфда ўқиган давриданоқ яхши биламан. Жуда тиришқоқ, ҳар қандай вазифани тез илғаб оладиган ва виждонан бажарадиган, аъло баҳоларга ўқийдиган, хулқи намунали ўқувчиларимдан эди. У қишлоғимизнинг ҳам, мактабимизнинг ҳам фахри бўлиб қолади.

Отабек мактабни битириб, Ватан олдидаги йигитлик бурчини юртимизнинг чегарасида адо этди. Ота-онасига мактублар ёзар экан, ҳамманинг соғлиғини сўрарди, соғ-саломатлигини, дўсту ёрлари омонлигини айтиб, мактуб охирида Отажон, вақтингиз бўлса, бир келмайсизми, деб ёзганди. Хатни кечга яқин қўлга олишганди.

Тўрт ўғил, тўрт қиз ўстираётган онанинг юрагига ўт тушди. Нега келмайсизми, деб ёзибди-я, соғмикан ўзи? Отаси, юринг, Отабекнинг олдига кетдик, деди.

Оқшом бўлишига қарамай, Сурхондарё қайдасан, деб йўлга тушишди. Яхшиямки, юртимизда улов муаммоси йўқ. Эрталаб Боботоғда ҳозир бўлишди.

Катта-кичик сумка, тугунларни кўтариб олган эр-хотинни кўриб, командир, Сизлар Отабекка келдингизларми, деб сўраса, Ирисгул опанинг юраги шувиллаб кетди.

— Ҳа, боламиз омонми? — дейишди бараварига

— Болангиз соғ-саломат, ҳозир чақиртираман. Сизга ўхшар экан, шунинг учун таниб олдим, — деди онасига қараб

Ота-онасининг олдига Отабек гўё учиб келди. Уларга Боботоғнинг энг гўзал жойларини кўрсатди. Тўйиб суҳбатлашишди. Ўғлининг хизматидан, командирининг мақтов гапларидан кўнгли тўлган она, хайрлашар чоғи сўради:

— Отабек болам, нега келинг, деб ёзувдинг?

— Опа, сиз шу пайтгача саккиз фарзанд ташвиши билан бўлиб, ҳеч жойга бормагансиз. Боботоғни бир томоша қилинг, девдим.

Бизнинг Отабегимиз ҳам Қодирийнинг Отабегига ўхшаб, ота-онасини жуда яхши кўрарди.

Ўша машъум кундан икки кун аввал Абдусаид ака Тошкентга кўнғироқ қилиб, Отабекни укаси Жамшиднинг фотиҳа тўйига таклиф қилган эди. Яна, агар ишинг кўп бўлса, овора бўлма, катта тўйга келарсан, онанг ҳам шу фикрда, деб кўшиб кўйган эди.

Отабек ишини ташлаб келолмади. Хотини Мунира ҳам уч ёшли ўғли Жавоҳир, тўрт ойлик қизалоғи Моҳинур билан узоқ йўлга чиқолмади.

Қатлама, патир, турли пишириқларни Отабек билан Муниранинг ҳақи деб тугунга туккан она Тошкентда яшайдиган қизи Барнога қайта-қайта тайинлади:

— Болаларимга салом айт. Яхши ният билан берганларимни етказ, оғзи тегсин.

Барно турмуш ўртоғи Шерали ва болалари билан 28 март куни кечроқ Тошкентга қайтиб, Отабекка кўнғироқ қилади:

— Уйда бўлсангизлар бораман, — дейди.

— Опажон, чарчаб келгансиз, эртага ўзимиз борамиз. Тўйнинг қандай ўтгани ҳақида гаплашамиз, — дейди Отабек.

Эртага . . . .

**Ориф Бобоназаров, сержант:** — Эрталабки йўриқномага сафланган эдик. Тугатиб, эндигина тарқалишга ҳаракат бошланганида бехос орқа томонимиздан портлаш юз берди. Яқин турганимизданми, шу қадар кучли эшитилдики,

беихтиёр қулогимни беркитдим. Шу заҳоти Фаҳриддин ака отилиб ерга тушди. Ҳушимни йиғиб дарҳол ёрдамга шошилдим. Гултувакка яқин жойда Отабек, унинг ёнида старшина Қодир Раҳмонов ҳушсиз ётардилар. Фаҳриддин аканинг икки елкаси ўртасидан тутиб, бошини кўтардим-да, чалқанча ётқизиб, дўконга отилдим. Қўлимга илинган бир ўрам матони қўлтиқлаб чиқдим. Ҳамкасблар — Улуғбек, Аҳат, Толлибой ҳам ўзларини йўқотиб қўйишмади. Биринчи бўлиб Фаҳриддин акани, сўнг Отабекни чойшабга олдик, устини ёпдик. Старшина Қодир ака ҳали тирик эди. Уччаласини ҳам биринчи шаҳар касалхонасига олиб кетишди. Бир зумда икки ҳамюрт, икки биродар ҳамкасбимни йўқотдим. Отабекнинг кўзлари юмилмади, очиқ кетди. Тирик қолганимга гуноҳкордек, ҳалигача ўзимга келолмадим. Йўқотиш ёлғизлатиб қўяр экан, қай бир ҳаракатинг тўғри, қай бири нотўғри, ўшанда фарқлаёлмай қоларкансан киши. Отабекнинг ён дафтарчасини варақлай туриб, охиrhoғида «Почча» деб ёзилган телефон рақамларига кўзим тушди. Дарҳол кўнғироқ қилдим, гўшакни аёл киши олди, билсам, опаси экан. Унга айтолмадим, поччани чақиринг, гапим бор дедим. Чақирди. Бор гапни айтдим.

**Подполковник Абдуҳафиз Рустамов:** — Отабек Қувватовдаги уч жиҳатни ниҳоятда ардоқлардим. Аввало, у касбига содиқ эди. Қисқа фурсат хизмат қилишига қарамай, ички ишлар ходимларининг барча қонун-қоидаларига сўзсиз амал қиларди. Айтилган вазифани ўз вақтида кўнгилдагидек бажарарди. Иккинчиси, оиласида ниҳоятда яхши тартиб топганини ҳамкасбларига бўлган муносабатида ҳам кўрсата оларди. Ҳушмуомала, табиатан камгап эди, одамнинг юзига тик қарамасди. Отабекдаги учинчи жиҳат, ҳамма вақт, ҳар қандай ҳолатда ҳам мустаҳкам интизомли бўлишни истарди. Айни шу хислатларни бошқа ходимларимиз ҳам ўзлаштиришлари керак. Чунки Отабекдек мард, жасур, қатъиятли ўғлонлар бор Ватанда тинчлик, хотиржамлик ҳукм сураверади.

Пойариқ туманининг Тоҳиршайх қишлоғи кўнгил сўраб келганлар билан тўлиб кетди. Кенг далалар, қирлар, дарахтлар орасидаги озодагина, дид билан тикланган, кўп тўйларга гувоҳ бўлган уй мотам ичра қолди. Қодирийнинг Отабеги бошига жудолик ўтини Зайнаб солган эди. Кумушга заҳар бериб, Отабек кўнглидаги муҳаббатни, унинг севгилисини ўлдирган эди. Отабек Қувватовни юртимиз озодлигини кўролмаган аёл ҳаётдан жудо айлади.

\* \* \*

Уларнинг турмуш қурганларига эндигина 4 йил бўлганди.

— Ўғлим, кўшни қишлоқда яхши қиз бор экан, исми Мунира. Бир кўриб келгин, — деди бир кун Ирисгул опа, — сенга маъқул келармикан...

Ўртадаги элчилар қизни холасиникига келтиришди. Давомини Мунираҳондан эшитамиз:

— Биринчи кўришганда қарашга уялдим. Иккинчи кўришганда бир қизча иш билан дўконга келиб қолди. Шунини баҳона қилиб, қараб олдим. Уйдагилар рози, гап менда қолган эди. Оғир, босиқ, келишган йигитни орзу қилардим. У киши мен орзу қилган йигит эди. Ишларидан отпусқа олиб, тўй бўлди. Мени тушириб олиб, 15 кун турдилар қишлоқда. Сўнг Тошкентга ишга кетдилар. Бир ярим ой деганда келдилар, Сўнг 2 ойда келдилар. Шунда энам, оилангни ҳам олиб кет, дедилар.

У киши, уйда сизга қарашадиган ҳеч ким йўқ, хизматингизни қилсин, дейдилар. Охири бирга кетдик Тошкентга. Уйимиз йўқ, қайнопамникида яшадик. Ўзларининг 2 хонали уйи бор, поччам, опам, уч нафар фарзанди, яна бизлар, бир квартирада яшадик.

Бахтли эдик. Ўғиллик бўлганимизда бирам суюндилар. Исмини ўзлари қўйдилар. Қизим ҳам қишлоқда туғилди, қайнонамнинг олдида. У киши иккинчи кунни етиб келдилар туғруқхонага, суюниб, табриклаб кет-

дилар. Моҳинур қизимиз 20 кунлик бўлгандан сўнг, энам, юр, эрингни олдига элтиб кўяй. Қизинг каттариб қолди, дедилар.

Уйимизга бордик. У киши Ашуров Холдор деган хамкасби билан бирга бир террорчини ушлаган эдилар. Мукофотга 2 хонали квартира беришган эди.

Чақалоқни кўтариб олиб, укамдан ҳам уялмай эркалай кетдилар:

— Момо қизим, қора қизим, асал қизим, — дейдилар.

Болаларни жуда яхши кўрардилар. Мени еру кўкка ишонмасдилар. Бирор марта уришмаганлар. Ўша куни ишга кетиш олдидан Жавоҳирни эркалатиб, ўйнатдилар. Кийимларини тайёрлаб қўйгандим. Кийиндилар. Доимо кўчагача кузатар эдим. Бу гал қизим йиғлайверди. Кузатиб чиқолмадим. Дадаси ишга борманг, байрамни, тўйни билмайсиз, дедим.

— Хафа бўлма. Мен ва дўстларим сизларни, Ватанни кўриқлаймиз, дедилар.

— Тайёрланиб тур, ишдан келсам, опамникига борамиз. Тўйдан патир бериб юборишибди, — деб, чиқиб кетдилар.

— Орқасига яна бир қараса эди, — деб қолавердим. Сўнг ёмон хабар келди. У ёғини гапиролмайман. Ишонмайман. Тушларимга тез-тез кирадилар. Уйдагилар ҳаммаси кўнглимга қарашади. Болаларимни биргаликда тарбия қиляпмиз. Энам (қайнонам): Қизим, кўнглинг нимани истаса қиламиз. Фақат эрингни топиб беролмаймиз дейдилар.

**Ирисгул ая, Отабекнинг онаси:** — Ўлолмайман, қайтайин. Болам бошқача эди. Энаман-да, ичларим гумириб кетади, чидай олмайман. Ўзи қизиқиб ишга кирган эди. Раҳмдил эди жуда. Ночор одамларни кўрса, кўлидан келганича қарашарди. Биров қарз сўраб келса, берарди. Қайтиб сўрамас эди. Март ойининг ўрталарида янги келинимизга сарпо олиш учун Тошкентга бордим. Отабекжонникида меҳмон бўлдим. Ёнимда ўтириб олди.

Тиззамга бош қўйиб эркаланди. Онажон, бир кечагина ётиб кетинг деб ўтинди. Мен, опангникида ётақолай, бозорга эрталаб чиқамиз, дебман. Боламни меҳрига қониб, эркалаб ётмайманми уйида. Орадан икки ҳафта ўтиб бу кўргулик содир бўлди. Меҳрибон эди, — дейди юм-юм йиглаб Ирисгул опа.

**Барнохон, Отабекнинг опаси:** — Ота-онамни кутмасам ҳам, укамни кутардим. Ҳар куни икки уч марта қўнғироқ қиларди. Тошкентдай шаҳри азимда, укамга суянардим. Байрамларда қайда бўлса ҳам албатта сўраб келарди.

**Абдусайд ака, Отабекнинг отаси:** — Ўғлим бир ишни бошласа охирига етказарди. Техникага, спортга қизиқарди. Ўзиям гавдали эди. Болам бошқача эди.

\* \* \*

Орадан салкам икки йилга яқин вақт ўтди. Фотиҳа тўйнинг патирини емоқ Отабекка насиб қилмагани ҳам бир армон бўлди. Ўзбекчиликда боболар, момолар ўғит айтса тинглашади. Қолдирилган тўй уларнинг насиҳатлари билан бошланди. Жамшиджонга келин тушириб келишди. Ҳамма келин-куёвни қутлашди. Тўй раисидан Абдусайд аканинг қизи, Жамшиджоннинг опаси Раънохон сўз сўради. Раъно коллежда ўқитувчи бўлиб ишлайди.

— Мен Отабекжон номидан гапираман. Фотиҳа тўйига келолмаган эди укажоним. Бугун эса келди. Мана Отабегим, дея, келини Мунираҳонни, жиянлари Жавоҳирни, Моҳинурни кўрсатди. Отабекжоним ватани, элу юрти учун ўзини фидо қилди. Юртимизда хурсандчилик, тўй бўлса, Отабек ҳам хурсанд бўлади. Укажоним ёди қўлларимга қалам тутди. Отабек номидан ёзилган шеъримни ўқиб бермоқчиман:

Соғиниб келдим бугун  
Соғинганларим салом!  
Бағрингга мен сизмаган,  
Кўхна дунём ассалом!  
Тўйёнам-ла тўйга келдим  
Отажоним ассалом!  
«Болам» дея бўзлаган  
Онажоним ассалом!  
Ака, ука — жигарларим,  
Лолаларим ассалом  
Мени кутиб кўзи толган  
Болаларим ассалом  
Онажон кўп бўларди,  
Сизнинг ғазал, байтингиз.  
Гўдак чоғимдагидай,  
Бугун алла айтингиз.  
Фақат ўша аллангизда,  
Бўлмасин алам, ангиз.  
Жавоҳирни мен учун,  
Қучиб, ўпиб қўйингиз.  
Ётар жойим қоронғумас,  
Нурга тўла кўзларим.  
Онажоним куйинманг,  
Ўғлим босар изларим.  
Афсуски аросатда,  
Қолиб кетди юмушим.  
Ортимдан йиғлаб қолди,  
Сочи сумбул Кумушим.

Қолиб кетди эгарланган,  
Кишнаб турган тулпорим.  
Қолиб кетди йўл бошида,  
Йиғлаб қолган дилдорим.  
Кўкда қуёш нур сочса,  
Нурлар менинг қўлларим.  
Жавоҳирим сизни кучса,  
Қучган қўли, қўлларим.  
Тонгда қушлар чуғирласа,  
Куйлар менинг сўзларим.  
Баргда шудринг ялтираса,  
Менинг мунчоқ кўзларим.  
Отажон мағрур туринг,  
Мен шунчаки ўлмадим.  
Ё танамга тиг уриб,  
Ё касалдан сўлмадим.  
Эл тинчлиги йўлида,  
Қурбон бўлди бу жоним.  
Хизмат қилмоқ Ватанга,  
Ҳам шарафим, ҳам шоним.  
Укажоним қутлайман,  
Бахт тўйларинг муборак!  
Пок ният-ла турмуш қурган,  
Аҳд тўйларинг муборак!  
Жаннатларнинг тўрида,  
Кўкрагим дор керикман.  
Кўз ёш тўкиб озор берманг,  
Ҳамон, ҳамон тирикман!!!

Келин-куёв эгилиб салом қилиб турди. Меҳмонлар Отабекнинг ҳурматига тик турди. Ирисгул опа титраб, кўз ёшлар сел бўлди. Тоғу тошлар сел бўлди. Тераклару толлар, дарахтлар бир титранди. Аммо Раъно титрамади. Отабекнинг шеърини овози қалтирамай ўқиди. Шоира бўлмаса ҳам чиройли шеър ёзибди. Бало экан! Отабекнинг ҳақиқий опаси-да! Отабек тирик! Уни ёдловчилар кўп!

## УШАЛМАС АРМОН



Сержант **Раҳмонов Қодир Тоҳирович**. Шайхонтоҳур тумани ИИБ маҳаллий пост-патрул хизмати гуруҳи милиционерери.

1961 йилда туғилган. Уч фарзанднинг отаси. 2004 йил 29 март куни эрталаб 8.30 да «Чорсу» бозоридаги «Болалар дунёси» дўконига кириш эшиги олдида, ППХ гуруҳининг хизмат йўриқномаси пайтида, номаълум аёл томонидан портлатиб юбориш натижасида ҳалок бўлган.

«Жасорат» медали билан мукофотланган.

*Бир қўлингда гул бор, битта қўлинг қон,  
Кимга қуллик nasib, ким ўзича хон.  
Фавқоларга тўла эй эски дўкон,  
Гоҳ бахт харид қилдик, гоҳ кулфат, каср,  
Биздан рози кетгин, йигирманчи аср.*

*«Ерни кўз ёши эмас, пешона тери суғоради»*

Бу сўзлар Шайхонтоҳур туман ички ишлар бўлимининг ходими, старшина, марҳум Қодир Раҳмоновнинг кундалик дафтаридан олинди.

Эгасининг қалби, қўлларининг изи, ҳаётий хулосалари, чизган расмлари билан тўла бу дафтарни ҳаяжонсиз варақлаб бўлмайди. Ўзининг ёзганларига амал қилиб яшаган бу йигит хунарпеша эди. Наққош, рассом, шоир, ўқитувчи, милиция ходими ва ҳоказо. Бир йигитга етмиш хунар оз, деб шундай йигитларга айтишса керак. У меҳнат қилишни севарди, торгина хонада ҳам гуллар ўстирарди. Ўн уч ёшида отасидан етим қолиб, онаси, ака-сингиллари билан бирга камтарона, аҳил ҳаёт кечирди.

Бир-бирининг оғирини енгил қилишга, суяшга, уқубат, азобларнинг кўзига тик қарашга ўрганди. Унинг шиори меҳнат, адолат, ожизларга ёрдам эди.

«Меҳнат — инсон ҳаётининг биринчи мўъжизаси. Инсонни инсон сифатида улуғлайдиган, унинг гўзаллигига гўзаллик қўшадиган, унинг қадрини кўкларга кўтарадиган ҳам шу мўъжизадир».

Мана шу мўъжиза туфайли Қодиржон ҳаётда ўзининг нималарга қодир эканини кўрсатиб яшади. Ўзи хаёлларида сувратини чизиб юрган сочлари узун, меҳнаткаш, ҳаёли қизга — Ферузага уйланди.

Рўзғордаги ҳар бир буюм ҳалол меҳнат эвазига келгани учун ҳам бу уйда файз, барака, тотувлик бор эди. Эру хотин бир-бирига ҳамдард, елкадош эди.

Бир куни Қодиржон севишганлар кунида уйга бир кучоқ гул келтириб, Ферузага тутди.

— Булар кимга, адаси, — деди Феруза.

— Сенга, аяси.

— Вой, бизлар ўн саккиздан ўтиб кетдик-ку?!

— Аяси, турмуш қурганимизга ўн саккиз йил бўлди. Севгимизнинг, бир-биримизнинг суратимиз солинган қалбимизнинг ёши ўн саккизда. Ёки мени севмай-санми?

Феруза жилмайиб гулларни бағрига босди, Қодир эса Ферузани.

Қодир ҳар куни ишга кетишда болаларини, хотинини бир-бир ўпиб хайрлашарди. Ҳар куни... Ўша куни унинг ўпичлари сўнгги бўса экани кимнинг хаёлига келибди.

— Оёғингиз оғриб турибди, бугун ишга борманг, шифокорга боринг. Жонингизга раҳмингиз келсин, дадаси, — деди Феруза.

— Аввал ишга бир борай, ҳамма ёқ тинч бўлса, кейин ўтарман. Келишимга ширин овқатлар тайёрлаб тур. Балки, эртароқ келарман, — деб, ўпиб хайрлашди.

Эри кетгач, Феруза кулимсираб ўзича сўзланди: Балки, эртароқ келарман, деб мингинчи марта айтиш-

лари бўлса керак. Ҳар гал ярим тунда келадилар. Эсида, бир куни ўпқаланиб, Сиз фақат иш учун туғилган-мисиз, деб сўраганида эри Отамиз ёниб яшаш керак, деганлар, сен ёнмасанг, мен ёнмасам, ким ёнади, аяси, деганди жиддий. Шундан бери, бунча кеч келасиз? деган эркаланишлар йўқ.

Аmmo ҳар дақиқа кўзлари тўрт. Мен уйга келсам, байрамга дуч келай, аяси. Болаларни ҳам шунга ўргат. Сизлар билан бўлсам, ҳамма қайғу-ташвишларни унутаман, дерди.

Шунча иши кўплигига қарамай, хотинини бирор марта бозорга юбормаган, халта кўтартирмаган, рўзғорни бут қилиш эркаларнинг иши, дерди.

Ҳозир катта ўғли Жаҳонгир шунақа. Темирйўл коллежида аъло баҳоларга ўқимоқда. Аясини бозорга юбормайди.

Ўғлим, сен ёшсан, энди ўн олтига кирдинг, ўзим бирга бора қолай, деса, дадам бўлганларида сизни юбормасдилар, дейди жиддий.

Қизлари Гулчеҳраҳон, дадаси «дўхтир қизим», деб эркалатганларини бир зум унутмайди. Шу йил тиббиёт коллежини битирмоқда. Кенжатой Ҳожиакбар милиционер бўлмоқчи. Дадасининг ишини давом эттирмоқчи.

Зеро, Қодиржоннинг кундалигида бу ҳақда ёзиб қўйилган: «Умр қисқа, лекин инсон ҳаётда ўз фарзандлари тимсолида қайта яшай бошлайди».

Отасининг энди васиятномага айланган сўзларини фарзандлари қайта-қайта ўқийдилар. Унга амал қилдилар.

Хотини Ферузанинг гаплари сира адо бўлмайди. Тонг қадар тингласангиз ҳам.

— Ўн тўққиз йил яшасак ҳам Тоҳиру Зуҳра эдик. Аввалига 31-билим юртида меҳнат ўқитувчиси эдилар. Сўнг директор ўринбосари бўлдилар. Жонкуярлиги, муомаласи туфайли шаҳар кенгаши депутати бўлдилар. Билим юртида рўй берган ўғирликни моҳирлик билан

очиб бердилар. Ўғрилар фош бўлгунча тиниб-тинчи-мадилар. Ўзлари милиционер бўлишни орзу қилардилар. Кунлардан бир кун уйга милиционер формасида кириб келсалар, ҳаммамизнинг оғзимиз очилиб қолибди. Токи орзулари амалга ошмагунча бизга ҳеч нарса айтмагандилар. Сўнг роса суюндик. Ҳожиакбарим нуқул шапкасини кийиб кўради. Менам мелиса бўламан дейди. Ишга бошлари билан шўнғиб кетдилар. Болалар катта бўлгач, Феруза, уйда зерикмагин, сен меҳрибон она, мурувватли аёлсан, деб, мени болалар мурувват уйига ишга жойлаб қўйдилар. Тез-тез ишимдан хабар олиб турардилар, маош олганларида, тарбияланувчи болаларга совғалар улашиб чиқардилар. Улар ҳам таниб, севиб қолишган эдилар, мелиса амакисини.

Кенжатоим тез-тез хархаша қилади, дадамни соғиниб кетдим, деб йиғлайди.

Тунов куни аямга катта ўғлимдан арз қилдим. Бозор-ўчарга ҳали ёшлик қилади, менга рухсат бермайди, ўзингиз бир насиҳат қилинг, дедим.

Саҳар пайти тушимга кирибдилар.

— Аяси, болангни койима, хафа бўламан, — дедилар.

Айтганларимга тавба қилдим. Худди тирикдай. Тез-тез тушимга кирадилар. «Болаларга яхши тарбия бер. Менинг тарбиямни давом эттир. Худо хоҳласа, қийналмайсан», дейдилар.

Кечаси иккиларда балконда эслаб, мана, севишганлар куни келди, гул келтиргич севгилим келмади, деб йиғлаб ўтирувдим. Бир пайт ўзлари экиб кетган гул тувакдаги хитой гули шитир-шитир қилди. Томирлари қисирлади. Битта чиройли гул очилди ва ўз-ўзидан узилиб, қучоғимга келиб тушди. Мен гулдан икки метрлар узоқда эдим. Раҳмат, дадаси, дедим.

Жудаям соғинганимни сезган тунлари ётоғимга келадилар. Кўзларимни очсам, кетиб қолишларидан кўрқиб, юмиб ётавераман. Худди тириклигидаги каби,

сочларимни силайдилар, юзу кўзларимдан ўпадилар. Ёстигимга бош қўядилар. Ўлганларини унутиб, ухлаб қоламан, бирга. Яна саҳар пайти уйғотадилар. Мен кетяпман, тур, болаларингга қарагин, дейдилар.

Одам ўлса, бир йилдан кейин Аршу аълога кетади, дейишарди. У киши кетмадимикин, ҳамиша суяб яшаганлари учун ёнимизда қолдимикин-а?

Ўша мудҳиш кун, мен яхши кўрган овқатларини пишириб, кутаётган кун, дадажониси эрталаб саккиз яримда Чорсу бозоридаги «Болалар дунёси» дўконига кириш олдида портлашга дучор бўлди. Белига портловчи «шаҳид белбоғи»ни ўраб олган террорчи аёл киши экан. Наҳотки, аёл зоти шу ишга қўл урса?! Аёл — яратувчи, фарзанд туғиб ўстирувчи, бул дунёни гулларга бурковчи, кўкрак сути ва меҳр билан инсонни вояга етказувчи зот эмасми? У ўғил-қизлар туғмаганми? Бола эмизмаганми? Уларнинг камолидан суюнмаганми? Унинг сочини ҳеч ким силамаганми? Унинг юзида сўнгги бўсаннинг изи йўқмикин? Уни бир мард эркак суяб, авайлаб яшамадимикин? Нега бизни суянчигимиздан, қувончимиздан жудо қилди? Унга нима керак экан ўзи?

Мағрур ва ғамгин Жаҳонгиримнинг, дадасини соғиниб ҳар кун йиғлаган Ҳожиакбаримнинг тўйларига ким бош бўлади? Гулчеҳра ёр-ёр садолари билан уйдан чиқаётган дамда отам деб, кимнинг этагига бош уради?

Менинг эрим яшашни, меҳнат қилишни, одамларга кўмак беришни севарди...

*Алвон кўйлақларда ёнса лолалар,  
Бир сеҳр ичида титраса диллар.  
Нега маъюс турар бизнинг болалар,  
Нима дейман, сизни сўраса гуллар?*

*Кундузларим лоқайд, тунларим азоб,  
Ҳар саҳар жавобсиз қолар бир сўроқ.  
Ўзингиз айтгандек, умр ўтар тезоб,  
Нима дейман, сизни сўраса баҳор?*

## ЁВ ЎҚИГА КЎКСИ ҚАЛҚОН ФАХРИДДИН

Катта сержант **Тиркашев Фахриддин Ражабович**. 1971 йил Қўшработ туман, Эргаш Жуманбулбул ўғли номли хўжаликнинг Жўш қишлоғида туғилган.

Сўнгги пайтда Шайхонтоҳур туман ИИБ патруль-пост хизмати гуруҳида милиционер эди.

2004 йил 29 март куни «Чорсу» бозорида рўй берган портлатишда ҳалок бўлган.

Рафиқаси Тиркашева Роҳила 1972 йилда туғилган. Қизлари Шаҳноза 1996 йилда, Шаҳзода 1999 йилда туғилган. Ўғли Ёдгорбек отасининг вафотидан уч ой ўтиб туғилган.



*Яхшиларни унутмаган жон элим,  
Улуғларга, буюкларга кон элим.  
Алларини олавериб қора кун,  
Ҳасратлардан бағри зада, қон элим.  
Туринглар, қўрғон кетамиз,  
Журинглар, қўрғон кетамиз.*

2004 йил, мартнинг охири кунида Қўрғон қишлоғига тутшиб кетган Жўш қишлоғига тумонат одам йиғилди. Ўн ўғил-қизни вояга етказган Ражаббой ота ва Мастура момо Тиркашевлар хонадонига хабар етган одам келаверди. Ҳамма бир-бирини хабарлайверди.

*Фоний дунё барча қўлдан ўтади,  
Ғам қурисин, барчамизга етади.  
Зарнинг ғамин, зўрнинг ғамин чекмак бас,  
Сўров келса барча бирдай кетади.  
Туринглар, қўрғон кетамиз,  
Журинглар, қўрғон кетамиз*

дея бир-бирини хабарлаб келаверишди. Жўшликлару кўрғонликлар, таниш-билиш оғайнилар, Тиркашевлар хонадони бир чинор бўлса, унинг ўн шохидан кўпайган уруғлар жам бўдилар.

Фахриддин Тиркашевнинг хизматдош дўстларининг ўзи тўрт-беш автобусда, бир-неча ўнлаб енгил машиналарда келишди.

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, Самарқанд вилоят ҳокимлиги, вилоят Ички ишлар бошқармаси, Қўшработ туман ҳокимлиги, туман Ички ишлар бўлими ва бошқа қатор расмий идоралардан келган вакиллар старшина Фахриддин Тиркашеви сўнгги йўлга кузатиб қўйишди.

Оқтов билан Қоратов бағрида лолазорлар денгиздайин шовуллаб, бағрини доғлаб қолди. Кечагина эмасмиди, Фахриддин бош яланг, оёқ яланг бўлиб, жўралари қаторида кулиб, қувончларга тўлиб қирлараро чопганлари. Қир бағридан гоҳ кўзиқорин, янада баландлардан лолалар топганлари!

Кечагина эмасмиди, Роҳиланинг ортидан ойлаб йўллари пойлаб юрганлари. Ҳамма жўрасининг оғзини ёпиб, севган қизига гапиртирмай, ўзи ҳам Роҳилага дилини изҳор қилолмай юрганлари! Ҳамма билан марду мардона гаплашиб, шўхликлар қилиб, ёқтирган қизи рўпарасида жиму лол қолганлари!

Кечагина эмасмиди, Тошкентдан милиционер акаси келса, бир кўча болалар билан йўлини тўсиб чиққанлари. Акаси Мардон аканинг келишган қоматига, формасига, юлдузчаларига ҳавас билан тикилганлари. Сўнг аканинг шапкасини кийиб бир қишлоқ болаларга мақтанганлари!..

Кечагина эмасмиди, мактабни битириб, бошқалардан совчи келганини эшитиб, шоша-пиша Роҳиланинг уйига совчи юборганлари. Роҳиланинг отаси Исмат ака мулоҳазали одам эди. Ўйлаб кўрди. Майли икковининг кўнгли бир бўлса, рози бўламиз. Фахриддинбой аввал ўқисин, армияни битириб келсин, деб лафз қилганди.

Бу орада Роҳила ҳам тиббиёт коллежини битириб олди. Ўртада мактублар қанот боғлаб учди икки томонга.

Эргаш Жуманбулбул бобоси айтган ошиқлар достони ёд эди икковига.

Роҳила ёзарди:

*Шонаман зулфимни тоблаб ўрайин,  
Бошима зарлардан рўмол ўрайин,  
Тўрам узоқларда омон юрсин деб,  
Яратган Эгамдан ҳар кун сўрайин.*

Аскар йигит Фаҳриддин жавоб мактуби битар эди:

*Тарзимга қарасанг ойдаи боламан,  
Қасд қилсам душманни ўтга соламан.  
Хизматимни тез кунларда битириб,  
Дилбарим, ёнингга кириб бораман.*

Соғинчлар битилган мактублар оқими оталарнинг розилигию данғиллама тўйга уланиб кетди. Жуманбулбул бобосининг достонини тўйда йигит-қизлар шеър ўқиб давом эттиришди:

Ушà бахтни оғушида кучоқлаб келган тўй куни 1993 йилнинг 20 ноябри эди. Худди шу йилда ички ишлар идораларига ишга қабул қилинган Фаҳриддин Тиркашев фақат бир жойда — Шайхонтоҳур тумани ИИБ ППХ гуруҳида хизмат қилди. Унинг иш фаолияти давомида бирор марта ҳам интизомий жазо олмай, сидқидилдан хизмат қилиб келганини эшитган кишининг албатта ҳаваси келади. Намунали хулқ-атвори ва кўпчилик билан тезда тил топишиб кета олиш фазилати туфайли ҳам уни барча ҳурмат қилар эди. Фаҳриддин каттаю кичикка бирдек муомала қиларди. Ҳар қандай топшириқни ўз вақтида ва қойилмақом қилиб уйдлашга интиладиган, ишига масъулият билан ёндашадиган тиришқоқ ходим сифатида ўз жамоасида юксак обрў-эътибор қозонганди.

Фахриддин билан доим бир сафда туриб хизмат қилган яқин дўстлари — милиция лейтенанти Абдуҳат Бойматов, милиция старшинаси Ислон Турсунов ва милиция сержанти Шорустам Шожалиловлар ёнларида шундай дилкаш ва самимий қадрдонининг йўқлигига ҳанузгача ишонишолмайди. Ахир, доим кулиб турувчи, ёрдам ёки бирор маслаҳат сўраб мурожаат қилганларнинг имкон қадар ҳожатини чиқаришга ҳаракат қилувчи Фахриддин каби меҳрибон дўстлар кам учрайди.

Ўша куни тонгда чала-ярим нонушта қилган Фахриддин шоша-пиша хизмат кийимларини кия бошлади. Унинг ҳаракатларини зимдан кузатиб турган турмуш ўртоғи Роҳилахон: Дадаси, қаёққа отланаяпсиз? Ахир бугун дам оладиган кунингиз-ку! — деб қолди. Фахриддин бўлса, ҳар доимгидек самимий жилмайиб, — Ойижониси, ишга бормасам бўлмайди. Агар вазият тинч бўлса, дарров қайтиб келаман, — дея хайрлашиб чиқиб кетди. Аммо бироздан сўнг у ортига қайтиб, рўмолчасини унутиб қолдирганини айтди. Машинасини ўт олдираётиб, ичкарига кириб, гоҳ у хонага, гоҳ бу хонага разм солиб, бир дам нималарнидир айтмоқчидай бўлиб турди. Аммо ҳеч нарса демасдан яна кўчага йўл олди.

Орадан бирмунча вақт ўтар-ўтмас шаҳар бўйлаб шум хабар тарқалди: Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган «Чорсу» бозорида кучли портлаш юз бериб, унинг оқибатида бир неча милиция ходимлари ҳалок бўлди. Улар орасида Фахриддин Тиркашев ҳам бор эди.

**Подполковник Мардон Тиркашев:** — Дунёнинг ишларини қаранг. Ака-ука битта туманда ишласак-да, бир-биримиз билан кўп кўришолмасдик. Фахриддин ҳам ҳар куни хизматда, мен ҳам ўз ишим билан овора эдим. Аммо сўнгги пайтларда у негадир менинг хонамга тез-тез кириб турадиган бўлиб қолганди. Келиб соғлиғимни сўрар, ишларим билан қизиқар эди. Шуниси ажабланарли эдики, у олдимга бирор айтарли

юмуш билан келмасди. Сўрасам, «Ака, ўзим, сизни бир кўргим келди-да», — деб кўярди, холос.

Ўша машъум воқеадан икки кун аввал Фахриддин қизалоқларини ва менинг болаларимни олиб, шаҳарда ўйнаб-кулиб, роса яйрашибди. Ҳаммасига ширинликлар олиб берибди. Энди ўйлаб қоламан, бечора укамга нималар аён бўлган экан?

Тақдир бешафқат экан, афсуски, бугун укажоним орамизда йўқ. Ундан бир даста суратлару, ширин хотиралар қолди. Юрсам ҳам, турсам ҳам унинг очиқ чеҳраси кўз олдимдан кетмайди. Суратда маъюс боқиб турган қоп-қора кўзлари менга нималардир демоқчи бўлаётгандек туюлаверади...

Фахриддиннинг ҳали айтолмаган сўзлари, қилолмаган қанчадан-қанча яхши ишлари бор эди. Шижоати тўлиб-тошган, серғайрат ва интилувчан йигит эди у. Оиламизнинг энг кенжатоий бўлгани учун ҳам уни барчамиз бошқача кўз билан кўрардик. Ўзи ҳам жуда меҳрибон ва самимий инсон эди. Орзулари кўп эди. Ўғил фарзанд кутаётган эди.

Ўша фожиали кунда Фахриддиннинг қонуний дам олиш куни эди. Аммо террорчилар билан кечган тўқнашувларни эшитгач, ўз ихтиёри билан ишга чиқиб кетганди. Мен жасур, фидойи укам билан фахрланаман.

**Роҳила Тиркашеванинг** дафтаридан: — Фожиа юз беришидан бир кун олдин, Фахриддин акам мени ва қизимиз Шаҳзодахонни Ихлос жўрасиникига олиб борди. Тунги 12.00 гача ўтириб, чақчақлашиб, яхши ниятлар қилдик. Ўғил кутаётганимизга ишора қилишди, суюнишдик. 29 март куни севгилимдан айрилиб қолдим. Иккала қизим отасиз қолди. Дод солдим. Наҳотки, элга дoston бўлиб, севишиб қурган рўзгоримиз вайрон бўлди. Шаҳноза ва Шаҳзодага, эркатой қизларингизга нима дейман?

Сизсиз қандай яшайман, севгилим! Бахтли кунларимиз шу қадар қисқа бўлиши мумкинми?!»

«Фахриддин акам ҳар доим ишдан кеч келардилар. Улар учун иш соати йўқ эди. Келиб, қисқагина қилиб машина сигналини чалардилар. Иккала қизим шошиб отаси висолига отиларди. Эрталаб ҳам учовлашиб парвона бўлиб, ишга кузатардик.

— Машинани шошмай ҳайданг, эсон-омон бориб-келинг, — дердим. У киши эса:

— Йўқ, шошиб ҳайдайман, — дерди кулиб. Қизлари ҳамон шу сўзларини эслайди.

Биз иккимиз кутган фарзанд 15 июн куни дунёга келди.

Биз кутган ўғил туғилди, деб кимдан суюнчи оламан энди? Ўғлим Ёдгоржоннинг тили «дада» деб чиқмай-дими энди? Мени сева-сева шу кунларга ташлаб кетдингизми, дадажониси?

Ёнимдаги келинчакларнинг эрлари келишади ҳар куни. Деразалардан чақалоғини кўрсатишади. Қоши сизники, кўзи меники деб кулишади. Мен жимгина гамлар ютиб ўтираман.

Туғруқхонадан отаси йўқ, етим боламини бағримга босиб чиқдим.

Эй, террорчилар, сизда отасини соғиниб ҳар куни йиғлайдиган қизларимнинг ўчи бор!

Отасини кўрмай туғилган ва бир умр ота сўзини айтмайдиган норасида гўдагимнинг ўчи бор!

Хазон бўлган муҳаббатимнинг ўчи бор!

Ўзининг ватани, севимли қон-қариндошлари йўқ, севгилиси йўқ, умиди йўқ, ўзгаларнинг умидларини ўлдиргувчи террорчиларга лаънатлар бўлсин!

Ушбу шеърим севгилимга, Фахриддин акажонимга аталган:

*Юзимизда юзингизни акси қолди,  
Кўзимизда суратингиз нақши қолди.  
Юрагимда ўчмас бўлиб нола қолди,  
Етим бўлиб Ёдгор деган бола қолди.*

Юртим дея фидо бўлган ёри жоним,  
Узун-узун карвонларнинг нори жоним.  
Сизни йўқлаб, кўзларимда эриб борар,  
Оқтов билан Қоратовнинг қори, жоним.

Булбул бобом бир тирилиб келармикин,  
Қўрғон билан Жўш томонга елармикан.  
Ёв ўқига ўз кўксини қалқон қилган,  
Фахриддиндек ули борин билармикин.

Билса эди, кулса эди, кўрса эди,  
Эй тул қизим, ҳолинг не деб сўрса эди.  
Дардларимни тўкиб-тўкиб айтаверсам,  
Ёрижоним мадҳи достон бўлса эди».

## ҲАЁТИНИНГ КЎРКИ ЯХШИЛИК ЭДИ



Катта лейтенант **Тургунов Мансур Абдусаломович**, 1969 йил Самарқанд вилоятининг Хатирчи туманидаги (ҳозирги Каттакўрғон) Мойбулоқ қишлоғида туғилган.

Яккасарой туман Ички ишлар бўлими профилактика инспектори.

Рафиқаси Зулайҳо Самотова. Қизи Наргиза 1993 йил, ўғли Музаффар 1995 йилда туғилган.

2004 йил 29 мартда тунги соат 1.40 да «Тун» тадбирида иштирок этаётган эди. «Тико» автомашинасида ўтирган қабиҳ жиноятчилардан ҳужжат сўраганида ўқ узиб, ҳалок этишди.

Мансур Турғунов «Жасорат» медали билан мукофотланган.

Мансуржон шеърятни жуда севарди. Айниқса, Муҳаммад Юсуфнинг шеърларини яхши кўрарди. Китобларини қаердан бўлса ҳам топиб ўқиди. Шеър завқи юракларига сиғмай кетган дамларда, рафиқаси Зулайҳога ўқиб берарди:

*Қизғалдоғим, қирдан бўлак кошонанг йўқ,  
Кокил ёйсанг, ердан бўлак тошойнанг йўқ.  
Ўксиб-ўксиб турганингда ўзим бориб,  
Пешонангдан ўнай десам пешонанг йўқ.*

— Зулайҳо, Муҳаммаднинг қирларида ҳам бизнинг Мойбулоқ қирларидаги каби қизғалдоқлар жуда мўлмикан-а! Қучоқ-қучоқ қизғалдоқ терганларимиз эсингдами?

— Эсламай бўладими, дадаси. Мойбулоққа қачон кетамиз? Лолалар очилиб, йўлингизга илҳақ бўлиб тургандир, — деди Зулайҳо.

— Ҳадемай қизғалдоқларингиз ҳам қирни тўлдиради, дада, қишлоққа борайлик, — деди ўғли Музаффар.

— Менам соғиндим, қишлоқни, — ширин бидирлади қизалоғи Наргиза.

— Борамиз. Ўзимам соғиндим, отамни, ака-сингилларимни. Ишимиз сал камайсин...

Хотини, болалари иштиёқ билан шеър тинглашаётганини кўриб, давом этди:

*Қадринг билган, дардинг билган айт, киминг бор,  
Келиб-кетар баҳор сенга бевафо ёр.  
Гўзалсанки, сенга бари гуллар ағёр,  
Оҳ урсанг, бир оҳинг тинглар остонанг йўқ...*

Айниқса, Музаффар шеърни берилиб эшитарди. Ҳамиша ишдан соғинтириб, кеч келадиган дадаси билан яна, яна гаплашгиси келарди...

«Ўша кечаси, дадаси тинч ухлай олмадилар. Негадир хавотирда, бедор эдилар. Телефонни ёстиқлари ёнига қўйиб ётардилар. Ишхонамдан сўраб қолишлари мумкин, дердилар.

Эрталаб, ишга кузатдим. 12.00, 1.00 бўлди ҳам соат, 1.30 ҳам бўлди. Ўша пайтда салгина кўзим илингандай бўлди. Тушимда бир оқ кийимли одам эшикни тақиллатди. Уйғониб кетдим. Телефон жиринглаб ётибди. Кимдир Мансур аканинг тоғасини телефонини сўради. Яна бироз ўтиб Самарқанддаги акалари Акбар ака Турғуновнинг телефонини сўради. Яна телефонлар бўлаверди. Мен дадасидан хавотир ола бошладим. Ҳеч ким нима гаплигини айтмасди.

Аввалига излаб борсам дадаси уришиб беради, деб, кўрқиб ўтирдим. Сўнг хавотирим кучайиб боравергач, соат 4.30.ларда кўчага чиқиб, такси тутдим. Яккасарой Ички ишлар бўлимига бордим. Одам кўп экан. Хўжайинимнинг тоғаси ҳам шу ерда эканлар. Мени кўришлари билан:

— Келин, ўзингни бос, Мансуржон энди йўқ! — деб ўқириб йиғлаб юбордилар.

Саккиз жойидан ўқ тешибди. Қонлари билан чор-тарафга қизғалдоқ экибдилар. Кечагина марҳум шоирнинг қизғалдоқ ҳақида ёзганларини ўқиб ўтирган эдилар.

*Олдинга мен боролмасам, ўт, гуноҳим,  
Бир йўқлаб қўй, мен дунёдан ўтган чоғим.  
Қабрим узра ҳилпираб тур, қизғалдоғим.  
Муҳаммаддан бўлак дўсту девонинг йўқ.*

дея, оҳ ургандилар. Наҳотки, қизғалдоқларга васият қилган бўлсалар-а... дейди кўз ёшлари сел бўлиб Зулайҳо.

\* \* \*

Катта лейтенант Мансур Турғунов ҳамкасби, капитан М.Қолдибоев билан ўз хизмат вазифаларини адо этишаётганда «Тико» русумли автоуловда икки шубҳали шахсни кўришади. Тўхтатиб, ҳужжатларини текширмоқчи бўлишганда машинадаги номаълум кимсалар уларга қарата ўқ узади. Душманнинг ўқи Мансурнинг умрига завола бўлди. Одамийлик қиёфасини йўқотган ватанфурушлар қалби пок, доимо кишиларга яхшилик истайдиган, бирор одамга озор бермай, очиқ юз билан муомала қиладиган Ватан посбонини орамиздан олиб кетди.

Бу машъум хабар Самарқанднинг тоғли қишлоғида яшаётган Абдусалом отанинг қаддини дол қилди. Бир йил аввал Мансуржоннинг қўлида сўнгги манзилга қўйилган раҳматли Шафоат аянинг руҳи чирқиради, туғишганларининг кўз ёши дарё бўлди. Ўлим не-не улур ниятлар, туганмас орзулар ила бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдоши Зулайҳонинг кўнглини кемтик, ҳар сафар ишдан қайтганида «Дадажоним» дея бўйнига осиладиган ўғли Музаффаржон ва нозаниндай қизалоғи

Наргизахонни ота меҳрига зор айлади. Бу нокасларнинг ота-онаси, уйи, манзил-макони, Ватани ва муқаддас тутган эҳроми борми? Йўқ. Чунки қотиб қолган сохта ақида учун бегуноҳ одамларнинг қонини тўкканларнинг ишонгани ҳам, сифингани ҳам Иблис. Зеро, иймонини сотганларда на Ватан, на қавм-қариндош, на меҳр-мурувват бор!

\* \* \*

Мансуржон мактабни битиргач, вақтини бекор ўтказмади. Уйда мустақил тайёрланди, рус тилини чуқурроқ билишга интилди. Армия сафига чақирилгач, Россиянинг Архангельск шаҳрида йигитлик бурчини ўтади. Уйига қайтган замон ёшлигидаги орзусини амалга оширишга киришиб, ҳужжатларини Ички ишлар идорасига топширди. 1990 йил августида Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш батальонига ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқни эшитганида Турғуновлар хонадонининг қувончига кўпчилик шерик бўлганди.

**Капитан Икром Холмирзаев, Яккасарой тумани ҲООБ бошлиғи ўринбосари:**

— Мансуржон хизмати давомида ўзининг одамийлиги, ширинсўзлиги, хушмуомалалиги билан ҳаммага манзур бўлган ва масъулиятни ҳис эта олган, болажон, беозор йигит эди. У ўз вазифасига ҳамиша сидқидилдан ёндашарди. Ташаббускор инспектор бўлиш баробарида ҳалол, покиза, самимий оила бошлиғи эди. Ҳали-ҳануз эсимдан чиқмайди. «Ҳизбут-таҳрир» ва бошқа сиёсий, диний оқимларнинг газак олиб ривожланмаслиги борасида ўзи алоҳида дастур ишлаб чиқиб, маҳаллада давра суҳбатлари уюштириб, жамоани ҳушёрликка даъват этиб келарди.

**Лейтенант Отабек Саламатов, Мансуржоннинг энг яқин дўсти:**

— Жўрам фидойи, оққўнгил, мард инсон эди. Жўраларидан бор-йўгини аямасди. Атиги бир хонали хизматчилар учун ажратилган уйда яшаса ҳам, меҳмон кутишни яхши кўрарди. Уйи ҳамқишлоқлари, дўст-ёрлари билан тўла бўлар эди ҳамиша. Ўз ишига масъулият ва меҳр билан қарарди. Ҳалол эди.

\* \* \*

Яна Зулайҳонинг ён дафтарини, йўқ, йўқ қон дафтарини варақлаймиз. Бағритошлик, золимликдир балки бу иш... Бошқа илож йўқ, узр Зулайҳо...

*«Еганин ош деманг ёлғиз аёлнинг,  
Шайтон товоғига қўлин солади.  
Дастурхон бошида отасин қўмсаб,  
Ё ўғил, ё қизи йиғлаб қолади...»*

Авваллари ушбу қўшиқни эшитганимда унчалик аҳамият бермаган эканман. Энди эса ушбу қўшиқни эшитишим билан юрагим эзилиб кетади... Бир йилдан ошди, меҳрибон ҳимоячимдан, болаларимнинг азиз отасидан, тоғдек суянчимдан, қалқонимдан айрилдим. Аммо шу бир йил, назаримда, бир асрга татигандек бўлди. Мансур акам билан 1992 йил 2 август куни турмуш қурдик. Ўша куни биз учун қўшалок байрам бўлган эди. 2 август — турмуш ўртоғимнинг туғилган кунлари ҳам эди. Ҳар йили шу кунни катта тантана билан нишонлардик. Икки фарзандли бўлдик. Бир ўғил, бир қиз. Биз жуда-жуда бахтли эдик...

Мансур акам Ватанимизга фидойи, мард ва жасур инсон эди. Каттаю кичикка бирдай ҳурматда бўлди. Феъли кенг, қалби дарё, оқ кўнгил, ҳазилкаш ва беғубор инсон эди. Яхшилик қилишни ҳеч қанда қилмас, ҳаромдан, ёлғондан, нопокликдан ҳазар қилар, адолатсизликка чидаб туrolмас эди. Ҳеч бир маъракадан қолмас, ҳар доим, кимгадир ёрдам қўлини чўзиб юрарди. Болаларини, оиласини, Ватанини жуда

севарди. У ҳар доим «Мен сизларни шунчалик яхши кўраманки, ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсизлар!» дерди. У ҳақиқат қарор топиши учун жонини жабборга бериб хизмат қиларди.

Раҳматли қайнонам айтиб берардилар. Мансур акам ёшлигиданоқ «Мен посбон бўлиб, Ватанимга хизмат қиламан, уни ёмон ва қора кўзлардан асраб, ҳимоя қиламан, деб бошига қоғоздан шапка ясаб кийиб юрар эканлар. Мана, аҳди шунчалар қаттиқ, Ватанимизга муҳаббати шунчалар юксак эканки, у халқимиз душманлари билан мардона курашиб, ўз жонини фидо қилди.

Мансур акам «Дунёнинг, ҳаётнинг, яшашнинг кўрки яхшилик ва яна яхшилик» дерди. Шунинг учун ҳам у ҳар хил майда гап-сўзлардан, гийбатлардан, ёмонликлардан йироқ юрар, улардан ўзини анча устун кўяр эди.

Болаларимнинг отасига бўлган муҳаббати ўзгача эди. Сабаби, турмуш ўртоғим уйда жуда кам бўлса-да, болалар дарсни қай даражада ўзлаштираётганини, муаммоларини, ютуқлари, келажакдаги орзулари ҳақида дилдан гаплашишга вақт топар эди. Болаларини жуда севар, уларни ватанимиз равнақи учун керакли инсонлар бўлиб етишишини жуда-жуда хоҳларди... У болаларида шундай истакни, орзунини уйғота олди. Ўғлимиз Музаффаржон жудаям иқтидорли «Дадамга ўхшаб мард посбон бўламан» дейди. Қизимиз Наргиза эса ажойиб расм чизади, ҳозирда у бир-биридан гўзал шеърлар ёзмоқда.

Хўжайинимнинг оиласида тўққиз нафар фарзанд ўсиб, вояга етган бўлса, ҳаммаси бир-бирига меҳрибон, иззатли, ҳурматли эдилар. Қараб туриб, шундай покиза, файзли хонадонга келин бўлганимга шукрона айтардим. Қайнонам раҳматли жаннати аёл эдилар. Бу ёмон кунларни кўрмай ўтган эдилар.

Қайнотам, Абдусалом отамнинг қадди букилиб қолди. Айниқса, Мансур акам билан бирга ўйнаб-ўсган,

ҳам акаси, ҳам сирдоши, дўсти Акбар акамнинг сочлари бирдан оқарди. Тоғдек суянчини йўқотганига ҳамон ишонгилари келмайди.

Яқинда бир безори ҳамқишлоғимиз бегуноҳ бир одамни ўлдириб қўйиб, йигирма беш йилга қамалиб кетди. Менинг Мансур акам эса халқ бошига келадиган балога кўксини қалқон қилди. Мазмунли яшади.

## ДУНЁГА БИР КЕЛДИ-Ю КЕТДИ

Полковник **Баҳодир Дада-жонович Ҳошимов** 1951 йил Асака шаҳрида туғилган. Андижон вилоят ИИБ ЖТСБ бошлиғи бўлган. 2000 йил 23 август куни Андижон вилояти Избоскан туманидаги Пойтуғ маҳалласида террорчилар билан олишувда ҳалок бўлган.

Вафотидан сўнг 2-даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланган.



2000 йилнинг 22 август туниси эди... Избоскан туманидаги Пойтуғ маҳалласидан ноҳуш хабар келди...

Махсус отряд йўлга отланди. Полковник Баҳодир Ҳошимов уларнинг сафида эди. 23 август тонгигача музокара олиб борилди. Вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи, Вилоят прокурори, туман ҳокими, жасур милиционер йигитлар Пойтуғдаги Зайлобиддин Мирзаев хонадонига етиб боришган эди. У ерга жиноятчи гуруҳ ин қуриб олган, қуролланган эдилар.

Зайлобиддиннинг отасини келтиришди. Бечора ота, ўғлим, чиқ, ҳукумат билан ўйнашма, деб, тавалло қиларди.

Юртнинг катталари, обрўли одамлар вазиятни тушунтириб, уларни отишмасиз таслим бўлишга даъват этишарди.

— Ҳеч бўлмаса иккала набирамни, ёнингдаги аёлни бер, буёққа, — ёлборди кекса ота.

— Йўқ, болаларим мен билан бирга ўлади.

— Оқпадар, — дея инграб юборди ота.

Ўғлим-ку, бир парча этдан улғайтирганмиз, ўғил кўрдик деб бешик тўй қилганмиз, хатна тўйини, ниқоҳ тўйларини ўтказиб, элга қўшганмиз, ҳеч бўлмаса

менга тажовуз қилмас..., деб ўйлаган ота, ичкарига йўл олди.

— Ота, яқинлашсангиз отаман, — деб огоҳлантириб ўқ узди ўғил. Бошлари эгик ота ортига қайтди. Тўпланганларнинг юзига қарай олмади...

Беш-ўнта жиноятчини таг-томири билан йўқотиш қийин эмас, аммо икки бегуноҳ бола ва аёл ҳаётини сақлаб қолиш лозим эди...

Террорчилар томонидан тинимсиз ўқ отилиб турган вазиятда аниқ ва пухта ҳаракат қилган Баҳодир Ҳошимов бошлиқ гуруҳ тонготар маҳали саккиз нафар террорчилар жойлашган хонадонни ишғол қилишга ва босқинчилар орасига тушиб қолган бир аёлни ҳамда икки нафар болани қутқаришга муваффақ бўлди...

... Бироқ шиддатли кечган аёвсиз отишма чоғида полковник Баҳодир Ҳошимов қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Зайлобиддин ўзи ўлимга ҳукм қилган ўша террорчининг болалари қутқарилди. Аёл ҳам... Бунинг учун Баҳодир Ҳошимов ўз жонини аямади. Бир лаҳза бўлса ҳам иккиланмади.

У обрўли оилада тарбия топган инсон эди.

Андижонда уни билганлар, таниганлар, эшитганлар у ҳақида гапиргиси келади. Уни яхши инсон, тажрибали милиция ходими, садоқатли дўст, меҳрибон ўғил, фидойи ота, садоқатли ёр, исми-жисмига монанд — Баҳодир деб таърифлайди ҳамма...

*Уч опаю уч сингил,  
Ўртасида бир ўғил.  
Исми Баҳодир эди,  
Мардликка қодир эди.*

*Отасининг суянчи,  
Онасининг қувончи.  
Саҳоватпеша эди,  
Расми андиша эди.*

*Юрагида чўғ эди,  
Ватан ёди туғ эди.  
Кўнгли осмон эди у,  
Ботир посбон эди у.*

**Мақсуда ая, Баҳодиржоннинг онаси, 1920 йилда туғилган:** — 1933 йилда дадам (мударрис эдилар) Ғалимжон Ульяновскдан Ўзбекистонга «қулоқ» қилинди. Онам Умм Гулсум ҳам тушунган, меҳрибон аёл эди.

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманига келиб яшадик. Мен Асакадаги Педагогика техникумида ўқидим. Асакада 34 йил бошланғич синфга дарс бердим. Болаларга ҳарф танитдим. Ўқишни ўргатдим. Турмуш ўртоғим раҳматли, Дадажон Ҳошимов тарихдан дарс берардилар, болаларни жуда яхши кўрардилар. Етти фарзанд кўрдик. Баҳодиржон уч опасидан кейин туғилди. Унинг ортидан яна уч қиз кўрдим. Олтов қизимнинг ҳам таянчи Баҳодиржоним эди. Тилаб-тилаб олган ўғлим эди. Ювош, ақлли, чиройли эди, болам. Аввал Тошкент Давлат автомобиль йўллар институтини, сўнгра ҳам ишлаб, сиртдан Тошкент давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини тугатди.

Ишдан кеч келса ҳам ойнани чертиб:

— Ойи, ухляяпсизми, мен келдим, — дерди.

— Сен келмагунча ухлармидим, болам?

— Мен барибир келаманку, ая.

Ишини жуда яхши кўрарди. Бозор куни ҳам ишларди. Таътилга чиқса ҳам, уйда 1—2 кун туриб, яна ишга чиқиб кетарди.

22 август куни ишга олиб кетишга машинаси келди. Кузатиб, ҳаммамиз кўчага чиқдик — Мен, келиним Ҳабибахон, фарзандлари Шоҳидахон, Бахтиёржон, Одинахон, Ботиржон.

Янги ўқув йилига бир ҳафта қолган эди. Болаларидан бирма-бир сўраб чиқди, сенга нима олиб келай, сенга-чи... Индамай турган Одинахонга қараб:

— Сенга-чи, ойдин қизим, — деди.

— Менга ҳеч нарса, ишдан эртароқ келинг, дада-жон, — деди Одина.

У доимо бир нарса олиб келинг, демасли. Дадасини авайларди. Ишдан кеч келиб, эрта кетгани, дам олиш кунлари, байрамларда ҳам ишлагани учун ҳамиша соғиниб яшар эдик. Кўпроқ бирга бўлгимиз келарди. Ўғлим хафа бўлиб турган бўлсак ҳам, кўнглимизни топиб, кулдириб юборарди. Ўшанда сўнгги бора кўришиб турган эканмиз.

*Ҳаммага бирдай эди,  
Покиза нурдай эди.  
Елкасида юлдузи,  
Кўкни ёритар сўзи.*

*Йигитларнинг сардори  
Баҳодиржон бўларди.  
Юрса кўча тўларди,  
Уни ҳамма биларди.*

*Минг бор узр сўрайман,  
Онажонин бўзлатдим.  
Яна ҳижрон ҳақида,  
Рафиқасин сўзлатдим.*

Фарзандлари одобли, меҳнатсевар. Шоҳидахон англиз тили ўқитувчиси, яхши оиланинг бекаси, икки фарзанднинг онаси. Бахтиёржон Ҳуқуқшунослик институтини битириб, Асака шаҳар солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими суриштирувчиси.

Одинахон — Андижон муҳандислик, иқтисодиёт институти талабаси.

Кенжатоийи Ботиржон — ўқувчи.

— Мактабга кетишимда, дадам билан бирга кетардим. Яхши ўқигин, ўзингдан катталарга гап қайтарма, деб айтардилар, дадажоним, — эслайди Ботиржон.

Полковник Баҳодир Ҳошимовни бирга ишлаган ҳамкасблари, дўстлари, шогирдлари фахр билан

эслайдилар. Ҳар бири бирор фазилатини, ҳалол инсон, меҳрибон устоз эканини айтади.

Одинахон дадаси ҳақида қасида ёзибди. Парча келтирамиз:

*Кимга айтиб йиғлайин дардингизни, дадажон,  
Хафта ўтмай билдимку, қадрингизни, дадажон.  
Қонингизни тўккан шум жангарилар эшитсин,  
Ўзим бориб оламан қасдингизни, дадажон.*

*Изингизни излайман, қани ўша изингиз,  
Сизни тушида кўрар ҳар кун маъсум қизингиз.  
Уйимизни тўлдириб юрганингиз бир дунё,  
Суратингиз тўрида фақат йўқсиз ўзингиз.*

*Дадажон, ёш айримин айтинг бизга хосмиди,  
Дўстларингиз бошимни силашади хўрсиниб.  
Қабрингизда дод солиб йиғлаганим озмиди?  
Саждагоҳим десам оз, қиблагоҳим, десам оз.*

Бугунги кунда у туғилиб вояга етган Асака шаҳридаги Баҳодир Ҳошимов номидаги музейга ташриф буюрган ҳар бир инсон юрагида бу жасур инсоннинг порлоқ хотираси бўй-басти билан гавдаланади. Андижон вилояти ИИБ қошида ташкил этилган Баҳодир Ҳошимов номидаги ўқув марказида таҳсил олаётган ёшлар учун ҳамюртлари кўрсатган жасорат ватанпарварликнинг ёрқин намунасидир.

Баҳодир Ҳошимовни сўнгги йўлга кузатишда дунёни одам босди. Асаканинг кўчалари бу қадар кўп одамни кўрмаган эди.

— Баҳодиржон қандай одам эди, деб берилган саволга юз-юзлаб одам астойдил «Яхши одам эди», деганда қабристон бир қалқиб тушдиёв! Қабр устига қўйилган гуллар тоғ бўлиб уюлиб кетди.

Ўша куни Пойтуғда ҳам яна бошқа янги қабрлар пайдо бўлди. Террорчиларнинг мурдасини сўнгги йўлга

кузатишдан эл ор қилди. Уларнинг отаси бир неча эшиклардан умидсиз қайтди. Ҳеч ким дарвозани очмади. Хўрланган ота бечора, бир ўзи қабр қазди. Мурдаларни бир бало қилиб аравага ортиб, қабристонга олиб борди. Ернинг тили бўлса фарёд урарди! Бу муртадларни бағримга олмайман дерди, лекин қора ерга ҳамма сиғаверади.

Хиёнаткорларни эл-юрт одамлар рўйхатидан ўчиради. Элини, юртини деганлар эса улуснинг ёдида Баҳодиржондек мангу қоладилар.

## ОНАМ МЕНИ КУЛИБ ТУҚҚАН

Катта сержант **Иброҳим Норметов** 1968 йил 2 апрелда Тошкент вилояти, Қибрай туманида туғилган. Ўрта мактабни тамомлагач, ҳарбий хизматга чақирилди. Хизматни тугатиб қайтган Иброҳим милиционерликни танлади. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ ҳузуридаги Алоҳида милиция батальонига ишга кирди. Умрининг охиригача шу жойда хизмат қилди. Вафотидан сўнг «Жасорат» медали билан тақдирланган.



*Туморчалар тақай, тонгим, ёруғим,  
Пешонамда турсин эски чориғим.  
Илоҳо сен ҳасадлардан фориғ бўл,  
Авайлайман ҳар лаҳза, ҳар он Ватан.*

Иброҳим оилада бош фарзанд эди. Укаси ва учала сингилларининг ғамхўри эди. Отаси вафот этгач, онаси Умри ая тўнғич ўғлига суяниб қолганди.

Болалигидан табиатга, ёру дўстларига меҳр кўйиб ўсди. Уни таниганлар, билганлар бу фикрни тасдиқлайди.

**А. Тўйчибоев, синфдоши:** — Иброҳим ёшлигидан чайир, бирор ишга бел боғладими, охиригача етказмасдан кўймасди. Муҳтожларга ёрдам бериш, уларни ҳимоя қилиш унинг табиатига хос фазилатлардан бири эди.

Эсимда, болалигимизда маҳалламизда ёлғиз чолкамбир яшашарди. Бир куни тунда номаълум шахслар улар яхши ният билан боқаетган кўчқорни ўғирлаб кетишди.

Кексаларнинг бошига тушган бу ташвишдан биз, болалар ҳам роса ачинардик. Лекин ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли муттаҳам ўғрилар тез орада қўлга туширилганди. Кўз олдимизда чиройли кийинган, биттасининг ақлли исковуч ити ҳам бўлган ходимлар бизнинг ҳавасимизни келтирганди. Айниқса, ўртоғим Иброҳим уларнинг хатти-ҳаракатларини синчковлик билан кузатарди. Милиционерлик яхши экан-а, оғайни, деганди ўшанда у. Негаки, кўпчиликка, айниқса, бошига ташвиш тушган инсонларга ёрдамнинг тегади. Шу воқеа сабаб бўлдию, ўртоғим ички ишлар ходими бўлишга аҳд қилди.

Ҳа, яна бир воқеа. Мактабнинг 9-синфида ўқирдик. Шунда она тили ва адабиёт ўқитувчимиз «Ким бўлсам экан?» мавзусида иншо ёздирганди. Синфдошларимизнинг қайси бири ўқитувчи, шифокор, журналист, ҳайдовчи ва қайси касб эгаси бўлмоқчи эканликларини баён этишганди. Биргина Иброҳим катта бўлгач, Ички ишлар идоралари хизматига ишга кирмоқчилигини ёзганди. Ўқитувчимиз унинг ёзганларини бизга ўқиб берганларида ҳамма жим ўтириб эшитганди. Ички ишлар ходими қандай бўлиши лозимлигини, юрт тинчлиги, халқ осойишталигини сақлаш уларнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини ўз иншосида баён этган эди.

**Лейтенант Музаффар Мирзаҳмедов:** — Ўша машъум террорчилик ҳаракати содир этилган куни Иброҳим ака ва Ихтиёр хизматда эдилар. Соат 16. 45. эди. Элчихонанинг қабул пайти тугаётганда бир киши келиб «Элчихона ишлайдими?» — деб сўрайди. «Йўқ» жавобини олиши билан нотаниш киши ўзига ўрнатилган қўлбола портловчи қурилмани ишга солиб юборади . . . Мен улардан 20—30 қадам нарида тургандим. Портлаш овози келган томонга югурдим. Қарасам, Иброҳим ака билан Ихтиёр жароҳатланиб, оғир аҳволда ётишарди. Қисқа муддатда етиб келган «Тез тиббий ёрдам» машинаси уларни шифохонага олиб кетди.

Иброҳим шифохонада кўз юмди. У севган далалар, дарахтлар, у кўнглини берган Ватан, онаси, укаси, сингиллари. хотини, қизчалари ортидан йиғлаб қолди.

**Катта сержант Бахтиёр Эгамбердиев:** — Иброҳимжон билан бир вақтда хизматга киргандик. У босиқ, мулоҳазали йиғит эди. Айниқса, оиласини жуда севарди. Овқатланиб ўтирганимизда қизчалари билан қандай ўйнаганини, уларга қанақа овқатлар пишириб берганини айтарди. Гап орасида келгусидаги орзу-ҳаваслари ҳақида тўлқинланиб гапирарди.

Хизматга виждонан ёндошишни ундан ўрганса бўларди. Футбол ўйнаш жону дили эди. Ёши каттароқ бўлса-да, ёшлар билан баробар чопарди. Оиласини ҳалол меҳнати эвазига топган даромади билан боқарди. Отаси эрта қазо қилган, оилада турмушнинг оғир юки унинг зиммасида эди. Рўзгорини бекаму кўст бўлиши учун елиб-югурарди.

**Норметова Гулбаҳор, Иброҳимнинг рафиқаси:** — Талаба эдим. Қишлоққа, уйимизга бориб, сумкаларни тўлдириб, ўқишга Тошкентга қайтаётган эдим. Одамлар билан тўла автобус келиб тўхтади. Қолиб кетмайин деб, уриниб чиқиб олдим. Катта сумкаларим билан ҳаммани безовта қилдим. Бир йиғитни туртиб юбордим. Кечирим сўрайин деб юзига қарасам, келишган йиғит жилмайиб турибди. Ҳам уялиб, ҳам шошиб узр сўраш ўрнига:

— Нега куласиз? — деб юборибман.

— Онам кулиб туққан бўлса нима қилай, — деб сумкаларимни бир чеккага жойлаштирди.

Кондуктор йўл учун пул йиғаётганда, пул узатсам:

— Сиз учун тўлашди, — деди, ўша йиғитни кўрсатиб.

Қарасам яна кулиб турибди.

Манзилга етгач, сумкаларимни кўтаришиб, уйгача кузатди. Мен Педагогика институтида ўқирдим. Иброҳим акам йўл устидаги постда навбатда турарди. Ўша йиғит тақдирим экан.

Оила қурдик, қизларимиз Севара, Лайло туғилди. У киши қизларини жуда яхши кўрардилар. Кўнгли тоза бўлгани учунми, ёш кўринардилар. Ўттиз олти ёшга кирганга ҳеч ҳам ўхшамасдилар. Қизларимнинг толеи ярқираб турсин деб, қулоқларига тилла сирға олиб бергандилар.

2 апрел — туғилган кунини нишонладик. Кейин негадир ўзгариб қолдилар. Фақат зах жой излар, кўкрагини захга бериб ётарди. Ўлмасларидан бир кун олдин роса баҳри диллари очилиб кетди. Футбол ўйнардилар. Ўша куни рақиблар дарвозасига иккита тўп киритган эканлар. Машина ҳайдашни жуда яхши кўрардилар. Ўша куни эски «Москвич»ни ҳам сотдилар. Нега сотдингиз, десам, сени дардисар бўлади, деб айтдилар. Ҳайрон бўлдим. Гунги икки-учларгача гаплашиб ўтирдилар. Қизларининг келажаги ҳақида орзулар қилдилар.

Эрталаб ишга отландилар.

— Сиз ҳам бир марта ишга бормаи кўя қолинг, — дедим.

— Бормасам бўлмайди, кийимларимни тайёрла, — дедилар. Кетатуриб уч марта орқага ўгирилдилар, сўнг пастга тушиб кетдилар. Дераза ёнига бориб, ортларидан қарадим.

— Ҳамма айтганларим эсингда бўлсин, — деб бақирдилар пастдан. Охирги эшитган гапим шу бўлди.

Иброҳим Норметов ўзи севган Ватанини ҳимоя қилди. Шу Ватан бағрига сингиб кетди. Унинг жасорати ҳақида тўлқинланиб гапириб юришади. Унинг номидан шеърлар айтишади:

*Сирлашиб суяндим, теракларингга,  
Сурундим гоҳ етмай чироқларингга,  
Томирчалар бўлай юракларингга,  
Бормикин сенингдек меҳрибон, Ватан!*

## ИХТИЁРЖОН ХҲУР КЕТДИ

2005 йилнинг 30 июль куни Тошкент шаҳрида қатор қўпуровчилик ҳаракатлари содир этилди. Пойтахтимизда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси биносининг олдида, АҚШ ва Исроил давлатлари элчихоналари ҳудудларида террорчи-камикадзелар ўзларини портлатиб юбордилар. Натижада АҚШ элчихонаси ҳудудини қўриқлаётган Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ Алоҳида милиция батальони ходими, сафдор **Ихтиёр Ҳакимов** ҳалок бўлди.



Ихтиёр Ҳакимов 1981 йил 9 апрелда Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида туғилган. Болалиги Тошкентнинг Юнусобод туманида ўтган. Ўрта мактабни тамомлагач, Куролли Кучлар сафида хизмат қилган. Ҳарбийликда чиниққан йигит Ички ишлар ходими бўлишга астойдил аҳд қилган ва 2003 йил март ойида Тошкент шаҳар ИИББ бошланғич таълим мактаби тингловчилигига қабул қилинган. Ўша йилнинг декабрь ойидан эса Ўзбекистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСББ Алоҳида милиция батальони таркибида хизматни давом эттириб келган. Ўлимидан сўнг «Жасорат» медали билан мукофотланган.

... Мағрур қиз, иболи қиз, истараси иссиқ қиз шаҳарга келиб, тоғасининг уйида яшаб, ўқиётган эди. Қўнгли тонгги шабнамлардай тоза, губори йўқ, дарди йўқ эди . . .

Формаси ўзига ярашган, кўзлари олов, қадди-қомати келишган йигит қайта-қайта ёнидан ўтиб, тинчи йўқолди. Қараса, бу йигит ўтганда ҳавас билан, пинҳона боқувчи қизлар оз эмас . . .

Беғубор, тинч кунлар қайга кетди . . .

Йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам тинчи йўқолди . . .

Ихтиёр оғир, босиқ, ҳадеб сирини олдирадиган йигит эмасди. Онаси Марпат опа, келин тушириш орзусини айтса, жилмайиб қўярди.

Уч оғайни ботирлар — уч ўғилнинг парвонаси бўлган она тезроқ келин олишни, неваралар кўришни ният қилар. Бунинг устига Ихтиёржон ақли, меҳнатсевар йигит. Қариндошлар, маҳалладошлар, қачон уйлантирасиз? — деб сўраб қолишар, қизи бор хонадонлар. секингина онанинг оғзига боқишар эди . . .

Ихтиёрга атаб, квартира ҳам сотиб олишди. Кузда албатта тўй қиламиз, танлаганинг бўлса, айт дейишди.

Ихтиёр укалари Дониёр, Азизларни ёнига олиб. отаси Бахтиёр акани уринтирмасликка ҳаракат қилиб. уйни кўнгилдагидек қилиб таъмирлади. Онаси ҳам келиннинг сандигини тайёрлаб қўйди.

Яна Ихтиёрини сўроққа тутди:

— Совчилар кимникига борсин, — деб сўради Она-изор.

— Эртага айтаман, ойижон, — деди Ихтиёр.

Айтишларича, ўша куни, суйган қизининг холаси билан Ихтиёр телефонда узоқ гаплашган. Қиз уйига кетган экан. Бориб айтинг, совчилар боришади, — деган.

Уй тайёр, сандиқ тайёр. Ота-она рози. Қизнинг кўнгли йигитда. Йигитнинг кўнгли қизда. Совчилар буйруқ кутиб, қиз совчиларни кутиб турган, ҳамма ширин орзуларга фарқ палла эди... Бироқ қизникига совчилар келмади.

*Янгасига сир айтиб,  
Совчиларни кутган қиз.  
Совчилар келмай қолиб,  
Аламини ютган қиз.*

*Янгасидан уялиб,  
Харобадай чўккан қиз.  
Юзларини яшириб,  
Кўз ёшини тўккан қиз.*

**Бахтиёр Ҳакимов — (Ихтиёрнинг отаси):** — Ўғлим қатъиятли, мард эди. Ички ишлар вазирлиги қошидаги Академияда ўқийман, милиционер бўламан, деб орзу қиларди. Спортга қизиқарди, футбол ўйнардди. Академияга ҳужжатларини топшириб, жисмоний тайёргарликдан юқори балл олди. Фақат умумий баҳосига бир балл етмади. Тушкунликка тушмади. Яна тайёрланди. Орада шофёрлик, сотувчилик, бухгалтерия курсларини тамомлади.

Келгуси йил ярим балл етмади. Барибир руҳи тушмади. Қабулдагилар кутиб тулинг, қабул қилинишингиз мумкин, деган экан. У кутмай ҳужжатларини қайтариб олди.

Келгуси йил барибир ўқишга кираман, дерди. Ишни куйидан бошлайман, деб, кўриқлаш бўлимида иш бошлади.

Армия сафида ҳам хизматни аъло даражада ўтаган, командирларидан миннатдорлик мактублари олган эдик.

Ота касб — шофёрлик қилавер, ўғлим, десам, милиционер бўламан, дадажон, дерди.

Ўша куни тонгда ишга отланиб, машинани гаражда чикараётган эдим. Ёнимга бориб; Дада, ўзингизни кўп уринтирманг. Чойхонага чиқинг. Тушдан кейин ишга бораман, деди.

Қарасам, ҳусни очилиб кетган, кўзлари порлаб, нур сочиб турибди. Кўзимга жудаям бошқача кўринди. Ўзингни эҳтиёт қил, дедим.

Дадажон, ҳаммаси яхши бўлади, деб хайрлашди. Мен ишга кетдим.

Ўғлимни охирги кўрганим шу бўлди, деди Ота кўз ёшларини артиб.

**Мапрат Ҳакимова (Ихтиёрнинг онаси):** — Ихтиёр, Дониёр, Азиз бирин-кетин улғайишди. Ака-укалар бири-бирига меҳрибон эди. Укалари Ихтиёрнинг гапини икки қилишмасди. Аяжон, укаларимни ўқитаман, ўзим ҳам ўқийман, дерди.

Ўзи мактабда аъло баҳоларга ўқиган. Мактабдан ҳам, Армиядан ҳам Фахрий ёрлиқлар олганди.

Укаларига ҳам талабчан эди. Ҳамма ишларимга қарашарди. Ишга бориб ҳам бир неча бор телефон қилиб, яхши ўтирибсизми, ўзингизни чарчатиб қўйманг дерди. Доимо оғиримни енгил қилишга ҳаракат қиларди.

Жўрабоши эди, жўралари Жаҳонгир, Комил, Абдулла тез-тез аҳволимизни сўраб туришади.

Орзу-ҳавас билан уйлантирсак, элга тўй берсак деб турувдик. Эрта-индин совчилар боришмоқчи эди. Қизнинг исмини айтмоқчи эди. Бироқ тонг отмади . . . .

Бағримга отилиб йиғлаган қизни кейин таниб олдим. Нима қилай, унинг бўзлашларига чора топа олмасам. Ўзим бечора бўлсам. Бўз болам чимилдиқ кўрмай кетди. Суйган қизини уйга олиб кела олмади. Сепларини юборолмай қолдим. Онанинг кўз ёшлари селида нола-лар оқиб борарди:

*Бўз уйимни бўшатиб кетган болам,  
Онасини қақшатиб кетган болам.  
Меҳрибоним, онажоним деб юриб  
Юрагимни юмшатиб кетган болам.*

*Ойлар ўтар, ойлардай  
Кўринмасим, жон болам.  
Кунлар ботар, кунлардай,  
Қайта чиқмасим, жон болам...*

Онанинг ярасига туз сепиб, тилка-тилка дилини яралаб қўйиб, энди овутмоққа чорамиз йўқ, кўзимиз нам, бошимиз ҳам эди...

**Кичик сержант Жаҳонгир Йўлдошев**, Юнусобод тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционери, — Ихтиёржоннинг хотираси қалбимизда яшайди, у билан синфдош эдик. Мактабда одоби ва

дарсларни ўзлаштириши билан барчамизга ўрناق бўлган. Вақтида қувноқ, хушчақчақ, кези келганда эса жиддий тортарди. Биз уни жўрабоши этиб сайлагандик. Жойи жаннатда бўлсин.

**Шаҳлохон, Ихтиёрнинг жияни:** — Ихтиёр Юнусободаги 302-ўрта мактабда барча фанлардан «аъло» ва «яхши» баҳоларга ўқирди. Ўша воқеадан бир ҳафта олдин у билан гаплашгандим. Турмушга чиқаётганимни эшитиб: Шаҳло, тўйингда ўзим хизмат қиламан, — деганди. Афсуски, тўйни кўриш унга насиб этмади. Ҳанузгача Ихтиёр орамизда йўқлигига ишонгим келмайди. Болалигимиз, ёшлигимизда бирга кечган дамларимиз хотира бўлиб қолди. У ҳеч қачон қизларни хафа қилмасди. Уларга қўлидан келган ёрдамни аямасди. Унинг жиддий, аммо очиқ чеҳраси ҳамон кўз ўнгимда турибди. Худди ҳали замон эшик очилиб, у кириб келадигандек туюлаверади.

**Фарида опа, қўшниси:** — Ихтиёр кўча-кўйда жуда ораста кийиниб юрарди. Барчамизнинг унга ҳавасимиз келарди. Кейин билсам, у кийимларини ўзи ювиб-тозаларкан. Кўз ўнгимизда ўсиб улғайган йигитнинг ҳалок бўлгани бизни ҳам қаттиқ қайғуга солди.

**Капитан, Султонов Алишер:** — Ҳакимов Ихтиёр Бахтиёрович босиқ, одобли, жасур, ўта маданиятли эди. Камгап, ўртоқлари билан хушмуомала, ўз хизматига сидқидилдан ёндошиб хизмат қиларди. Укалари ва дўстларига меҳрибон, ҳар ким билан бир пасда чиқишиб кетарди. Унинг ягона нияти ИИВ Академиясига ўқишга кириш эди.

Ўша куни совчилар қизнинг уйига боролмади. Террорчилар дунёларга сиғмай яшаётган ва ишқ оғушида бахтиёр йигит Ихтиёржонни тобутга жо айлаган эди... аммо унинг мангуликка айланган номи тобутга ҳам, ер бағрига ҳам сиғмайди.

## БИР ЙИГИТНИНГ ҚИРҚ ЖАСОРАТИ



Капитан **Шухратбек Ўтқурович Зоҳидов**. Андижон вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ наркотик ва гиёҳвандлик моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бўлимида катта тезкор вакил лавозимларида хизмат қилди.

Ш. Зоҳидов хизмат давомида кўплаб маротаба рағбатлантирилган. Ҳукуматимиз унинг хизматларини юксак қадрлаб, 2000 йилда «Жасорат» медали билан тақдирлаган. 2005 йил 13 майда «Андижон фожиаси»да ҳалок бўлган. Вафотидан сўнг II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланган.

*Гар бағрингда сарғайган бир хасни кўрсам,  
Тақдирингга бепарво бир касни кўрсам,  
Нон-тузингни унутган нокасни кўрсам,  
Бағрим ёниб, ғазаб ичра қолурман мен,  
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!*

*Сени севмоқ — ҳар кун қилган савобимдир,  
Тупроғингни ўпмоқ — эзгу тавофимдир,  
Ёвузларга нафрат — кескин жавобимдир,  
То тирикман ёвга қирон солурман мен,  
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!*

Шухратбек Зоҳидов ҳалоллик, меҳнаткашлик, адолат, диёнат қўним топган оилада улғайди. Отаси Ўткир ака Зоҳидов 41 йил бир жойда Андижон шаҳар автомактабида ишлади. Минглаб ҳавасмандларга меҳр билан касб ўргатди.

Онаси Турсуной Нўъмонова боғчада тарбиячи бўлиб ишлаган. Ҳозир иккаласи ҳам нафақада. Бу оилада беш ўғил, беш келин, йигирма набира бир қозондан овқат ейдилар.

Биринчи келинини туширганига 14 йил бўлган бўлса, ҳали ҳеч ким норози бўлган эмас. Бир, икки келинини эплай олмаганлар, бу оиладан ибрат олишади. «Фармонбиби» — Турсуной онадан «оила юритиш сирлари»ни ўрганмоқчи бўлишади. Аслида бу «сир»нинг номи — тенглик, адолат, самимият, бағри кенглик, меҳрдир. Яна ким билади...

Шухратбек уларнинг тўнғичи эди.

Мактабда яхши ўқиди, спорт тўғарагида шарқ якка кураши билан шуғулланди, кўп китоб мутолаа қилди.

Ҳарбий хизматни тугатиб қайтгач, орадан бир ҳафта ўтиб:

— Ички ишлар идорасида хизмат қилмоқчиман, — деди.

Ота-онаси ўғилларини бу ниятидан қайтаришмоқчи бўлишдию, унинг қатъий, бир сўзли эканини билиб рози бўлишди.

Шухратни Андижон вилояти ИИБ ППХ бўлинмасига қабул қилишди. Орадан икки йил ўтиб, бўлинма командири этиб тайинланди. Кейинроқ махсус бўлинмага сардорлик қилди. Хизматдан ажралмаган ҳолда университетда таҳсил олди. 2000 йилда унга лейтенант унвони берилди. То 2004 йилгача ёш офицер патрул-пост хизматида фаолият кўрсатди. Сўнг уни вилоят ИИБ ЖК ва УЖКБга ўтказишди.

Лейтенант Ш. Зоҳидов 2000 йилда ўта хавфли жиноятчиларни қўлга олиш чоғида мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатгани учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра «Жасорат» медали билан тақдирланган эди.

2000 йилнинг ўша март оқшоми Андижон вилояти ИИБ махсус отряди шахсий таркиби ташвиш (тревога) сигнали бўйича йиғилди. Бўлинма командири

кучли қуролланган жиноятчилар ҳақида ходимларга маълум қилди. Босқинчилар вилоят маркази четидаги шахсий уйлардан бирига яшириниб олишганди.

Шахсий таркиб олдига қуролланган жиноий тўдани зарарсизлантириш вазифаси кўйилди. Бўлинма воқеа жойига етиб келиб, уйни қуршаб олди. Ҳар бир ходимнинг хатти-ҳаракати ипидан игнасигача режалаштирилиб олингач, бинони забт этиш ҳақида буйруқ берилди.

Таркибида лейтенант Ш. Зоҳидов ҳам бўлган қўлга олиш гуруҳи тонг ғира-ширасида уйга ёпирилиб киришди. Босқинчилар буни кутишмаган экан. Операция бор-йўғи бир неча дақиқа давом этди, бирорта ҳам ўқ узилмади. Террорчилар зарарсизлантирилди.

Ўз ишини ниҳоятда яхши кўрган, топшириқларни бекаму кўст бажарадиган, қатъиятли, жасур йигит Шухратбек хизмат мобайнида қирқ марта тақдирланган. Капитан унвонига сазовор бўлган эди. Андижон фожеаси шундай бир ажойиб йигитнинг умрига зомин бўлди.

\* \* \*

Оиланинг тўнғич фарзанди қаёққа қараб юрса, қолганлари изидан боради. Акасига ҳурмат ва ҳавас билан қаровчи укалари, Шавкатжон Ёнфин хавфсизлиги бўлимида, Шокиржон Қўриқлаш бўлимида хизмат қилишади. Илҳомжон ва Икромжон тижорат билан шуғулланишади.

Ҳаммалари отасига, акасига қулоқ солишади. Кичиклар катталарнинг гапини икки қилишмайди.

Шухратбекнинг хотини — Мехринисо тўнғич келин сифатида ўз нуфузига эга. Овсинлари билан иноқ яшашади. Алоҳида бўлиб чиқинглар, деган гапни ҳаммаси эшитмаганга олишади.

**Мехринисо Зоҳидова (Шухратбекнинг рафиқаси):**

— 1993 йил 17 июлда эгизак қизлар кўрдик. 20 июлда Шухратбекнинг туғилган куни эди. Эгизларимнинг

Зухраси 2 кундан сўнг нобуд бўлди. 1995 йил Аҳрорбек туғилди. Шуҳратбек жуда ҳам болажон эди. Кечқурун ишдан уйга келатуриб болаларга албатта ширинлик олиб келарди.

Шуҳратбек мени жуда ҳурмат қилар эди, чиройли кийинтириб меҳмонларга олиб боришни яхши кўрар, эдилар рашк қилмас эди (чунки ўзи ҳам рашк қилишга асосли эмас эди). Тўғрисўз, ҳазилкаш, меҳрибон эди. Болалар катта бўлди. Қизим Фотимахон 12 ёшда, ўғлим Аҳрорбек 10 ёшда. Учинчи фарзандим Аброрбек 2002 йил 4 октябрда туғилди. Шуҳратбек фарзандларини еру кўкка ишонмас эди.

Ойижонимизни жуда яхши кўрар эди. Мазалари қочса, ўзини қўярга жой топа олмас эди. Уйдан ҳам, ишдан ҳам хабар олиб улгурар эди.

Мен таянч тоғимдан айрилдим, уйим ҳувиллади, юрагим ўксиди.

Аброрбек ўғлим дадам қани, қачон келади, деб юрагимни эзади. Нима қиларимни билмай қоламан. Шуҳратбек оиласини жуда ҳурмат қиларди, жуда севарди. Фарзандларимизни катта қилиб, уйлаб-жойлаб чиқарамиз, оға-инилар (ака-укалар) битта ҳовлида (эшикда) қоламиз дер эди. Фарзандларим ҳам дадасига ўхшашни иташади. Шундай инсоннинг умр йўлдоши бўлганимдан фахрланаман. Оз яшаган бўлсак ҳам, менга шундай умр йўлдош ато этган Аллоҳга шукур дейман.

Ўғлим Аҳрорбек, дадасининг изидан кетмоқда. Тошкент шаҳрида ИИВнинг «ЖАР» ССМ махсус мактаб-интернатида ўқимоқда. Илгари индамас бола эди. Дадасининг вафотидан сўнг бирдан жиддийлашиб, қатъиятли бўлиб қолди. Аъло баҳоларга ўқимоқда.

**Гулбаҳор Зоҳидова 87-боғча мудираси, Шуҳратбекнинг синфдоши:**— Шуҳратбек жуда маданиятли, аълочи, фаол эди. Спортга қизиқарди. Чиройли расмлар чизарди. Ҳамма уни «Редактор» деб гапирарди. Деворий газеталар Шуҳратбекнинг иштирокисиз

чиқмас эди. Қўл жанги мусобақаларида иштирок этарди. Қанчалаб шогирдлари бор. Биз синфдошлар ҳаммамиз уни ҳурмат қилардик. Тақдир тақозоси туфайли Шуҳратбекнинг амакиси билан турмуш қурдик. Ўз синфдошимга янга, қариндош бўлдим. Шуҳратбек ўз номи билан шуҳратли эди.

**Умрзоқов Ҳамдамжон, Шуҳратбекнинг тоғаси:**— Жияним Шуҳратбек каби мард йигитлар кам туғилади. Ўз ишига садоқатли йигит эди.

Избосканда ваҳобийларга қарши кураш чоғида, ўнг оёғидан ўқ еганди. Мукофотланганди. Бошлиқлари йиғилишларда бошқаларга уни ўрناق қилиб кўрсатарди. Қирқ бора тақдирланган, ахир. Бу — қирқ марта жасорат кўрсатди деган гап.

Рассом эди. Қариндош-уруғларининг тўй-маъракаларида, вақт топиб албатта қатнашарди.

Дарҳақиқат, Шуҳратбек ўз номини мангуликнинг лавҳасига битиб кетди.

## ЁДГОРБЕККА АЙТАР СЎЗЛАРИМ

Сафдор **Нодирбек Болтабоевич Носиров**, 1976 йили Избоскан туманида таваллуд топган. 1996 йили Андижон енгил саноат политехникумини тамомлаган. Андижон вилояти ИИБ ўқув марказида таҳсил олгач, 2004 йил август ойидан вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 2-отрядида инспектор-кинолог лавозимида хизмат қилган. 2005 йил май ойидаги «Андижон фожиаси»да ҳалок бўлган. Вафотидан сўнг II даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланган.



Ёдгорбек, бир сенмас ҳамма чақалоқ йиғлаб туғилади. Сен ўз тилингда дунё билан танишмоқдасан. Сен жудаям тоза, жудаям нозиксан. Қалдирғоч қанотининг елидан ҳам шамоллайсан, атиргулнинг ҳиди билан йиғлаб танишасан. Сенинг йиғламоғинг табиий ҳол. Одатда чақалоқ йиғлаб туғилганда катталар кулиб кутиб олишарди, бироқ улар нега йиғлаяпти? Аянг Наргизахон тўлғоқ азобларидан ўтиб бўлиб ҳам деразадан боқиб, ҳамон йиғлайди. Ёнингдаги бақироқ қизалоқнинг дадаси гул кўтариб келди. Аяси кулди, ўша йиғлоқи қизни деразадан кўрсатиб, роса мақтади. Сенинг аянг бошини буркаб йиғлади.

Чақалоқ уч кунда отасини танир экан. Анови бижилдоқ қизча таниганда сен танимасмидинг? Танир эдинг, бироқ нега дадангман, деб ҳеч ким келмади...

Ёдгорбек, сен ҳам дадангни таниб олишинг керак. Ўғил болалар етти бобосининг номини айтиб беролмаса айб саналади. Отанг Нодирбек 1976 йил, сен туғилган август ойининг йигирма бирида Избоскан туманининг Туячи қишлоғи, Бўстон маҳалласида

туғилган. Болалигиданоқ оилада ва мактабла Нодирбекнинг мурғак қалбига Ватан муҳаббатини жо қилишди. Отаси Болтабой ака бир умр ўқитувчи бўлиб ишлади. У кенжатойини ўз изидан боришини ният қиларди. Аммо Нодирбек ўзидан яхши ўқитувчи чиқмаслигини айтди. Ўсмирлигидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходими бўлишни кўнглига тугди. Ўрта мактабни тугаллаб, Андижон енгил саноат техникумини битириб, Андижон ип-газлама жамиятида иш бошлади. Сўнг Избоскан туман газ идорасида ишлади.

Ёдгорбек, ҳали оёғинг чиқади, ақлинг киради. Бу жойларга бир-бир бориб кўриб келасан. Йигитман дегани ўтайдиган, Ватан олдидаги бурч бор. Даданг шу бурчини Тошкентда ўтаб қайтди. Солдатлик даврида бобонг билан бувингга дадангнинг бошлиқларидан ташаккурнома хат келган эди. Ҳали сен ҳам яхши аскар бўласан. Аянгга раҳматномалар келади. Нега йигляяпсан? Ухла, аянг алла айтаяпти.

*Ором ол қўзим, алла,  
Ухла, қундузим, алла...*

\* \* \*

Уйғондингми, шоввоз?! Нега жимсан? Бугун анави бақалоқчанинг дадаси келиб кетдимми? Сен ҳам дадангни кутаяпсанми? Ниҳоят даданг орзусига етган кун келди. 2004 йилда Андижон вилоят Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлимига милиционер-кинолог вазифасига ишга қабул қилинди. Биласанми, шунда қанчалар қувонганини? Билмайсан, жимитча! Ўзинг ҳам орзу қилган ишингга кирган кунинг биласан бу куннинг нашидасини. Даданг жону дили билан ишга киришиб кетди.

Бу ҳақда дадангнинг жўраси патруль-пост хизмати бўлинмаси милиционер-ҳайдовчиси, **сержант Абдул-хофиз Жўраевдан** эшитгин:

— Биз Нодирбек билан бир маҳаллада вояга етдик, — дея ҳикоя қилади ППХ бўлинмаси милиционер-ҳайдовчиси, сержант Абдулхофиз Жўраев. — Бир мактабда ўқидик. Дўст эдик. У тўғрисўз, ҳалол, одамларга эътиборли, ақли, қобилиятли, истараси иссиқ йигит эди.

Хизмати ҳақида гапирадиган бўлсак, ёш бўлишига қарамай бу борада касбдошлари ундан ўрнак олишарди. Дўстим хизмат вазифаларига жиддий муносабатда бўлар, интизомни ҳамиша биринчи ўринга қўярди. «Гром» лақабли хизмат ити тўрт оёқли содиқ дўстига айланган, унинг ҳар бир буйруғини қулоқ қоқмай ба-жарарди.

Қалай, зўр эканми, даданг? Нега, аканг Шоҳжаҳон билан йиғлаб, афтингни бужмайтириб, кўришдинг? Акажонинг сендан роппа роса беш ёш катта. Бироқ, даданг, аканг, сен — ҳаммаларинг август ойида туғилгансизлар. Акажонинг сени жуда яхши кўради, сен ҳам уни севгин! Вой, ухлаб қоляпсан-ку?! Майли, ором ол!

\* \* \*

Ёдгорбек, ҳикоямнинг энг оғир жойи келди. Энди йигит бўл! Сен ўғил боласан-ку. Йигитлар йиғламайди. Ҳақиқатни билиб олишинг керак.

... 2005 йил 13 май куни эрта тонгда Нодирбек хизматга отланди. Вилоят ҳокимияти биноси ёнида қуролланган террорчилар уни қўлга олишди. Узоқ қийнашди, сўнг қўлларини орқасига қилиб симёғочга боғлаб қўйишди. Чекинишаётганида эса ҳимоясиз Нодирбекка қарата аёвсиз ўқ узишди...

У пайтда сен ҳали туғилмаган эдинг. Орадан уч ой ўтиб дунёга келдинг. Сен аянгни, бобонг-бувинг, акангни, ватанингни худди даданг каби ҳимоя қил-

моғинг, асраб-авайламоғинг керак! Сенинг елкачаларингда ҳозирданоқ масъулият юки бор, полвонча!

Дадангнинг онаси, сенинг бувижонинг **Шодамхон ая** ҳали сенга аллалар айтади. Эртақлар тўқийди. Эшитиб кўр, даданг ҳақида нима дейди:

— Нодирбек энг кичик ўғлим эди. Болалигидан менга уй-рўзғор юмушларида ёрдамлашарди. Оиламиз катта бўлиб, олти фарзандимиз бор эди. Кенжатоим мактабдан келиши билан чой-пой ичиб, томорқадаги экин-тикинларни парвариш қилар, мол-қолга қарарди. Улғайгач ҳам шу одатини канда қилмади. Хизматдан вақтли қайтса, хўжалик ишларига уннарди...

Турмуш ўртоғи Наргиза билан аҳил яшашар, бир-бирларини тез тушунишарди. Тўнғич фарзандлари Шоҳжаҳон туғилганда Нодирбек хотини ва ўғлига бир дунё совға-салом келтирди. Қувончидан рақсга тушишга тайёр эди...

Ёдгорбек, улғайганинг сари, яхши одамлардан даданг ҳақида кўп ҳикоялар тинглайсан. Дадангни таний борасан. Даданг билан бирга ишлаган, милиционер-кинолог, **сержант Юсупхўжа Ҳамидовни** эшитгин:

— Нодирбекнинг орамизда йўқлигига ҳалиям ишонгим келмайди. Унга бемалол ишонсангиз, суянсангиз бўларди. Хизматдошлари ана шу хусусияти учун қаттиқ ҳурмат қилишарди. Ўша фавқулодда вазиятда ҳам ҳамма яқинларини ўйлаганига ишончим комил. Фақат... ўзини ўйлашга улгурмаган.

Ёдгорбек, инсоннинг яхши одам бўлиб танилиши, обрў орттириши ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун тоза кўнгил, самимият, ростгўйлик керак. Ўзгаларни ҳурмат қилиш, муҳтожлардан ёрдамни аямаслик лозим. Даданг туғилиб ўсган оила — ҳамқишлоқларинг иззат-ҳурмати-га лойиқ оила. Зиёлилар оиласи.

Даданг Нодирбекнинг ҳалокати бутун маҳалла аҳлини изтиробга солди. Бу ҳақда Бўстон маҳалла фуқаролар

йиғини котибаси, ён қўшнилари**нг** **Шоҳидахон Боқиева** шундай дейди:

— Нодирбек Носиров ён қўшнимиз. У бир неча йил 18-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Болтабой аканинг кенжа фарзанди. Акаси Улуғбек туман мудофаа ишлари бўлимида ишлайди. Биз кўни-қўшнилари бу оиланинг аҳиллигини кўриб жуда ҳавас қиламиз. Нодирбек ҳам ҳамшира Наргиза билан севиб-севилиб, бахтиёр яшаётганди. Уларнинг Шоҳжаҳон исмли фарзандлари бўлиб, яна янги фарзанд кутишаётганди. Нодирбекнинг вилоят ички ишлар бўлимида ишлаётганига ҳали унча кўп вақт бўлмаса-да, у касбини жондан севарди. Ишдан келган бўлишига қарамай, маҳалла тинчлиги учун сардорлар билан ҳам эринмай иш олиб борарди. Унинг ўлими барчамизни титратиб юборди. Террорчилар томонидан амалга оширилган хунрезликлар туфайли 26 ёшли навқирон йигит ҳаётдан бевақт кўз юмди. Навниҳол ҳомиладор келин Наргиза севган ёридан, Шоҳжаҳон отасидан айрилди. Жанозага йиғилган Нодирбекнинг ҳамқишлоқлари уни қўлларида кўтариб, «Шаҳидлар мазори»га олиб бориб дафн этишди. Ўлимдан қаттиқ таъсирландим. Чунки менинг ҳам турмуш ўртоғим худди шу ёшида автоҳалокат туфайли вафот этганди. 26 ёшимда мен ҳам ҳомилам билан бева қолгандим. Менинг турмуш ўртоғим ҳам Нодирбекка ўхшаб, ўғил тўйига ҳозирлик кўраётганди. Тақдирларимиз ўхшаб кетди. Мен Нодирбекни бугунги кунимизнинг қаҳрамони дейман. Қаҳрамонлар эса ҳеч қачон ўлмайдилар. Уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида ҳамқишлоқларимизга, набираларимизга сўзлаб берамиз. Нодирбекнинг номи ни абадийлаштирамиз.

Ёдгорбек, сен ҳали чақалоқсан. Тўйиб ухлашинг, қоринчангни тўқлашинг керак. Кучга тўлишинг, даданга муносиб ўғил бўлишинг керак.

Сенинг бошингда Ватан алла айтади. Ором ол, ухла!

*Ёдгорбекка алла айтинг далалар,  
Йўллар босиб бир йигит ўтганмиди?  
Ҳей, юксакда алвонланган лолалар,  
Ул йигит қўлин силкиб кетганмиди?*

*Ёдгорбекка алла айтгил, келинчак,  
Кўзларингдан алам ёши оқмасин.  
Ногоҳонда тўхтаб қолса, беланчак,  
Қуёш ўти майсаларни ёқмасин.*

*Ёдгорбекка ўзинг алла айт, Ватан,  
Бино бўлгай фарзанд юрак ёғидан.  
Бошин сила, ўкситмагин онажон,  
Елкалаб ўт етимликнинг тоғидан.*

## МУЗАФФАРЖОН ҒОЛИБ КЕТДИ

Подполковник **Музаффаржон Рустамов** 1986—88-йилларда Воронеж шаҳридаги Авиация ҳарбий қисмида бўлинма командири сифатида хизмат қилди. 1988 йил армия сафидан қайтгач, Андижон вилоят Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ротаси милиционери лавозимида, Андижон вилоят ИИБ Жазони ижро этиш гуруҳи катта тезкор вакили вазифаларида намунали хизмат қилган.



Иш фаолияти давомида 12 мартаба тақдирланган.

Вафотидан сўнг «Жасорат» медали билан мукофотланган.

Музаффаржоннинг кўзлари кулиб турган йигит эди. Унинг беозор табассумидан баҳорнинг ҳиди келарди. Ўзиям баҳорда туғилган эмасми? У ташриф буюрган давралар, кўнгиллар баҳорга айланарди. Ота-онасини, туғишганларини, оиласини, дўсту ёрларини, ишини жуда севарди.

Отаси — истеъфодаги подполковник Турсунбой ака, онаси Қундузхон болаларини ҳалол ва машаққатли меҳнатнинг нони билан улғайтирдилар. Турсунбой Рустамов Андижон тумани (ҳозирги Олтинкўл), «Маслаҳат» қишлоғида ўқитувчи бўлиб ишлаб юрган пайтида туғилган эди. Турсунбой ака Москвада собиқ СССР ИИВга қарашли Академияда ўқиган пайтларида ўғиллари Музаффаржон 3-синф, Муҳиддинжон 2-синфда ўқирди. Икки ойда болалар рус тилини ўрганиб олишди. Москвалик синфдошлари билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишди.

Турсунбой ака ўқишини битириб, Андижон вилоятига ишга келди. Вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлигининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, вилоят ЙҚХБ бошлиғи ва бошқа масъул вазифаларда ишлаб, подполковник Турсунбой Рустамов даражасига етди. Ҳалол, виждонан ишлагани, ишбилармон, тажрибали ходим сифатида танилгани учун кўпчиликнинг ҳурматини қозонди. Истеъфодаги подполковник Турсунбой Рустамов ўғли подполковник Музаффаржон Рустамовга, сен полковник бўласан, дер эди.

Мудҳиш 13 майдаги Андижон фожиаси юз бермаганда шундай бўларди ҳам... Музаффаржон ёшлигидан бошлаган ишини охирига етказадиган, қатъиятли эди.

**Муҳиддин Рустамов, Музаффаржоннинг укаси:**— Мен акамдан бир ёш кичикман. Иккимиз эгизаклар каби улғайдик. Москва шаҳридаги 877-сонли ўрта мактабда ўқидик. Сўнг Шаҳрихондаги 11-мактабда, Андижон шаҳридаги 24-ўрта мактабда ўқидик. Қаерда бўлсак ҳам акам болалар билан жуда тез тил топишар, ҳамма уни яхши кўрар, жўралари кўп эди. Кураш тўғарагига қатнашдик. Мусобақаларга бордик. Акам ҳаммасини охирига етказар, голиб бўлмагунча тинчимас эди. Шаҳрихондаги «Чим устида ҳоккей»да ҳам қатнашарди.

Музаффаржон 1986 йилда мактабни тугатиб, армия хизмати сафига чақирилди. Воронеж шаҳридаги авиация полкида бўлинма командири лавозимида хизмат қилди. Қисм ёшлар ташкилотига етакчилик қилиб, Москвада ўтказилган ёшлар анжуманида қатнашди. Сержант унвонига сазовор бўлди. Ёшлар газетасида Музаффаржон ҳақида мақола эълон қилинди.

— Ўғлим ҳаммага яхшилик қилишни истарди, — дейди Турсунбой ака. — Унинг «хобби»си ҳам, мақсади ҳам одамларга яхшилик қилиш, қўлидан келганча ёрдам бериш эди. Ўғлим хизмат пиллапояларини тез,

дадил босиб борарди. Энг ёш бошлиқ ўринбосари, энг ёш подполковник эди. Ўғлим менга доим тирик туюлади. Унинг ҳасратлари мени шоир қилиб қўйди. Унга атаб шеър ҳам битдим:

*Ўзим гувоҳиман ўқ овозларин,  
Ўшал машъум туннинг бедорлигини.  
Бедор бўлган эди бир бутун олам,  
Тириклар ичра сен тириксан, болам!*

*Қаердан билибман шу милён ўқдан,  
Бир донаси сенга аталганини.  
Дунёни қамрасин менинг оҳ-нолам,  
Тириклар ичра сен тириксан, болам!*

*Чинқириб қолишди икки гўдагинг,  
Уларга бир умр бордир керагинг.  
Қовжираб қолди-ку менинг бир лолам,  
Тириклар ичра сен тириксан, болам!*

*Ватанинг ва халқинг унутмагай ҳеч,  
Мангу тирик қолдинг қалбларимизда.  
Аммо бир доғ қолди, қолди бир алам,  
Тириклар ичра сен тириксан, болам!*

Турсунбой ака Рустамов ўғлининг тезда полковник бўлишига, халқ учун янаям кўпроқ ишлар қилишига ишонарди. Кўзининг нури, қалбининг мадори, ифтихори, суюнчи Музаффаржоннинг бу дунёда йўқлигига ишонгиси келмайди. Уни йўқликнинг қўлига бергиси келмайди.

**Рустамова Муҳайёхон, Музаффаржоннинг рафиқаси:** — Биз ёшлигимиздан бирга ўсиб улгайганмиз. Оталаримиз милиция ходимлари бўлганлиги учун Москвага ўқишга боришганда бу оила билан танишганмиз. Мен боғчага борар эдим. Музаффар акам эса 3-

синфда ўқир эди. Оиламиз мусофирчиликда жуда яқинлашиб кетган эди. Музаффаржон акам бизни ўйнатиб юрар, боғчадан олиб келар эди. Улғайганимизда бизни унаштириб қўйишди, кейинроқ тўйларимиз бўлиб ўтди. 2 нафар қиз кўрдик, Гулҳаё ва Маҳлиё. Турмушимиз шундай ўтдики, худди 15 йил эмас, бир лаҳзада ўтгандек. Бир-биримизга тўймай яшадик. Бизни ҳамма Тоҳир ва Зухра деб аташарди.

У инсон жуда меҳрибон, кўнгилчан, беозор, ҳаммага яхшилик қилишни хоҳлайдиган, доим табассум билан қараб турувчи эди. Ҳеч аччиғи келганини кўрмагандим. Ҳатто оилада эр хотинга қовоқ соладику, бизда бу нарса ҳам бўлмаган. Касал бўлсам доим тепамда турар, ёлғиз қолдирмас эди. Ҳар кун эрталаб худди бугун кўришиб турган одамлардек, мен ва қизларимиз билан қучоқлашиб, ҳаммамизни бир-бир ўпиб кўришар эди. Эрга айтадиган ва айтмайдиган гаплар бор, дейишарди. Аммо у мени сирдошим эди, ҳамма гапни бир-биримизга айтиш мумкин эди. Қизларни тарбиялаб, ўқитиб, яхши инсонлар билан куда бўламиз деб ният қилар эдик.

Гўзал ҳаётимиз эртак бўлганича қолди. 13 май куни оиламизда ҳаёт соати тўхтаб қолди, гўё. Ҳар куни уни кутамиз, кийимлари аввалгидек турибди. Йўқлигини тан ололмаямиз. Худди ҳозир келиб қоладигандек. Ишдан қайтадиган вақтида келишини кутамиз. Хаёлан у билан гаплашаман. Мени Музаффаржон акамчалик ҳеч ким тушунмас эди. «Аёл бахти» деган нарсани менга Музаффар акам берган эди. У меҳрибон, ўта даражада меҳрибон ота эди. Қизларимизнинг кундаликларини текшириб, ҳатто вақт ажратиб дарс тайёрлашар эди. Мактабга ота-оналар мажлисига қатнашиб турар, ота-оналар кўмитасининг раиси эди. Маҳаллада каттаю кичик билан саломлашарди. Бизнинг оилада кулгу аримас эди. Ҳозир эса сукунат чўмган, ҳаммамизнинг ёшимиз бир зумда улғайгандек бўлиб қолди. Умрлик йўлимизни ёзиб тушунтириш қийин...

Бахтли, мазмунли, беғубор, кам-кўстсиз ҳаёт кечирдик. Музаффаржон акам ҳамма одамлардан бошқача эди, унда илоҳий бир нур бор эди... эвоҳ, шундай одамга ҳам ўқ узадиларми?!

**Рустамова Гулҳаё, Музаффаржоннинг қизи (14 ёшда) спорт коллежи талабаси:** — Дадамни жуда яхши кўрар эдим. Дадам ҳаммага меҳрибон эди. Ҳамиша кулиб турар эдилар. Дадажоним мардларча ҳалок бўлди. Юрти учун жонини фидо қилди. Бу дунёда ҳамма дадалар менинг дадамдан ўрناق олсин, ўз касбига содиқ бўлсин. Худо хоҳласа мен ҳам дадамга ўхшашга ҳаракат қиламан, лекин дадамга ўхшаш учун бутун умрим ҳам камлик қилади. Мен дадамга бир шеър ёзган эдим:

*Соғиниб боқаман суратингизга,  
Ҳамма тан бергандир журъатингизга.  
Оқ кабутар бўлиб, сизни излайман,  
Юлдузлардан, ойдан сўраб, бўзлайман.*

*Уйқудан уйғониб турсам эрта тонг,  
Ёнимда кўрмайман сизни, отажон.  
Онамни юпатиб юраман ҳар он,  
Ўзим-чи, беркиниб йиғлайман ҳамон.*

*Аллоҳдан доимо илтижо қилиб,  
Дуога қўлимни ҳар кун очгайман.  
Қабрингиз ҳамиша нурларга тўлиб,  
Раббимнинг раҳматин сизга сўрайман!*

Дарди, қайғуси ҳам отасини, ҳам қизини шоир қилиб кетган Музаффаржонни, ёвлар отган ўқ ўлдира олгани йўқ. Унинг номи мангулик тарихининг зар варақларига битилган. Ҳадемай қонли майдонда мангулик олови ва Музаффаржон яшаган кўчада подполковник Музаффаржон Рустамов номи порлаб туради.

## БОТИРИ КҮП ЭЛАТ ЁВГА ЭГИЛМАС



Капитан **Санжарбек Хамзаевич Маҳмудов**, 1976 йил 23 январда Андижон вилоятининг Андижон туманида туғилди. У Андижон Иқтисодиёт муҳандислик институтида сиртдан ўқиш билан бирга вилоят ИИБ ўқув марказини битириб, ИИБ Ижтимоий ва молиявий бўлими тафтиш бўлинмаси тафтишчиси бўлиб ишлаган.

Оддий аскарликдан капитан унвонигача етиб борган Санжарбек билими, меҳнатсеварлиги ҳамда касбига бўлган меҳри туфайли вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакили, ушбу хизматнинг коррупция, рэкет ва товламачиликка қарши курашиш бўлими тезкор вакили каби лавозимларда ишлаб, маҳорат кўрсатган эди.

... Тўрт тарафи тоғларга туташ Андижонда гул фасли, баҳор яна бошқача келади. Шаҳарлар, қишлоқлар оралаб кетган мангу яшил арчалар ёнига баҳор ўзининг гуллари билан келиб қўшилади. қадрини билган лолалар бойчечак ортидан туриб, чўққиларга «чиқади». Қиш бўйи тоқат айлаган кўнгиллар уларнинг ёнига шошгиси келади. Табиатни, гулларни, дарахтларни, спортни жону дилидан севган Санжарбек ҳам таътилини май ойида олмоқчи, оила аъзолари билан тоғ бағрига, майсалар қучоғига кетмоқчи эди. Қирларда оёқяланг югуриб:

*Мен суйиб гул узсам эмасман жаллод,  
Мен узмаган гуллар қилсинлар фарёд!*

дея ҳайқирмоқчи эди... Аммо...

Санжарбек Маҳмудов Андижон туманида зиёли оилада дунёга келди. Отаси — олий тоифали жарроҳ, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Ҳамза ака Маҳмудов қарийб чорак аср Андижон тиббиёт коллежини бошқарди. Онаси Маҳбубахон опа бутун умри давомида ёш авлодга тарих ва ҳуқуқ сабоқларини ўргатди.

Уч ўғил, бир қизни тарбиялаб ўстираётган бу оилада фарзандлар тарбияси биринчи даражали иш эди. Уч оғайни ботирлар бир-бирига ва ягона қиз Мавлуда-хонга, ота-онасига меҳрибон эдилар. Бир-бирларининг ўқишларини назорат қилар, уйдаги жиҳозланган спорт залида тинимсиз машқлар қилишар, бир-бирлари билан инглиз тилида сўзлашар эди. Бу оилада ўсаётган фарзандларга «Ҳакан» қишлоғидаги маҳалла, кўни-кўшнилари ҳавас қилишарди. Ҳамиша кўли кўксиди, бир-биридан чиройли, кучли, одобли, соф кўнгил фарзандлар маҳалланинг, қолаверса, жамиятнинг ҳам кўркидир. Уч ўғил ҳам спорт устаси.

Катта ўғил — Сарварбек — Ички ишлар вазирлигида катта тезкор вакил, майор, асл касби шифокорлик, фан номзоди. Учта олийгоҳни тамомлаган.

Бизнинг қаҳрамонимиз Санжарбек — капитан, Андижон вилоят ИИБда коррупция, рэкет ва товламачиликка қарши курашиш бўлимининг тезкор вакили. Андижон Иқтисодиёт муҳандислик институтини тамомлаган, олий маълумотли ҳуқуқшунос дипломини олишига бир ой муддат қолган эди.

Учинчи ўғил Илҳомжон — ҳуқуқшунос, Андижон шаҳар прокуратурасида ишлайди. Қизлари Мавлуда-хон — врач, акушер-гинеколог.

Шундай оилага ҳавас қилмай бўладими?!

Уч паҳлавоннинг отаси Ҳамза ака ҳам спорт устаси. Ўғиллари билан бемалол куч синашади. Ҳали-бери ўғилларидан енгиладиган эмасди. Яна ким билсин, балки шерюраклари отасини авайлашар...

Ота-онанинг кўнгиллари тўқ, ғамлари йўқ, орзулари бисёр эди...

\* \* \*

Санжарбек осойишталик посбони бўлишни болаликдан орзу қиларди. Аммо ҳаётда орзу ҳамиша ҳам ушалавермайди. Ўрта мактабни тугаллагач, Санжар ҳарбий хизматга чақирилди. Сўнг Андижон муҳандислик институтига кирди. Олий таълим муассасасини тугаллаши билан ички ишлар идорасига қабул қилишларини сўраб билдирги ёзди. Бошланғич тайёрлов курсини ўтагач, С. Маҳмудовга старшина унвони берилди. У Андижон вилояти ИИБ Молия-иқтисод бўлими тафтишчиси этиб тайинланди. Бу вазифада ёш ходим 2001 йилгача ишлади. Ниҳоят азалий орзусига етди — жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси тезкор вакили лавозимига ўтказилди...

Капитан Санжар Маҳмудов ўша куни бетоб бўлишига қарамай тўпланиб қолган хизмат ҳужжатларини тезроқ расмийлаштиришга ҳаракат қиларди. Ишга берилиб кетиб, вақт қандай ўтганини ҳам билмай қолди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарса, навбатчи:

— Тезда навбатчилик қисмига тушинг, — деди.

Орадан бир неча дақиқа ўтиб, капитан С. Маҳмудов шахсий қуролини олиб, сафдошлари билан автомобилда террорчилар ҳужум қилган жазони ижро этиш муассасаси томон йўл олди.

\* \* \*

Санжарбек Маҳмудовни хизмат поғоналарида кўтарилиш кутиб турган эди. Вафодор рафиқаси Саидахон, жондан азиз ўғиллари Шохжаҳон, Азизбеклар ҳар куни йўлларига кўз тутиб ўтирар эдилар.

**Қизининг куйганига куйиб, куёв эмас ўғил бўлиб қолган Санжарбекнинг доғида ўртанган қайнонаси Ибодатхон Юсупова шундай дейди:**

— Қизим Саидахоннинг бу оилага келин бўлиб тушганига тўққиз йил бўлди. Икки фарзанди бор. Санжарбек билан бахтли ҳаёт кечиришаётган эди. У ота-онаси, фарзандларига жуда меҳрибон эди. Юрти, эли учун ўзини қурбон қилди. Бурчига, қасамёдига содиқ қолди. Ўша куни Санжарбек бетоб бўлишига қарамай, хабарни эшитган заҳоти иш жойига етиб борди ва юрт ҳимоясида бўлди.

Ҳа, Санжарбек ишга бормаса ҳам бўларди. Унга ҳеч ким чора ҳам кўрмасди. Негаки, бетоб эди. Аммо кўрқоқлик Маҳмудовлар оиласига ёт эди. Уларнинг бирор фарзандига бу иш тўғри келмайди. Отаси Ҳамзахон ака ували-жували, баракали, диёнатли оилада ҳалол нон еб, ўн бир фарзанднинг бири бўлиб улғайган. Ўғли капитан Санжарбек Ҳамзаевич ота ўғил эди.

Ривоят қилишларича, Соҳибқирон Амир Темур қаттиқ жангда севимли ўғлини йўқотади. Шаҳар четида, жангдан омон қолган бир чолни тутиб келтиришади. Чол, мен Соҳибқироннинг ўғлини кўрдим дебди. Уни Амир Темур ҳузурига келтиришибди. Чол ёвқур йигитнинг кўринишини тасвирлаб, рўй берган воқеани айтишга рухсат олибди.

— Ул йигитнинг аввал қўлларини кесдилар, — дебди.

— У инградими, оҳ дедими? — сўрабди шоҳ.

— Йўқ.

— Кейин нима бўлди?

— Оёқларини кесдилар.

— У оҳ, дедими, — хавотирда сўради Амир Темур.

— Йўқ.

— Кейин нима бўлди, — сўради шоҳ қаддини мағрур тутиб.

— Юрагини суғуриб олдилар.

— У оҳ урдими, — бетоқатлик билан сўради шоҳ.

— Йўқ, — деди қария.

— Ҳа, ўша менинг ўғлим, — деди Соҳибқирон ат-рофдагиларга гурур билан қараб. Боягина йўқотишдан букчайган қаддини кўтариб олди. Яна енгилмас Амир Темурга айланди.

Ҳамзахон ака, Санжарбек кўрқоқ бўлганида бетоб-лигини баҳона қилган бўларди. Сиз эса Маҳбуба опа билан бирга мард ўғил ўстиргансиз. Қанча кўли калтароқ жўралари ўзларини тиклаб олгунча суяшганида «Балли!» дегансиз. Амакилари, аммалари, Санжарбек ун ташлаб ўтди, гўшт бериб ўтди, байрамларда йўқлади, деса гурурлангансиз.

Санжарбек Ватан ҳимоясида шаҳид кетди. Унинг беғуноҳ тўкилган қонини туғдек кўтариб, чўққиларда лолалар очилади. Шоҳжаҳон билан Азизбек отаси каби мард бўлиб улғаяди. Кўнгли ер билан битта бўлиб ётган, мард йигитнинг беваси Саидахоннинг икки қаноти бўлади.

Мураббийлар Ватан ҳақидаги сабоқларида капитан Санжарбек Маҳмудовнинг номини суюб тилга оладилар.

*Кўрқоқлар қавмидан ботир туғилмас,  
Ботири кўп элат ёвга эгилмас,  
Юртини севмаган ўғил ўғилмас,  
Ватан сотилмайди, Ватан сотилмас!*

## МАШЪАЛ ЁНАВЕРАДИ

Катта лейтенант **Машъал-бек Ҳошимов** 1975 йилнинг

5 октябрида Андижон шаҳрида туғилган. У қисқа, лекин мазмунли умр кўрди. Андижон Қишлоқ хўжалик институтини битиргач, олий маълумотли мутахассис сифатида 2002 йил май ойидан умрининг охирига қадар вилоят ИИБ ШТБХ шахсий таркибни тарбиялаш, ижтимоий-ҳуқуқий химоя қилиш бўлими инспектори лавозимида хизмат қилди.

Ўз фаолияти давомида кўпчиликка ҳалол, самимий, меҳрибон дўст сифатида танилиб, жамоада обрў-эътибор қозонган эди. Унинг хизматлари муносиб тақдирланиб, раҳбарият томонидан кўп маротаба рағбатлантирилган. Ўлимидан сўнг «Жасорат» медали билан мукофотланган.



*Бағрингни очарсан, тупроқ бўларман,  
Сийласанг яна гул, япроқ бўларман,  
Бошимни силасанг кўпроқ бўларман,  
Осмонимсан, посбонимсан, жон Ватан!*

Бироқ, тупроққа айланишга ҳали эрта эди-ку. Машъалбекнинг ёниб, порлаб турган даври эди. Ота-онаси ёнсин-у кўкларда порласин дедими, чораси йўқларни чорласин дедими, кўксиди, кўзида ўт ёнсин дедими, ҳар қалай ширин орзулар билан унга оловнинг исмини қўйдилар.

Машъалбек Ҳошимовнинг отаси Одил ака Андижон Пахтачилик институти ўқитувчиси, касблари муҳандис-механик.

Онаси Маъмурахон Солиева шифокор, врач.

1997 йилда Андижон Қишлоқ хўжалик институтини битириб, шаҳар ҳокими ёрдамчиси бўлиб ишлаётган эди. Ички ишлар бошқармаси ходимлари ёзув-чизувга, муомалага уста, бўйи икки метрдан бир энлик зиёд алпомишсифат йигитга ҳавас билан боқиб:

— Машъалбек, сиз ички ишлар тизимида ишлашингиз керак, — деб ишга таклиф қилишганди.

Ҳар елкаси бир тоғ кўтарадиган Машъалбек ҳам дўстлари даврасида кулиб, елкаларини учуриб, савлат ҳам давлат, деб қўярди.

Олий ўқув юртида ўқиб юрган кезлари эди. Қараса, курсбоши йигит хомуш келяпти. Машъалбек унинг олдига чиқиб саломлашди.

— Нега хафасиз? — деб сўради.

— Стипендияни олиб келаётган эдим. Шаҳарлик йигитлар тортиб олишди.

— Қаерда улар?

— Билмадим, ошхона томонга бурилиб кетишувди.

Машъалбек ноҳақликка тоқат қилолмас эди. Ичи ёниб, ғазаб билан йигитларни излаб топди. Ошхонада овқат еб, ароқ ичиб ўтиришган экан.

— Кўпчиликнинг ҳақиға чанг солгани уялмадингларми? Бу пулга қанча талабалар кўз тикиб ўтирганини билмайсизларми?!

Рўпарасидаги шерсифат йигитга қараб, олтовлон шошиб қолишди. Кўпчилик эканига ишониб, бир-иккитаси ёпишиб кўргандек ҳам бўлишди. Шу заҳоти улоқтириб ташланди. Машъалбек кучли эди. Бунинг устига адолат, ҳақ у томонда эди. Олтови ҳам типирчилаб қолишди. Пулни бекаму кўст топширишди. Узр ҳам сўрашди. Талабалар ўз вақтида стипендия ол-ишди.

Машъалбек Ички ишлар бошқармасига ишга келди. хизмат пайтида ҳар бир ҳужжат аниқ, хатосиз бўлишига эришарди. Бирор жумла хато кетса ҳам, чизиб ўчириб қўяқолмай, қоғозни йиртиб ташларди. Нега ундай қилдинг десалар, «Отам, компьютер қўли-

мизда-ку», дерди. Хато ёзганларни, саводсизларни ёқтирмасди.

— Машъалбекнинг «хобби»си нима эди? — деб сўрадик онаси Маъмура онадан.

— Машъалбек аквариумдаги тирик балиқларни томоша қилишни яхши кўради.

Яна бир «хобби»си овқат, яхши овқатланиш эди. Гавдага яраша ейиш керак-да, дерди.

Бу одатини ҳамкасблари ҳам кулиб эслашади. Унинг очиқ кўнгиллиги, паҳлавон келбати, ҳазиллари ўзимизга ҳам ёқарди. Нима биландир кўнглини олгимиз келарди, дейишади.

**Аҳмаджонова Саидахон, Андижон вилояти ИИБ қошидаги «Садоқат» газетаси муҳаррири:** — Машъал ҳаммага дўст эди. У ҳаммани эшита оларди. Дардингизни тинглай биларди. Ҳақиқатни айтадиган, виждонли йигит эди. Таскин, тасалли бергувчи сўзларида ҳам ҳақиқат, адолат бор эди. Атрофдагиларга рост сўзи ва адолатли баҳоси бор эди. Ишини, касбини севарди.

Алпдек йигит кеча бор эди, бугун эса йўқ. Ҳаёт-лигида у билан иш, хизматчилик юзасидан деярли ҳар кўни учрашсак-да, ўзи ҳақида, ташвишу ўйлари, орзу-ниятлари ҳақида узоқ гаплаша олмасдик. Лекин йўл-йўлакай учрашиб қолганимизда ўзи ҳақида эмас, онаси Маъмура опанинг соғлиғидан, фарзандларининг келажагидан гапирарди. Маъмура опанинг «қанд» касали билан оғриши уни қаттиқ ташвишга соларди. «Аямни жуда яхши кўраман. Дардман бўлиб қолганидан юрагимнинг ич-ичи ачишади», — дерди юракдан куйиниб.

Ўшандан бир кун аввал ҳам хонамизга шошилиб киргани ҳамон кўз ўнгимда. Ўғиллари Дониёрбек ва Диёрбекларни бугун суннат қилдирганини, уларни шифокорлар олдидан ҳозиргина олиб чиққанини, болаларни аяси билан уйда қолдириб, ўзи ишга шошганини гапирган эди. Худо хоҳласа, кузда тўй

қиламан, борасизлар» деганди. Эртасига учрашадиган бўлиб хайрлашдик...

Машғалбек, одатдагидай ярим тунда келса ҳам, «Аям қани, соғлиғи яхшими, овқатландими», — деб сўрарди. Аяси уйғоқ бўлса, Аяжон, мен келдим, бирга овқат еймизми? — дерди.

Ўғиллари Диёрбек, Дониёрбекларни ниҳоятда яхши кўрар, хотини Умидахонга, оила аъзолари, қариндош-уруғларига меҳрибон эди.

Армия сафида хизмат қилганида ҳам ҳар хатида, «Аяжон, соғлигингиз яхшими?», «Машҳурбек акамнинг соғлиғи, кайфияти жойидами?», «Дадажон, Сизни ташвишлар чарчатмадими?», «Синглиси Муштарийга аъло ўқигин, бўлмаса хафа бўламан», «Умидахон, бу кунлар тез ўтиб кетади, ўзингизни эҳтиёт қилинг», деб ёзарди.

\* \* \*

**Йўлдошев Орифжон, подполковник, шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари:** — Катта лейтенант Машғалбек Ҳошимов билан бирга ишладик. У ўзига берилган топшириқларни мукамал адо этарди. Компьютерда ишлашни яхши биларди. Ота-онасини, оиласини, болаларини жуда яхши кўрарди. Бўш вақти топилса, улар билан бирга бўлишга ҳаракат қиларди. Ишини яхши кўрарди. Қувноқ, ҳозиржавоб йигит эди. Ҳужжатларни беҳато, аниқ тайёрларди. Маърузаларни мазмунли, ашъвий далилларга бой, таъсирли қилиб ёзарди. Орзуси жиноят қидирув бўлимида ишлаш эди.

\* \* \*

Ўша тунда, 12 майда бошлиғи унга, кеч бўлдику, нега кетмай ўтирибсиз? Эртага Хонободга боришингиз керак, уйга вақтлироқ боринг, вақт алламаҳал бўлиб қолди, деган экан.

Машғалбек маърузани тайёрлаб қўяйлик, дея компьютер ёнидан турмаган.

Сўнг... машъум қайғули тун бошланган...

Аллақачон уйига кетиши керак бўлган Машғалбек Ҳошимов ҳам постдаги дўстларига ёрдамга биринчилардан бўлиб отланганлар сафида бўлган.

Биринчилардан бўлиб, кўксини ўққа тутган. Агар яккама-якка олишсалар, ўнтаси бир бўлиб ҳам бу исми олов, жисми олов, сўзлари ўт, кўзлари ўт Машғалбекни йиқитолмасди. Хоинлар уни йиқитди. Бир дунё орзуларини йиқитди. Дунёга чақмоқ каби ёниб келиб, ёниб кетди.

Во дариг, ёниб турган машғални ҳам тупроқ остига берса бўларканми?

Ўша тун ёмғир ёғди. Кўкда чақин чақди. Ўша олов сенмидинг, Машғалбек! Ватанга садоқат тимсоли бўлиб мангу оловга айландингми, паҳлавон!

Унинг ортида Дониёрбек, Диёрбек бор. Улар Машғалбекнинг умри бўлиб яшайверади.

## ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР



Лейтенант **Ихтиёржон Равшанбекович Тошматов**, 1981 йили Хонобод шаҳрида туғилган. Ўзбекистон республикаси ИИБ Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртини битирган. Ўз фаолиятини 2003 йил июл ойидан Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ батальони махсус отряди хизмат инспектори сифатида бошлади. Ёш бўлса-да, иқтидорли, билими пухта 24 ёшли йигит тез кунда раҳбариятнинг ишон-

чини қозонди. 2004 йилнинг июлида у ушбу батальон 4-отряд командирининг хизмат бўйича ўринбосари лавозимига ўтказилган эди.

«Жасорат» медали билан тақдирланган.

— Вой бу Ихтиёрнинг тиниб-тинчимаслиги, ўйлаб топган гаплари, ҳазиллари, қизиқишлари... Биров йиглаб турганини кўрса, хафа бўлганини кўрса, дарров гапни айлантириб, фикрини чалғитиб, кулдирмай қўймасди. Ҳам руҳан, ҳам жисман кучли йигит эди. Голиблар кунда туғилганман, — деб юрарди. 1981 йилнинг 9 майида Хонобод шаҳрида туғилган эди.

Ўртоқлари билан «уруш-уруш» ўйнаган чоғларида, ҳаётда ростакам уруш борлигини билмасди. Унинг ёғоч автоматчаларидан ўқ отилмасди. Хипчиндан ясалган отига миниб, ҳаммадан ўзиб кетарди.

Ихтиёржон оилада тўнғич фарзанд эди. Доимо укаларига, сингилларига дарс тайёрлашда ёрдам берар, уларни ҳимоя қиларди. Болалигидан бир ишни ният қилдими, уни охиригача етказмасдан қўймасди. Ички ишлар ходими бўлишга қарор қилгач, спорт билан қаттиқ шуғуллана бошлади. Тош кўтариб, трена-

жёрларда ҳар хил машқлар бажарарди. 1999 йили Республика ИИБ Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртига ўқишга кирди. У фақат «аъло» баҳоларга ўқирди. Шунинг учун оширилган стипендия оларди. Укаси Элдиёр Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг Халқаро алоқалар факультетига шартнома асосида киргач, Ихтиёржон унга стипендиясидан берарди. — Олавер, укажон, мен тўла давлат таъминотидаман. Менга пул деярли керак эмас. Ҳеч ҳам ҳижолат чекма. Фақат яхши ўқи,— дерди.

Ота-инилар Тошкентда тез-тез кўришиб туришарди. Бирга таътилга чиқиб келишганида, уйда чинакам байрам бўларди. Ота-онаси баъзан уларни кўргани Тошкентга бориб турарди.

Олий ҳарбий-техника билим юрти бошлигининг ўша пайтдаги биринчи ўринбосари, полковник И. Муракаев Ихтиёржоннинг ота-онасини «Шундай ўғилни тарбиялаб вояга етказганларингиз учун сизларга ташаккур! Қанийди, ҳамма курсантлар ҳам ўқишга у сингари виждонан муносабатда бўлишганида эди...», деб миннатдорчилик билдирганди.

Лейтенант И.Тошматов ҳарбий билим юртини битиргач, Андижон вилояти ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасига ишга қабул қилинди. У махсус отряд инспектори этиб тайинланди. Орадан бир йил ўтиб, ёш, интилувчан зобитни ППХ батальони 4-отряд командирининг ўринбосари лавозимига ўтказишди.

— Лейтенант Тошматов камгап, интизомли, илмли, ўз хизмат вазифаларини яхши биладиган зобит эди, — деб ҳикоя қилади 4-отряд командири, капитан Режавали Ҳолиқов. — У кўз олдимизда зобит сифатида улғайди. Руҳан, шахс сифатида улғайиш осон кечадиган жараён эмас. Ҳар бир авлодга, ҳар бир кишига бундай пайтлари ота-боболарининг ҳаёти, босиб ўтган йўли ибрат, намуна мактаби бўлади. Айниқса, бугунги тинч замонда ҳам пайти келганда

фавқулудда мураккаб вазиятларда хизмат бурчини бажариши лозим бўладиган ички ишлар идоралари ходимлари учун катта авлод тажрибаси муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли Тошматов тажрибали ходимлардан кўп нарса ўрганишга ҳаракат қиларди. Билмаганларини сўрашдан уялмасди. Оддий одамларнинг қадр-қимматини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, жиноятчиликка қарши курашишга ҳамиша шай эди. Ҳамкасблари уни жуда яхши кўришар, қатъийлиги, ҳақгўйлиги, ўзининг ҳақлигини исботлай олиши учун ҳурмат қилишарди.

### **Тошматов Равшанбек, Ихтиёрбекнинг отаси:**

—Шу уйни қурганимизда 4—5 ёшларда эди Ихтиёрим. Ҳали бола бўлса ҳам менга ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Ҳали гишт, ҳали тош келтирарди. Мактабга фақат илм олиш учун борарди. Меҳнаткаш эди. Оиламизнинг таянчи, сингилларининг ҳимоячиси эди. Нима иш топширилса, ортиғи билан бажарарди.

Яхши ниятлар билан Нигорахонни келин қилдик. Тўйнинг ярмидан кўп ташвишларини ўғлим ўзи ҳал қилди. Айвонни ойна билан ёпамиз, ошхоналарни бошқача қилиб қурамиз, дерди. Атиргуллар, палма, банан каби турли дарахтлар, тувакларга хилма-хил гуллар экканди. Уйдагиларнинг нима нарсага орзу-ҳаваси борлигини анча илгари билиб қўярди-да, туғилган куни ўшани совға қиларди. Дастурхонни байрамонга безатарди.

Ота-бола дўстона гаплашардик.

— Дада, биринчи фарзандим ўғил бўлса, ўзингиз тарбиялаб берасиз-да. Сиз яхши тарбиячисиз. Ўғлимни генерал қиласиз-а? — дерди.

— Мен ўзингниям генерал қиламан ҳали.

— Раҳмат, дадажон.

Ўғлим форма кийди, ёнимга кирди, деб қаттиқ суюнган эканман. Ичмасди, чекмасди, ҳаром топилган пулдан ҳазар қиларди. Бокс тушарди, тош кўтарарди.

Юқорида Ихтиёржонни ҳазилкаш деган эдик. Бир куни суҳбатда тўлқинланиб шундай деган экан: «Барча ҳарбий хизматчи, ички ишлар ходимлари фарзанд кўрганларида туғруқхонадан олиб чиқишда уларга форма кийдириб олиб чиқилса қандай бўларкин? Йўргак ўрнида форма, сўргич ўрнида ҳуштак, бошида фуражка...».

Унинг самимийлигини, шўхлигини, мардлигини кўрган-билганлар шундай дуо қилишарди:

*Ишлари ўнг бўлсин йигитнинг,  
Елкаси кенг бўлсин йигитнинг.  
Кийгани тўн бўлсин йигитнинг.  
Ойлар ундан омад тилансин,  
Рақиблари куйсин, элансин.  
Бешигига ўғил белансин!*

Бу ниятлар ёниб-яшаётган Ихтиёрбекдек йигитлар учун айтилгани рост.

\* \* \*

2005 йил 13 май Андижон тарихига қон билан битилган кун сифатида тарих саҳифаларидан жой олди...

— Эрталаб Ихтиёржон одатдагидек ишга отланди, — дея ҳикоя қилади Раҳбар опа. — Ўғлимни кузатиш учун дарвозагача чиқдим. Ҳақиқа дуо қилдим, хайрли тилаклар билдирдим. Шу пайт кўшнимиз келиб:

— Ихтиёржон, хизматга бораётган бўлсанг, фуқаролик кийимингни кийиб ол. Энг яхшиси, бугун ишга бормай қўя қол. Кечаси шаҳарда тартибсизликлар юз берибди. Милиция ходимларини ўққа тутишаётган экан, — деди.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат, амаки, — жавоб қайтарди Ихтиёржон. — Агар биз, милиция ходимлари

уй-уйимизга бекиниб олсак, жиноятчиларнинг йўлини ким тўсади?

9 май куни туғилган Ихтиёржон 13 май куни ҳалок бўлди. Айти навқирон 24 ёшида. Ҳаётга чақмоқ каби келиб кетди. 26 август куни, хотини Нигорахоннинг кўзи ёриди. Худди Ихтиёржон орзу қилганидек, паҳлавон ўғил. Равшанбек ака билан Раҳбарой опа топганини тугун қилиб етиб боришди. Худди отасининг ўзи. Болам тирилиб келди, дея ҳам қулиб, ҳам йиғлашди. Муҳаммаддиёрни бағрига босиб суратга тушишди. Куйиб ётган, ўт туташган юракларга таскин бўлди чақмоқ.

— Дада, буни генерал қилиб тарбиялайсиз, — деди Нигора, эрининг гапларини эслаб...

Ҳаммаларининг юзида фахр ва табассум бор эди. Ашаддий тажовузкор тўда отган ўқ Ихтиёржонни ер юзидан ўчириб юборолмаган экан. Ихтиёрнинг бешигига ўғил беланди. Кўрасиз, ҳали от изини той босади.

## «У БИЛАН ЎТГАН ДАМЛАРИМ ДАВРОН ЭКАН»

Кичик сержант **Давронбек Улуғбекович Рўзиев**. 1982 йили Қўрғонтепа туманида туғилган. Тумандаги 10-ўрта мактабни тамомлаган. Ички ишлар идораларидаги фаолиятини 2003 йил сентябр ойидан бошлаган. У Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони 1-отрядида ҳайдовчи бўлиб ишлай бошлади. Хизмати давомида юксак интизомли эканлигини кўрсатди. Мутахассислиги бўйича катта тажриба тўплаган. Давронбек бор билими ва маҳоратини осойишталик учун сарф қилаётган эди.



«Жасорат» медали билан тақдирланган.

Марҳум Давронбекнинг изларини излаб Қўрғонтепа тумани Ички ишлар бўлимига бордик. У ерда бизга Дониёрбекни қўшиб беришди. Давронбекнинг акаси экан.

— Сизларни укам туғилиб катта бўлган уйга олиб бораман, деди. Уни бувим — аямнинг онаси катта қилганлар.

Мени дадамнинг ота-оналари тарбиялашган. Дадамни эслай олмаймиз...

Маъмуробод қишлоғига бордик. **Йўлдошева Мукаррамхон ая** (78 ёшда), газ тўлови учун кўчага чиқиб келаётган эканлар. Қўлларида ярим килогина гўшт. Эгилиб қолибди, қулоғи оғирлашибди.

— Давронбегим шу уйда туғилди. Тўрт ёшида суннат тўйини қилиб бердим. Аясини узатиб юбордим. Болажоним ўсди, улғайди, мактабда ўқиди. Қўлидан ҳамма иш келарди. 10-синфни тугатгандан сўнг дурадгор устага шогирдликка берган эдим. Сўнг бир

ярим йил армияда хизмат қилди. Кейин Асакада ўқиб келди. Ички ишлар бўлимига ишга кирди. Орзуси шу эди.

Ўн бир, ўн икки ёшларда эди.

— Юр, бир жойга олиб бораман, дедим. Қабристонга олиб бордим. Ойна ичидаги суратни кўрсатиб, мана шу киши сенинг отанг бўлади,— дедим.

Армиядан хатлар ёзарди. Уйга ким келса, ўқитар эдим.

*Ёзилганда дастурхон,  
Кўйилганда ошу нон.  
Менинг ўрнимни эслаб,  
Йиғламанг, ҳеч, онажон!  
деб шеърлар юборар эди.*

Армиядан келгандан кейин, икковлашиб мол боқдик. Молни яхши кўрар эди. Нафақа пулимни йиғиб юрдим. Мол сотдик. Йиғиб-териби тўй қилдик. Бир қора кўзни келин қилиб олиб келдик. Иккови бир-бирига мос эди. Уйимиз тўлиб қолди. Ишдан келишини кутиб ўтирардим. Формалари бирам ярашар эди. Икки бетимдан ўпиб уйга олиб кирарди. Нима ишлар қилганини айтиб берарди. Бувижон, уйингизни чиройли қилиб, таъмирлаб берамана, — дерди. Энди уйлантириб олдим, ўлигимнинг эгаси бор деб, хотиржам эдим. Етим ўсган боламнинг оғзи ошга етганда бурни қонади-я.

Воҳ, болам-а...

\* \* \*

Кўзлари ёшга тўла келинчак, қизи Моҳларойни бағрига босганча, қўлимизга дафтар тутқазди. Дафтар ичидан шеър ёзилган қоғоз сирғалиб тушди:

*«Тақдирга тан бериб қолдим-ку, жоним,  
Ғам-андуҳ, алам-ла ёндим-ку, жоним.*

*Кўзларим гўё кўр, қулоқларим кар,  
Ёлғизлик дастидан толдим-ку, жоним.*

*Бир сиқим тупроққа айланиб туриб,  
Мен сизни бағримга ололмадим-ку.  
Дардингизга дармон, шифолар бўлиб,  
Жонингизни асраб қололмадим-ку.*

*Севгига қонмаган юрагим хаста,  
Осмонга сиғмаган нурсиз қуёшман.  
Энг баланд чўққидан қуладим пастга,  
Ҳарсанг эдим, энди бир парча тошман.*

Хоразмлик, менга ўхшаган бева, бахтсиз Роҳила Маткаримова исмли келинчак экан. Менинг дилимдаги гапларни ёзибди», дея кўзларидан ёш томчилади. Нилуфархоннинг дафтариани варақлай бошладим:

«Мен, Омонбоева Нилуфар Исмоилжон қизи, ота-онамни хоҳиш-истаги билан ўзлари таниган бир оилага келин бўлдим.

Тўйимиз 2003 йили 4 октябрда бўлиб ўтди. Тўйдан олдин 1 мартагина учрашдик. Турмуш ўртоғим Рўзиев Давронбек Улуғбековичнинг отаси Рўзиев Улуғбек Собиржонович 1985 йилда 27 ёшида вафот этган экан. Улардан 2 ўғил — 5 ёшлик Дониёрбек ва 2 ёшли Давронбек қолган экан. Дониёрбек акам амакилари кўлида вояга етиб, Тошкент Давлат Юридик институти тамомлаганлар Ҳозирда, укасининг вафотидан сўнг ИИБда у кишининг ишларини давом эттирмоқда.

Давронбек Андижон вилояти ИИБга қарашли ППХ ва ЖТСБ батальони 1-отрядида милиционер ҳайдовчиси лавозимида ишлаётган эди. Тўйдан сўнг биз аҳил, бахтли оила бўлиб яшай бошладик. Оиламизда турмуш ўртоғимни чақалоқлигидан тишида тишлаб, катта қилиб, ёлғиз ўзи тарбиялаб, вояга етказиб, ўқитиб, уйлаб-жойлаган бувимиз билан бирга яшардик. Давронбек тўйимиздан бир ой олдин ишга қабул қилинган экан, тўйдан сўнг уч кун ўтиб, ишга отланди.

У ўз ишига содиқ ва касбидан фахрланарди. «Ишдан келганидан сўнг, формамни яхшилаб тозалаб, қилич-дай қилиб дазмоллаб қўй, кўча-кўйда одамлар, бошлиқлар озода кийимимга қараб муомала қилади, уст-бошга қараб ким эканлигимни биледи», деб так-рорлар эди.

Давронбек ҳаётда жуда ҳушчақчақ, кўнгли очиқ, ҳар қандай инсон қалбига йўл топа олар, кишининг кўнглига ботадиган сўз айтмасди. «Кўнгли мисоли бир ойна, дарз кетдими, ҳеч қачон тикланмайди», — дер эди.

Ишдан қайтаётганида маҳалланинг бошидан бошлаб, каттаю кичик билан салом-алик қилиб, уйига хурсанд, юзида кулгу билан кириб келарди. Менга худди ёшликдан бирга ўсгандек, «Нилу» деб мурожаат қиларди. Бувимизни жонидан ортиқ кўрарди. Менинг халқ ичида юришимга бувим сабабчи. Бир кўз билан боққан, етимлигимни билдирмаган. Бувимдан умримнинг охиригача миннатдорман, кўлимдан келса бошимда олиб юрсам, — дерди. Бувимнинг ҳар бир сўзини қонундек қабул қилиб бажарарди.

2004 йил, 17 июлда қизимиз Моҳларойим дунёга келди. Дадаси уни жуда яхши кўрарди. Мен биринчи фарзандимиз ўғил бўлса эди, деб гап очганимда, худога шуқр қилсанг-чи, ҳаш-паш дегунча ўзингга сирдош бўлиб қолади, Аллоҳ берса ўғил ҳам бўлар» деб овутганди.

Қизимизга туғилганлик гувоҳномасини олиб келганда шундай қувонгандики, буни сўз билан таърифлаб беролмайман...

«Нилу, қара қизимизга Улуғбекова Моҳларойим Давронбек қизи деб ёздирдим! Бу Улуғбековлар сулоласининг биринчи фарзанди бўлди», деб роса сакраган эди. Кейин тушунсам, қайнотам дунёдан ўтган бўлсада, унинг номини давомчилари борлиги учун қувонган экан.

Биз дунёда энг бахтли оила бўлган эдик десам, тўғри бўлар. Ҳар гал байрамлар арафасида казармада бўларди.

Гоҳида хафа бўлиб, «қўшнилариимиз доимо оиласи билан бирга, байрамни нишонлаб, боғларга сайрга чиқади. Сиз бўлсангиз доим ишдасиз. Бизни ҳам ўйланг», дердим. «Давлат одами бўлсам, мен ишламасам, дўстларим ишламаса, халқни ким ўйлайди. Ахир тинч ўтиришингизга биз сабабчимиз-да. Худо хоҳласа нафақага чиқсам, сени роса айлантираман», деб кулар эди.

Войбўй, унда мен кампир, сиз чол бўлиб невараларимиз билан ўралашиб қоламиз-ку», десам, «Сени невараларинг билан бирга ўйнатаман» дер эдилар.

Афсус, орзулари армон бўлиб қолди...

Ўша мудҳиш тунни эсласам, жунжикиб кетаман, гоҳида ҳаётдан кўнглим совийди. Шундай кезларда хаёлимда: «Мен ҳеч қачон қизимни етим қилмайман, етимликни мен тотганман», деб кўзидан дув-дув ёш келган турмуш ўртоғим гавдаланади. Баъзан ёшлик, болалик даврларини эслаб қоларди.

... Болалигимда дўстларимникига борсам, дадалари пул бериб ўртоғинг билан музқаймоқ олиб энглар, деб ўғилларини бағрига босиб ўпганларида, музлаб, оёқ-қўлим ишламай қолаётганга ўхшардим, — деб эзиларди. Менинг отам йўқ бўлса ҳам, бувим, амаким, тоғаларим ўкситмасликка ҳаракат қиларди, аммо бошингда зар сочса ҳам ўз отангни бир марта бағрига босганига етмайди, қани эди бизнинг ҳам дадамиз ҳаёт бўлиб, бир оила бўлиб, дастурхонда ўтириш насиб этса эди, — деб йиғлардилар.

Қисматни қарангки, фарзанди ҳам бир умр отасини қўмсаб ўтишга маҳқум этилди. Во дариф, қайси гуноҳларимиз учун бу синовларга дучор бўлдик? Яратганга шукр, отасининг номини давом эттиргувчи қизимиз бор.

Ўша, 2005 йил 12 май куни хизмат вазифасини бажариб, кундузи ўнлар чамасида доимгидек, юзида кулгу билан турмуш ўртоғим уйга кириб келди. Овқатланиб:

— Сизларга ҳеч нарса керак эмасми, — деб сўради.

— Ҳамма нарса етарли, — дедим.

— Озроқ дам олай, — деб уйга кирган эдилар.

Ёнларига кирсам:

— Нилу, мен ўқишга кирмоқчиман, Хонободдаги ҳуқуқшунослик ўқув даргоҳига бориб, маслаҳат олиб келдим. Эртага ҳужжатларимни олиб бориб топшираман, — дедилар.

— Яхши қилибсиз, ўқишингизни давом эттирсангиз, яхши-да, — дедим.

Соат 16 да овқатланиб, кийиниб, қизини кўтариб олиб, ишга отландилар.

— Нилу, атирдан кўпроқ сепгин, йўлда қизлар оҳ, деб ҳидлаб қарашсин, — деб ҳазиллашдилар.

Шундай келишган барваста, оппоққина йигитга ким ҳам қарамайди, деб рашк аралаш ўйладим. Қизини кўтариб кўчага чиқиб кетди. Орқасидан кузатиб чиқдим.

— Нилу, қара, менинг қизим «Дада» деяпти. Асалимга шоколад олиб келаман. Мени яхши кўради, — деб кулди.

— Мени опа дейдими?

— Сени «Нилу» деса ҳам жон де, — деганича қизини ўпиб кўлимга берди. Бу унинг сўнгги сўзлари экан.

У билан ўтган дамларим ширин тушга ўхшайди...

## МЕН ТИРИКМАН, ОНАЖОН!

Кичик сержант **Жасурбек Ахмадуллаевич Эргашев.**

1981 йил 25 июнда Андижон вилоятининг Кўрғонтепа туманида туғилди. Хонободдаги техника-иқтисодиёт коллежини битирган бўлса-да, болалиқдан кўнгил қўйган соҳаси — ички ишлар ходими бўлиш орзуси уни тарк этмади. У вилоят ИИБ ўқув марказида билим олиб, 2003 йил 3 октябрдан вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ баталь-



они 3-отрядида инспектор-кинолог сифатида иш бошлади. Кичик сержант Жасурбек касбини қадрлар, дўстлари орасида обрў-эътиборга эга, орзулари кўп йигит эди. Ўлимидан сўнг «Жасорат» медали билан мукофотланган.

Ўзиям Жасур деса дегундай йигит эди. Дарвозадан кириши билан ити югуриб келиб, туфлисини ялар, ирғишлаб турли мақомлар қилар, бир хуштак чалиб қўйса, куркаю жўжалари пилдираб келиб, ўз тилларида суюнишар, сигир-бузоқлари, товуқлари яйраб қоларди.

Табиатни севиб ардоқлашини, гулларга меҳрини айтмайсизми?! Уни гуллар ҳам танирди. Томорқасидаги, гул туваклардаги гулларнинг ёнидан ўтса борми, ўзларича чарақлаб кетишарди. Инсон зотига меҳрини қўяверинг. Ўзи уч оиланинг ардоғида ўсди. Икки ойлик бўлганида аяси Инобатхон ишига қайтди. Дардақ пахта тайёрлаш пункти ҳисобчиси эди у. Уйи пункт яқинида жойлашган Салтанат буви уни парваришлар, болагинамнинг боласи, деб эркалар, аяси уч маҳал эмизиб берарди. Суҳбатдошим Жасурбекнинг бувиси **Абдуллаева Салтанат ая** 74 ёшда. 36 йил сутчилик фермасида меҳнат қилган, юзлари нурли аёл.

— Набирам Жасурбегим бошқача эди. Ҳаммани яхши кўрарди. Ҳеч ким билан «сен-менга» бормаган. Умрида чекмаган. Ичкиликни ёмон кўрарди. Сал хафа бўлсам, бувижон, нега жимсиз, бурилишда қурилишми, ёки қурилишда бурилишми, — деб, қизиқ гаплар айтарди. Бўйи бастига, одобига қараб кўзим қувонарди.

**Марғуба Эргашева (84 ёшда), Жасурбекнинг бувиси:**

— Иккинчи жаҳон урушида қатнашганман. Орден, медалларим кўп. Жасурбек ўғлим Аҳмадуллонинг тўнғич фарзанди. «Болам, яхши хизмат қилсанг, солдат бувингга ўхшаб, орденлар оласан», дердим.

Ўқишларинг қалай, десам, бешдан ками йўқ, — дерди. Армияда, ўқишида бошлиқларидан фақат мақтов хатлари олганмиз. Келсам, энажоним, яхшимисиз, деб уйга кўтариб олиб кирарди. Ҳазилкаш эди.

\* \* \*

— Ая, хафа бўлмасангиз бир гап айтай, — деди бир куни Жасурбек. — Синглим Камолахон тўрт ўғилнинг ичида биргина қиз. Укаларим худо хоҳласа ўз йўлини топиб олишади, йигитлар. Аммо қиз бола ҳам бир касбнинг бошини тутиши керак. Бирор касбга йўналтириб қўяйлик, илтимос, ўқитайлик. Ўзим хабардор бўлиб тураман.

Шундай қилиб, Камолахон академик лицейнинг ҳуқуқшунослик бўлимида ўқий бошлади.

\* \* \*

Жасурбек жўраларининг орасида даврабоши эди. Ким тўй қилмоқчи бўлса, Жасурнинг вақтини сўраб, тўй кунини белгиларди. Ўша мудҳиш воқеадан ўн беш кун олдин ҳам никоҳ тўйида даврабоши бўлган эди. Тўйни чиройли ўтказди. Ҳеч кимнинг кўнгли қолмади.

Қўшиқ, рақс, қутловлар меъёрида бўлди. Келин-куёвга Жасурбек ҳам ўз тилаklarини билдирган эди:

*Илоҳо, бахт ўпсин пешонангиздан,  
Омад ҳар кун кирсин остонангиздан.  
Давлат ортингиздан эргашиб юрсин,  
Дўстлар аримасин кошонангиздан.*

\* \* \*

**Инобатхоннинг тўнғич ўғли Жасурбекдан умидлари катта эди. Оҳ урса оғзидан ўтлар чиқади.** — Иштиёқ билан шу касбни танлаган эди. Шаҳарга бориб ишласам, қишлоғимиз Дардаққа янгиликлар олиб келаман, қишлоғимнинг обрўйини кўтараман, — дерди.

1981 йилнинг 25 июни тонготарида туғилган эди. Тақдирни қарангки, ўғлимнинг ягона зурриёди Диёрахон ҳам 25 июн куни саҳарда туғилди. Ажабо вазни отаси каби 3 кг 700 гр бўлиб туғилди. Ўзим ҳисобчи бўлсам ҳам яратганнинг ҳисобларига ҳайрон, лол қоламан.

Ўғлимнинг 25 баҳорини, момолари, дадаси, амма-холалари, тоға-амакилари, хотини, қизи, синглиси, мен, жўралари унинг ўзисиз нишонладик. Ўғлимнинг орзулари кўп эди, фикрлари тўғри, ўткир эди. Отаси ва менга ҳамиша далда бериб, укаларимни уйлашда ва жойлашда ёнларингизда тураман. Топганим ҳам, тутганим ҳам сизларники, дерди.

2003 йилнинг 20 июл куни Гулчеҳраҳонни келин қилиб келтирдик. Бир йил ўтар-ўтмас қизлари Диёрахон дунёга келди. Жасурбек қизини ер-қўкка ишонмасди, эркалатарди. Менинг қизим дунёда энг ақли, энг чиройли, ягона қиз. Қаранг, бувижон, ростдан ҳам чиройли қиз-а, — дерди.

Ўзи салгина тоби қочиб, касаллик варақаси очилган эди. Шунга қарамай, йўлга отланди.

— Ҳамкасбларим 9 май куни постда туриб чарчаб қолишгандир, бир хабар олиб келай, энди тузукман,

деди. Бир пайт хотини, қизи, укаси Моҳирбекни ҳам кийинтириб, булар ҳам бир шаҳар айланиб келсин деб олиб чиқиб кетди.

**Синглиси Камолахон:** — Акамга ўхшаган йигитлар дунёга кам келади. Инсон тугул итлар билан тил топишарди. Итларни ўзи ўргатарди. Мени «Демблой» деб чақирарди. Акам уйланиб, ишга жойлашиб, Андижонга кўчиб кетаркан, мени ҳам олиб бориб ўқишга жойлади. Қизи Диёрани ҳеч кимга ишонмас, меҳрига сира тўймас эди.

9 май куни мени ош қилиб кутиб олишди. Ён дафтарига янги кўчириб олган шеърларини ўқиб берди. Биз маза қилиб эшитдик.

*Азизам, мен сизни жуда кўп кутдим,  
Субҳидам, шабнамда азоблар ютдим.  
Азобларим бисёр, дунёда танҳом,  
Интизорлик майин қўлимда тутдим.  
Вафо уйин қурдим, мен йигит бўлиб,  
Орият мардликни муқаддас билиб.  
Яхшиларнинг паноҳида бўлинг сиз доим,  
Умрингизга умр қўшсин худойим!*

\* \* \*

*Мен сени йўқотдим, излайман ногоҳ,  
Агар чин севгимни санасанг гуноҳ.  
Ушбу сўзларимдан бўлиб қўй огоҳ,  
Бахтли бўлолмайсан менсиз, маликам.*

*Мен сени йўқотдим, айирди фироқ,  
Юрагим ёришмас, ёқсанг-да чироқ.  
Ўзга бахт ахтарма, топсанг ҳам бироқ,  
Бахтли бўлолмайсан, менсиз, маликам.*

*Мен қолиб, ўзганинг ғамин есанг ҳам,  
Юзингга кулгуни ниқоб қилсанг ҳам.*

*Мана, ўз бахтимни топдим, десанг ҳам,  
Бахтли бўлолмайсан, менсиз, маликам!*

Акам ўша куни бизга янги чиққан қулупнай, помидор, бодринг олиб келиб берди. Биргалашиб тановул қилдик. Эртага қишлоққа кетамиз. Аямга кўйлак, қулупнай оламиз, деди. Чиройли кийинди.

— Қалай, дурустми, — деб сўради кетатуриб.

— Жудаям ярашди, — дедик келинойим иккимиз.

— Унда бошлиқларимга ёқар эканман, — деб чиқди.

Яна қайтиб келиб:

— Аям оберган пайпоқни беринглар, — деди ва алмаштириб кийиб олди.

Аяжонимнинг меҳрини яна бир бор ҳис қилгиси келдим. Қизини эркалиб, чиқиб кетди...

**Инобатхон ая:** — Уйга боламнинг жасадини келтиришди. Йўқ, бу менинг болам эмас, адашгансизлар! — дедим. Ўғлим хотини, қизи, укаси билан бирга чиқиб кетувди. Ўзимни йўқотиб қўйдим. Аммо начора тақдирга тан бермай илож йўқ экан. Мен тан олмаган кулфат остонамга кириб келди.

Унинг ишлари, орзулари жуда кўп эди. Бу менинг болам эмас, деб йиғладим. Ҳали яхши кунлар келади, қишлоғимга янгиликлар олиб келаман дер эди болам бечора!

Яна бир қарагим келди. Кўкрагида болалигидан қолган чандиқ из, мен Жасурбекман деб турарди. Ҳушим бошимдан учди. Боламини тупроққа қўйдик. Ёндим, куйдим, фиғоним фалакка ўрлади...

*Куйдим, ёндим, дунё менда хунинг борми,  
Жабру зулм, бўйинг борми, энинг борми?  
Яраландим ёвларнинг ёй, камонидан,  
Менга деган биттагина кунинг борми?!*

Дори билан мени ухлатиб қўйишибди. Ярим тунда чўчиб уйғондим. Гумбурлаган товушларни эшитиб,

ҳовлига чиқдим. Осмонни иккига бўлиб чақмоқлар чақар, тинмай жала қуярди. Вой, боламнинг ити ёмғирда қолибди, деб кичик ўғлим Мансурбекни уйғотгунимча бўлмай, ит ёнимга келиб, суйкалиб турибди. Жасурбек итини боғламоқчи бўлса, юр, галстугингни боғлаб қўйай, — дерди.

Тонг отгач, дадасига итни боғлаб қўйинг, бугун одам кўп келади, ўралашмасин, дедим.

— Итни ким ечувди, — дедилар.

Тасма қалин, темирлари бор, уни ғажиб узиб бўлмасди. Ярим тунда бориб ҳеч ким ечгани йўқ. Ҳайрон бўлдик. Бу Жасурбегимнинг иши деб ўйладик.

Боламнинг ҳамкасблари жуда кўп келишди. Бири менга насиҳат қилди:

— Ая, ёмон қилиқларини эслаб, ўзингизни совутинг, кўп йиғламанг.

— Қайси ёмон қилиғини эслай, дадаси, — дедим. —

Сиз билсангиз айтинг. Байрамларда кўйлак олиб берганиними, рўмоллар, нимча келтирганиними? Меҳрибонликлариними? Ёнимга кириб, мадад бўлганиними? Уйга келса, жўралари хабар топиб, байрам бўлиб кетишиними?

Боламнинг гуноҳи нима эди?! Бегуноҳларни қора қонга белаш, ўққа нишон қилиш соғлом одамнинг ишими?! Кўзини ҳокимият, тахт ҳаваси тутган исёнкор гуруҳ қанча Жасурбекдек ўғлонларнинг онасини қақшатди. Жасурбек итига ёт деса ётарди, тур деса турарди. Жонивор овқат ҳам емади. Дарвозага бошини қўйиб, мўлтираб йиғлади. Охири ўлиб қолди. Куркалари ҳам ўлиб қолди. Мана мен юрибман, сояга ўхшаб. Жасурбек фақат тушларимга киради, ая, йиғламанг, мен тирикман, — дейди.

*Воҳ, бу ўқнинг излари-я, алам бўлди,  
Юрак тўла оҳлариму нолам бўлди.  
Яраландим, пораландим, адо бўлдим,  
Боламни бир тушда кўрсам, байрам бўлди.*

## ЙЎЛБАРС ЮРАКЛИ ЙИГИТ ЭДИ

Лейтенант **Анваржон Аҳмаджонович Жўрабоев**, 1982

йил 11 мартда Андижон шаҳрида туғилган. 1999 йил 10 августдан ички ишлар идоралари сафида бўлган. 2003 йили Ўзбекистон Республикаси Ёнгин хавфсизлиги олий техника мактабини тамомлаган. 2003 йил августидан 2005 йил 13 майгача Андижон вилояти ИИБ ЁХБ ёнгин хавфсизлиги қисмлари жанговар тайёргарлигини ташкил этиш



ва мувофиқлаштириш бўлими муҳандиси лавозимида хизмат қилган. Вафотидан сўнг «Жасорат» медали билан мукофотланган.

— Ассалому алайкум! Аяжон, соғиниб кетдим, — Гулмира ўзини қайнонаси Маҳмудахоннинг кучоғига отди!

Ўн саккизга кириб-кирмаган бу ҳуркак «оҳу»нинг юраги дук-дук урар, бағрини чўғдек ёндираётган азоблардан ўзини қаерга қўйишни билмас эди...

— Воҳ, бечорам, инидан айрилган қушчам — Анваржон ҳаммамизни куйдириб кетди. Бу ташна боқишларингга тоб беролмайман, — деб ўйлади она.

— Уйингга кирақол, болам...

Гулмира ёш умрининг етти ойини ўтказган келинчаклик хобхонасига учиб кирди. Гўё Анвар акаси, кириб келаётгандай, умидвор кирди бу хонага. Қайнонаси ортидан секин эшикни ёпиб қўйганини сезмади ҳам... Анваржоннинг деворга илинган кийимларини кучоқлади. Қайноқ лабларини портретга босди. Улар жим, улар совуқ...

Анваржоннинг қўллари теккан деворларни силади, болишларни, кўрпаларни ҳидлади.

*Не қилай, чинордай кучли эмасман,  
Тоғдай улкан, ойдай кўкда бўлмасам.  
Не қилай, меҳримни жойлаб кўксингга  
Асирангни йўқлаб бир бор келмасанг!*

*Не қилайки, соғинч йиқса чинорни,  
Ойда ҳам, тоғда ҳам бўлмаса тоқат.  
Шу заиф ҳолимга ҳижронларингда  
Қандай жон сақлайман, ахир муҳаббат?!*

Йиғлаб, ўзига келди. Хона топ-тоза, ҳеч жойда чанг йўқ. Бечора, аяжоним, ҳамма жойни тозалаб қўйибдилар. Кўз ёшларини артиб, ҳовлига чиқди.

— Аяжон, дадам қанилар? Укаларим қани?

— Даданг иш билан чиққанлар. Укаларинг ўқишдан келиб қолишар.

— Тушликка нима қилай?

— Ўзингга нима ёқса...

— Ҳозирча мастава қилай, кечкурунга ош қиламан.

Анвар акам яхши кўрардилар...

— Ўзинг биласан...

Гулмира овқатга уннаб кетди, бу орада ҳовли юзини супурди. Полларни артди. (Анвар акаси озодаликни яхши кўрарди.)

Қайнотаси, Аҳмаджон ака Жўрабоев дарвозадан кирибоқ, келинига кўзи тушди.

— Ассалому алайкум, дадажон!

— Э, э, менинг она қизим келибди-ку. Яхшимисан, кудаларим яхшими? Хуш келибсан, қизим...

Қайнота тўлқинланиб кетди, ҳадемай бир йил бўлади боламнинг кетганига. Келиним бечора умидини узолмайди. Яхши оиланинг фарзанди барака топгур! — дея ўйлади Маҳмудахон. Сарварбеклар келиб, янғасини кўриб, суюниб қолишди.

Келинчак, кечки ош ейилгандан сўнг, одатдагидек, ўзининг хобхонасида қайнонаси иккови тунадилар. Эрталабгача иккови Анваржоннинг қилиқлари,

одатлари, кийинишлари, гап-сўзларини ёдлаб чиқишди...

Эрталаб, тул келинчак, оёқларини зўрға судраб, орқасига қарай-қарай уйига кетди...

\* \* \*

Анварбек Жўрабоевни жўралари йигитнинг гули дейишарди.

*Фанимлардан баланд яшаши учун,  
Ўз юрти, гулбоғи, бўлсин йигитнинг.  
Кучига тан берсин бу кўҳна очун,  
Белида белбоғи бўлсин йигитнинг.*

дея шоир Анваржон учун айтган бўлса керак. Бўлгандайям каратэнинг қора белбоғи бор эди белида! Ўзбекистон спорт устаси эди. Андижон вилоят Ички ишлар бошқармасининг Ёнғин хавфсизлиги бўлимида бир хона бор. Бу хонада Ўзбекистон байроғи мағрур турибди. Негаки, бу байроқ Венгриянинг Будапешт шаҳрида ўтказилган каратэчилар мусобақасида ўзбек ўғлони Анварбек Жўрабоев шарафига кўтарилган эди. 24 мамлакат ичра Ўзбекистон мадҳияси мағрур жаранглаган эди. Икки марта каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони эди. Мактабда фақат «аъло» баҳоларга ўқиганини, фаол, одобли бўлганини Андижон шаҳридаги 30-мактабдан берилган фахрий ёрлиқлар айтиб турибди.

Унинг бешиги бошида аллалар айтган, неварасининг бўйларига қараб кўнгли ўсган **бувиси Тўтихон ая** шундай дейди:

— Неварам оғир, босиқ, меҳнатсевар, кучли йигит эди. Кўли очиқ эди. Бева-бечораларга, ожизларга ёрдам беришни яхши кўрарди.

Дарҳақиқат, ўнлаб нуфузли мусобақаларда қўлга киритган қимматбаҳо совринларнинг бирортасини уйга келтирмаган, Анварбек. Венгрияда совға қилинган

телевизор ва магнитофонни ўзи ўқиган мактабга совға қилди. Қолганларини ўнг қўли берса, чап қўли кўрмай қолган. Биз ҳам билмаймиз. Кубоклар, туҳфалар берилгани аниқ, аммо. Анварбек уйдагиларнинг кўнглини овлашни яхши кўрарди. Келишида албатта бирор совға кўтариб келарди.

Чеварлик хунарини ўрганган синглиси Гулнорахонга: — Синглим, сиз одобли қизсиз, биламан. Нимаики муаммонгиз бўлса, дадамни, аямни қийнаманг, бировга илтимос қилманг, ўзимга айтинг, — дер эдилар. 12 май куни бозорни анча айланиб, Гулнорахонга кўғирчоқ, укаси Сарварбекка тўп совға қилганди. Кўғирчоқнинг тугмачасини босса, сирғалари, кўзлари нур сочиб, кўшиқ айтиб, йўрғалаб кетади...

**Сайдалиев Саидолим, полковник, Андижон вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи:**

— Анварим зўр йигит эди-я! Воҳ, ичларим куйиб кетади. Одоби, маданиятли, паҳлавон, билимдон бола эди. Олий маълумотли муҳандис эди. Тошкент Ёнғин хавфсизлиги мактабини битириб ишга келган олти йигитнинг ичида Анваржон ажралиб турарди. Биринчи суҳбатдаёқ вилоятда, ўзимизда ишга олиб қолдим. Менга ўзини тутиши, билими маъқул бўлди. Муваффақиятларидан сира мағрурланмасди, камтар, зиёли эди. Яхши кўрардим... Уни кутилмаганда масъул вазифага қўйганман. Келажагидан умидим катта эди.

Қайси хизматга юборсам, аъло даражада бажариб келарди. Кўз тегди-я, боламга. (Полковникнинг кўзларида ёш ҳалқаланади.) У ўт билан олишиб юрган йигит эди-ю?! Уни беш-ўнта йигит енголмас эди...

\* \* \*

Ўша тунда 12 майдан 13 майга ўтар кечаси, тунги 2.00 ларда дарвоза қаттиқ тақиллади. Биринчи бўлиб Маҳмуда ая чиқди. Хизмат жойидан йигитлар Анвар-

бекни излаб келишган экан. Бемаҳал ташрифлар, тревогаларни тушуниб қолган ая, ўғлини уйғотди.

### **Маҳмудахон Жўрабоева, Анваржоннинг аяси:**

— Ўша тунда, болажонимни ўз қўлларим билан уйғотиб, ажал комига юборибман-а. Тезроқ бор, бошлиқларинг кутиб қолмасин, дебман. Ярим кеча бўлса ҳам келин ўғлимни уйдан ясангириб чиқарди. Ўзи озода юрарди, болам. Бир кунда уч марта чўмиларди. Кўчага бир кийиб чиқса, келиб кийимларини яна дазмоллатарди. Янги формасини, тўйда кийган туфлисини кийиб олди. Кетаётса, меҳрига тўймай, ўзи тўғри галстугини тўғриладим, яна. Бошқа пайтлар кўчага кетаётиб, яна бир қайтиб келарди-да, ўзимнинг жаннатимни бир ўпай, — дерди. Бошқа кунлар чиқаётиб, чўнтагига конфет солиб оларди-да, кўчадаги боғча болаларга улашиб кетарди. Улар ҳам ўрганиб қолган эдилар, югурарди пешвоз чиқиб. Болаларни яхши кўрарди.

Устози, тренери Мирзаев Санжарбекка ихлоси баланд эди. Аяжон, ўғлим бўлса, Санжарбек қўямиз исмини, дерди. Тренери ҳам Анваржонни яхши кўрарди. Шу бола ичмади, чекмади, тўғри йўлдан адашмади, ишончимни оқлади, деб суярди.

Ўша куни ўғлим, аяжон, бугун ош еймиз-а, деса, болам пәрҳезда деб, бошқа овқат қилибман...Энди қачон дастурхонга ош қўйилса, болам интиқ бўлиб, емай кетгани кўзимга кўринаверади.

Боламнинг жўралари кўп эди. Тошкентда ўқиб юрган пайтида, «Билол» клубида каратэ тўгарагини бошқарган экан. У ердаги шогирдлари қанча эди. Маҳалламиз болалари ҳам келиб, бир ҳафта бўлса ҳам вақт топинг, биз билан машғулот ўтказинг, деб қўйишмасди. Мактабдош дўстлари Хуршидбек, Отабек, Жалолиддин, Тошкентда бирга ўқиган курсдошлари Бунёдjon (бекободлик), Умиджон (жиззахлик), Илҳомжон (тошкентлик), Фарҳодбек (Навоийдан), Азизбек (Фарғонадан)лар сўраб туришади.

### **Солибоев Отабек, Анваржоннинг мактабдоши:**

— Анваржон билан аввал 24-мактабда, сўнг 30-мактабда бирга ўқиганмиз. У ўқувчилик пайтидаёқ машхур эди. Турли мусобақалардан голиб қайтарди. Аълочи эди. Ҳаммамиз унга ўхшагимиз келарди. Ҳавас қилардик. Айниқса, Венгрияга бориб, чемпион бўлиб келганидан сўнг, жуда машхур бўлди. Ҳаммамиз чиқиб, гуллар билан кутиб олдик.

Қизлар ҳам яхши кўрарди. Анваржон шунча обрў билан ҳам ўзгармади. Ҳаммамизга содиқ дўст бўлиб қолаверди. Хиёнатни ёмон кўрарди. Ўзининг янги давраларига бизни олиб бориб, бу менинг ошнам бўлади, деб таништирарди. Ўзи ҳар қандай одам билан жуда тез тил топишиб кетарди. Ҳамма ошналар унинг айтганини қилардик. Ростгўй, кучли дўстимиз бизнинг жўрабошимиз эди...

### **Жўрабоев Аҳмаджон, отаси:**

— Анваржон ҳар бир ошнасини ўзига эл қилиб оларди. Қўйларни яхши кўриб қарарди. Гоҳо шўхлиги тутиб, дадажон, келинг бир олишайлик, деб мени кўтариб ерга қўярди. Каратэ бўйича Ўзбекистон спорт устаси бўлиши билан бирга, қўл жанги бўйича спорт усталигига номзод эди. Ҳеч жим туrolмасди, доимо бир иш билан банд бўларди. Талаба пайтида «Тошкент йўлбарси» мусобақасида II ўринни олган эди.

Келинимиз қизимиздай бўлиб қолди. Қизимга бирор нарса олсам, келинимга ҳам оламан. Шу одат бўлиб қолган. Кудаларимга раҳмат, ҳар ҳафта аҳволимизни сўраб туришади. Келинга кетинг, десак, юрагимиз тилинади, ўрганиб қолганмиз. Қолинг, десак, энди ўғлимиз йўқ... Уям бахтли бўлиши керак. Қийин савдолар бўлди. Ҳожа она қудамиз маслаҳатига кўндирди, келиним кетди. Тез-тез келиб, аяси, қайнисинглиси билан дардлашади. Худди Анвар акаси келаётгандай йўл қарайди.

Келинимнинг туғилган кунига қизим билан аяси сал кечга қолиб боришса, дераза тагида йўл пойлаб йиғлаб, кутиб ўтирган экан.

Баъзан, ҳасратларим шеърга айланиб қуйилиб келаверади:

*Руҳинг билан сўзлашаман,  
Осмонларга термулиб.  
Ота-ўғил қучоқлашсак,  
Келсанг, уйимга кириб.  
Ватаним деб, халқим деб,  
Кетган болам, алвидо,  
Жаннатларга, аришларга,  
Етган болам, алвидо.*

\* \* \*


Ўша қаро тун, уларга тревога эълон қилиниб, хизмат машинасида иш жойига кетишга эди. Йўлда уларни қуролланган террорчилар тўхтатишди. Ўзлари билан бирга кетишга мажбурламоқчи бўлишди. Шофёрнинг қўлига, илгариди ўтирган ҳамкасбининг оёғига ўқ тегди. Анварбек машинадан отилиб, чиқиб, уларни ҳимоя қила бошлади. Гаровга кетишга кўнмай бир ўзи 15—20 чоқли жангарилар билан курашди. Агар, орага қурол аралашмаганда, бир ўзи ҳаммасига бас келарди ҳам...

Афсуски, уларда қурол бор эди...

Аммо, қисқа умрини шону шарафларга буркаб кетди Анваржон Жўрабоев. Агар, ҳаёт бўлганида, яна қанча мамлакатларда Анваржон шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилар эди. Ўзининг шижоати билан ер юзига юртини машхур қиларди.

*Йиллар йиқолмаган минорларим бор,  
Зўрлар йиқолмаган чинорларим бор.  
Эрк учун жон берган сарбадорларим,  
Жангоҳларда қолган асрорларим бор.  
Жисм ила жонимдан сизган дostonим,  
Номингдан айланай Ўзбекистоним!*

## АЙТИЛМАЙИН ҚОЛГАН ЁР-ЁРЛАР



Кичик сержант **Илҳомжон Зокирович Турғунов** 1980 йил 13 мартда Андижон вилояти Олтинкўл туманида туғилган. 1999 йилда Шаҳрихон туманидаги 6-касб-ҳунар мактабини тамомлаган. 2003 йилнинг 1 июлидан ички ишлар идоралари сафида. 2003 йил июл ойидан Андижон шаҳар жазони ижро этиш муассасаси назоратчиси бўлиб хизмат қилаётган эди.

«Жасорат» медали билан мукофотланган.

Турли сериалларни кўравериб, муҳаббат можароларининг йиллаб чўзилишини, кечаги сериясида севаман деб, бугун бошқасининг дил изҳорига жимгина қулоқ тутиб турганига гувоҳ бўлавериб, зерикдик. Бизнинг ёшлар унақа эмас, хайрият! Кўп ҳолларда ўзларидан юз бора тажрибали, оқил ота-оналарининг айтганига рози бўлишади.

Совчилар ўзларининг маҳалласидаги ақлу одоби, чеварлиги билан танилган қизнинг эшигидан оқлик олиб қайтишганда, Илҳомжон хурсанд бўлди. Кўчаларда гаплашиб юрмаган, аҳду паймон қилмаган бўлса ҳам, чиройли, ибоси, ҳунари бор қизнинг ўзига севимли, вафодор ёр бўлишини яхши билади. Қиз рози бўлмаса оқлик беришмасди. Йигит истамаса совчилар эшик қоқиб бормасди.

Илҳомнинг яқин маслаҳатгўйи, сирдоши, опаси Саидахон ёрдамга келди. Йигит билан қизни учраштирамоқчи бўлди. Иш кунлари Андижон вилоят ИИБ 1-турма назоратчиси, кичик сержант Илҳомжон Турғуновнинг вақти йўқ. Навбатчилигидан ташқари

патрул хизматида ҳам туриб қолади. Саидахон келин тараф билан келишиб, Наврӯз кунларига учрашув белгилашга муваффақ бўлувди. Келинчакнинг ҳам ҳаяжондан юраги дукиллаб турганди. Бўлажак умр йўлдоши билан биринчи учрашув хаёлида қанча кечаларни бедор ўтказди.

Аксига олиб, Наврӯз кунлари ҳам постда турди Илҳомжон. Эҳ, хизматчилик...

— Илҳомжон, келинга узук танлаб келдим, ола-верайми, — деди аяси Ҳафизахон.

— Йўқ, аяжон, ўзим танлаб қўйибман, ўзимга, келинчакка ва яна келинаям (акасининг хотини)га ҳам оламиз чиқиб. Келинаямнинг даврида тилла узук олишлар йўқ эди, қўнгли ўксимасин, икковига бирга оламиз!

— Айланай, болажонимдан. Қачон вақтинг бўлади?

— Аяжон, эртага охириги навбатчилик куним. Меҳнат таътилига ариза ёздим. Бошлиғим имзо қўйди. Энди тўйни бошлайверасиз...

— Оллоҳга шукур, болам. Сенинг ҳам вақтинг бўлар экан...

Она ширин хаёллар оғушида тураверсин ҳозирча.

Илҳомжон яна Саида опаси билан режа тузишди.

— Келинингиз тўйгача бирор марта мени айлан-тирмадингиз, деб армон қилмасин, опагон. Шанба куни Андижонда Анвар Санаевнинг концерти бор. Келинингизни олиб вокзалга боринг. Мен охириги навбатчилигимни топшириб, таътилга чиқиб сизларни кутиб оламан, — деди.

Саидахон хурсанд, келинчак бўлмиш олдига жўнай-версин, ҳозирча.

Биз эса кичик сержант, ҳазилкаш, шўх Илҳомжон Зокирович билан танишиб турайлик. Унинг қўлидан келмаган иш йўқ эди. Суратга оларди, расм чизарди, гапни қийиб ташларди. Навбатчилик ҳам қилган, уста пахтакор, тракторчи-машинист дипломи ҳам бор. Уйда бирор нима бузилса тузатиб ташлайверарди. Инглиз

тилини ҳам ўрганган. Ошналари тўйида нукул куёв жўраликка Илҳомжонни танлашарди. Йигитнинг гули эди. Тўйларда унинг шўхликларини кўриб, манзилини орқаваротдан суриштирган қизлар қанча...

Жўралари, насиб этса ҳаммамиз Илҳомжоннинг тўйида хизмат қиламиз дейишарди.

Энди, қаҳрамонимизнинг ўзини гапиртирамиз. Қандай қилиб дейсизми? 2000 йилнинг май ойидан 2001 йилнинг охирларигача армия сафида хизмат қилган. Шунда онасига тез-тез хат ёзар ва ҳар хатнинг охирига «хатимни сақлаб қўйинг» деган жумлани қўшиб қўярди негадир. Қўлимизда элликдан ошиқ соғинч номалари. Ҳафизахон ая авайлаб сақлаган. Шуларнинг баъзиларидан парчалар келтирамиз.

«Ассалому алайкум! Дадажон, аяжон, қалайсизлар? Чарчамай ишлаб юрибсизларми? Тўйларни эсон-омон ўтказиб олдингизларми? Тинчлик билан ўтдимиз? Етишмовчиликлар бўлмадимиз? Янги келинчак қутлуғ бўлсин, сизларга! Солдат қайнисидан салом денгизлар. Иқболга ёқса яхши бўлибди-да. Тўй саҳнасини қаерга қўйдингизлар? Куёвжўра бўлиб ким чиқди? Сизлар ҳам ўйнадингизларми? Келин-куёвга қайси уйни бердингизлар? Жиянларим Тоҳир билан Икром роса маза қилишгандир? Онажоним, сизга ёрдамчи келгани яхши бўлди-да. Новвойхонани ишлатяпсизларми?»

Мендан хавотир олманглар. Ҳар куни уч маҳал иссиқ овқат, сарёғ, тухум, оқ нон еймиз. Постда турадиган кунларимиз тўрт маҳал беради. Ҳар жумада ҳаммомга борамиз. Ҳар шанбада концерт ёки кино кўрамиз.

Кечаги кун ротада катта ош қилдик. 50 кило гуручдан ош дамладик. Ҳамма тўйиб, яна ортиб қолди. Шакароб қилдик. Ҳар кишига учтадан новвой нони, чой уйдагидақа. Хуллас, келин куёвсиз тўй бўлди-да.

Хайр, кўришгунча.

*25.X.2000.»*

«... Яқинда Фахриддин деган фарғоналик бир ошнамнинг туғилган кунини нишонладик. Ош, кола, печенье-лар олдик, егани одам йўқ.

Менинг туғилган кунимни кечаси нишонлаймиз, деб бозор қилиб қўйдик. Бир бола сабзи олиб келишга ваъда бериб, тополмабди. Кечаси, Чирчиқни кезиб, охири бир раҳмдил ўзбек аёлдан тўрт дона сабзи топдик. Шу билан 2 кг гуруч дамлаб, кечаси 23.00 да ош едик. Шунақа воқеалар ҳам бўлиб туради.

Сизларни соғиниб, Илҳом».

## «САЛОМНОМА

Ассалому алайкум, мен учун азиз ва меҳрибон аяжоним! Сизни соғиниб, фақат ўзингизга атаб хат ёзсам, мени ўйлаб йиғламанг, деб юрувдим. Уй-рўзгор ишлари чарчатмаяптими? Сизга энг яхши суратимни жўнатаяпман.

Дадажоним, Саида опам, Иқбол, келинаям, Акмал, жиянларим Тоҳир, Икром, кўни-кўшни, қариндош-уруғлар, Бувам ва улар томонлар — ҳаммалари яхшими?

Кеча Ҳасан-Хусанлар келиб концерт беришди. Роса ўйинга тушдим. Қишлоқни, Дўланча гаплашишни бирам соғиндим.

Ўғлингиз Илҳом.

*2001 йил, июн».*

## «САЛОМ ХАТ

Чақирдиларни яхши ўтказиб олдингларми? Дўкон тўхтамай ишляяптими? Ғўзапояларни йиғиштириб олдингизларми? Тоҳир хат ёзишни ўргандими? Икром ҳалиям сувдан кўрқиб юрибдими? Бувамни кўриб турибсизларми? Тоғам, келинаямлар яхшими?

Аяжон, ёшликда кўп ўйнардим, автомат тутиб. Энди қаранг, ҳар кунни кўлимиздан автомат тушмайди.

Хизматдаги дўстларимга роса ўрганиб кетдим. Бир уйда ўсган ака-укалардек бўлиб қолдик. Хизмат тугагач, бир-биримизникига боришга келишиб олганмиз. Илҳомингиз».

Илҳомжон бундан ташқари, Саида опанинг туғилган кунига махсус табрик, 8-март байрами билан аяси, опаси, келинаясига чиройли гул чизилган хат, Акмалга солдатлик ҳаёти ҳақида, саботли, бардошли бўлиш ҳақида, унга атаб ажойиб, зобитлар киядиган оёқ кийими сотиб олгани ҳақида ёзган. Жўраларининг ҳаётига ҳамиша қизиқиб турган. Шавкат, Олим, Фаррух, Ҳасан-Ҳусан, Асил, Музаффар каби дўстларини қайта-қайта сўраган. Ҳаммага меҳрибон, ҳаммага керак... Яна, яна ҳар номанинг сўнгида, хатимни сақлаб қўйинг, деган илтимос.

Салкам икки йил ишлаган даврида бирор марта огоҳлантириш олмаган. Икки марта рағбатлантирилган.

**Турғунов Зокиржон ака, отаси:**

— Боламнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ эди. Қўллари тўла хунар эди. Менинг биринчи ёрдамчим эди.

**Саидахон, опаси:**

— Сирдошим, суянчим эди. Жиянларини қаттиқ севарди. Ўша куни ишига кузатиб қолдим. Йўл-йўлакай, бир «Москвич» машина ишламай қолса, устахонагача итариб боришди.

— Илҳомжон-ай, ишга кечикасан, — деб юборибман. Сўнг, «Дамас»га ўтириб, менга кутаман-а, деб ишора қилиб, хайрлашди. Мен ҳам кулиб, келинчагингни олиб чиқаман, деб ишора қилдим.

Илҳомжон ён дафтаридан: «Яхши одам кўзидан, Янги йил Наврўзидан маълум», деган ҳикматли сўз ёзилган экан. Ўзининг кўзлари хамиша порлаб турарди. Меҳр билан тўла эди.

Сўнгги навбатчилик тунида, кўкси илк учрашув орзулари, тўй режалари билан тўла йигит ғалаёнчилар отган ўқдан ҳалок бўлди.

Патнис тўла ширинликлар юборди-ю, ширин сўз айтолмади қайлигига. Шоҳи рўмоллар жўнатдию, қора сочларини бир бора силай олмади. Эғалик ҳуқуқи битишилган бўлса-да, ҳали кўзларига тик қараб кўрмади.

Унашилган қизнинг кўнглини ораламоқдан, озорламоқдан чекиниб турамиз энди. Исмини ҳам билмай қўя қолайлик. Аммо, мангу соғинчга қорилган озурда қалб бор...

Қадимда чимилдиқ кўрмай, вафот этган бўз йигит тобути бошида жўралари «ёр-ёр» айтarkan. Момолар шунга даъват этаркан... Илҳомжоннинг жўралари бунга журъат қилолмади, юраклари чидамади.

Агар, Илҳомжоннинг тўйи бўлса:

*Кўчалар ўсиб-ўсиб,  
Айрилади, ёр-ёр.  
Куёв йигит уйига,  
Қайрилади, ёр-ёр.*

*Онажон, очиб қўйинг,  
Дарвозани, ёр-ёр.  
Етти қишлоқ эшитсин  
Овозани, ёр-ёр.*

*Ҳар инсоннинг уйида  
Кўшиқ бўлсин, ёр-ёр.  
Бир йигити бир қизга,  
Ошиқ бўлсин, ёр-ёр.*

деб айтишмоқчи эди. Бироқ, айтилмай қолди «ёр-ёр»лар. Малъунлар отган ўқ «ёр-ёр»ларни, муҳаббат, вафо қушларини йиқитди. Бу маюс қушлар бир қизнинг қалбида мангу соғинч, ҳижрон кўшиғини айтиб, нола қилаверади, нола қилаверади...

## ШАҲРИХОННИ ТИТРАТГАН ҚАЙҒУ...



Катта сержант **Маъруфжон Норматович Ҳақимов** 1969 йил 27 августда Андижон вилояти Шаҳрихон туманида туғилган. 1986 йили Шаҳрихон туманидаги 14-ўрта мактабни тамомлаган. 1992 йил 28 февралдан ички ишлар идоралари сафида. 1992—2005 йиллар Андижон шаҳар Жазони ижро этиш муассасаси назоратчиси, катта назоратчиси бўлиб хизмат қилган.

Намунали хизмат кўрсатганлиги учун раҳбарият томонидан етти марта рафбатлантирилган.

«Жасорат» медали билан мукофотланган.

*Аёл борса қабр бошига,  
Саналармиш гуноҳи азим.  
Руҳингизга бошимни эгиб,  
Умрим бўйи қиламан таъзим...*

(Маъруфжоннинг рафиқаси Нафисахоннинг дафтаридан)

Шаҳрихонни Амир Умархон ҳавас билан, меҳр билан бунёд этган дейишади. Кўп йиллик ишлов бериш натижасида бўлса керак, ерлари текис, тераклари адл, боғлари серҳосил ва меваси мазали юрт. Одамлари меҳнаткаш.. Бир текисда саф тортган дарахтлар, яхшилаб шудгорланган далалар, хашақлару поялар билан ихчам, силлиқ ўралган тоқлар соҳибларининг миришкорлиги ҳақида айтиб турибди.

Маъруфжон Ҳақимов ана шундай гўзал бир юртда, Шаҳрихоннинг «Чўнтак» қишлоғида улғайди. Дарахтларга, гулларга қўшилиб бўй чўзди, юраги орзу-ҳавас-

ларга тўлди. Меҳрибон онасидан айрилиб, ҳам нелигини илк бор ҳис қилди. Отасига, ака-укаларига меҳрибон бўлиб ўсди. Бошини силагувчи меҳрибон қўлни соғиниб яшади. Она ҳақида қўшиқ ёки шеър эшитса, юраги сел бўлиб кетарди. Ён дафтарига кўчириб қўйган шеърга тез-тез кўз ташларди:

*Сўзларим етмайди таърифингизга,  
Зар ҳарфлар битилган тарихингизга.  
Не-не фозилларнинг фикри етмайди,  
Сиз англатган илму маъруфингизга.*

«Чўнтак»да тўй бўлиб, ойдаи қиз Нафисахон ёри бўлди. Бир йигитдек, суйди, куйди, бахтли бўлди.

Орадан олти йил ўтса ҳам фарзандлик бўлишмади. Шундаям бирор оғиз бу ҳақда гапирмади. Аксинча, ширин сўзлар билан хотинининг кўнглини кўтарди. Уни гапу сўзлар шамолидан ҳимоя қилди. Узун йиллар синовига мард туриб берди. Аҳил оила бўлиб яшашди.

Эртақлардаги каби еттинчи йил бу тотув оилага Оллоҳ қизалоқ ҳадя этди. Оҳ, гурурга тўла оталик ҳиссиётлари!

Зиёдани қуёшга тутган паҳлавон қўллар тафти, оталик меҳрига тўлган бағир титроғи, ҳаммаси яхши эди. Қизни берган худо ўғилни ҳам берди. Ота бўлмиш Маъруфбекнинг кўнгли яна ўсди. Бағри бутун, эшикдан боши тик чиққан йигитнинг иши ҳам унумли, тили ширин бўлар экан.

Ишхонасидагилар Маъруфжоннинг гоят тартибли, ишчан, ниҳоятда озода эканлигидан, муомаласидан мамнун эдилар. Ҳар доим мукофотга тавсия этилганлар рўйхатининг бошида Маъруфжон Ҳакимовнинг номи турар эди. Гоҳида бирор ҳамкасбининг тоби қочадими, маъракаси бўладими, унинг ўрнига ишлаш лозим бўлса, Маъруфжон тайёр эди. Умрида йўқ дейишни важ-карсон кўрсатишни билмасди. У бор жойда ҳамкасблари ҳам хотиржам эди...

Ўша куни турмага жангарилар бостириб кирганда ҳам биринчилардан бўлиб отилиб чиққан ҳам, улар отган ўққа кўксини тутган ҳам шу тартибли йигит Маъруфжон эди...

Сўнгги лаҳзаларда кўз ўнгидан нималар ўтди экан?

Меҳнат билан тиклагани — қутичадек ихчам, оппоқ бўялган ҳовлиси, пешайвонда ўйнаб юрган, етти йилда зўрға етган қизи, ўғли, меҳнатсевар, меҳрибон, иболи хотини Нафисахон, томорқасига ўзи ўтқазган дарахтлар, гуллар ўтдимикин? Меҳнат билан суюги қотган кекса отаси Нормамат аканинг ҳамон куйиб-пишиб ишлаб юрганлари, ака-ука, опаларининг суврати жонландимикин? Онажониси ғойибона бошини силадимикин?

\* \* \*

Маъруфжонлар қуриб, кўчиб ўтган янги ҳовлиси қабристонга жуда яқин. Хотини Нафисахон, деразадан қарасам, қабрлари кўриниб туради, аёллар қабристонга кириши гуноҳ саналади, дейишгани учун фақат узоқдан термуламан, ўлганига ишонгим келмайди, дейди.

— Ўша, 12 май куни, навбатчиликдан саҳар қайтдилар.

— Дадаси, қалай, саҳарлаб келибсиз, — дедим.

— Саҳар келиб ҳам бўлмайди, — деб кулдилар.

Қўлларидагини менга тутқаздилар. Бозорга янги чиққан мевалардан олибдилар. Худди байрамлардаги каби бозорлик қилибдилар.

— Аяси, ошни эртароқ қилинг, — дедилар.

Болаларни эркалатдилар. Зиёдани бу йил мактабга ўзим қўлчаларидан етаклаб олиб бораман, дедилар. Ошни биргаллашиб едик. Сўнг яхшилаб ювиниб, дазмолланган кийимларини кийиб, атир сепиб, соқол олиб чиқдилар.

— Қалай, куёв бола бўлдимми, — дедилар, кулиб.

— Энди сизни ким ҳам куёв қиларди, — дедим ҳавас билан боқиб. Кўзларим яшнаб кетди ўзимниям.

— Эҳтиёт бўлинг, аяси, эрсиз қолманг, тагин, — деб болаларини ўпиб, хайрлашди. Шундай келишган, азамат хўжайиним борлигидан фахрланиб, анча вақт орқасидан қараб қолдим... Нафисанинг овози титради, кўзларидан шашқатор ёш қуйиларди.

Бошқа гапиролмади, уйдан кўк катак дафтар олиб чиқиб, қўлимга тутди...

Етимнинг оғзи ошга етганда қонайди, дейишгани рост экан. Маъруф акам онасизлигидан эзилиб юрардилар. Уйлик бўлдик, болалик бўлдик. Энди тўй қиламиз, ўғлимизнинг қўлини ҳалоллаймиз, элу юртга ош берамиз, деб мол боқиб, семиртириб юрувдик. Ўзларининг худойисига аталганини қайдан билибмиз?

12 май куни кулиб кетган Маъруфжон акам 13 май куни ўлиб келдилар. Ўшанда турмуш қурганимизга ҳам, дадасининг фаолиятига ҳам 13 йил бўлган эди... Бу йиллар шунча тез ўтганига, бахтиёр кунларимнинг умри қисқалигига ишончим келмайди.

Маъруфжон акам ўзлари она меҳрига зор бўлиб ўтган эдилар. Энди болалари ота меҳрига зор бўладими?! Маъруфжон акам ишда, оилада ўзини тутишлари менга ёқарди. Меҳрибон отажонисини ардоқларди. Акаларига, опаларига, келинойиларига, жиянларига меҳри баланд эди. Ишда ҳам, уйда ҳам талабчан эдилар. Бир ишни бошласалар, албатта уддасидан чиқардилар.

Келин бўлиб келганимдан бошлаб, уйда ўз ўрнимни топишимда кўмак берганлар. Тозаликни яхши кўрардилар. Мендан ҳам шуни талаб қилардилар. Инсонпарварлиги, одамийлиги, ростгўйлиги билан танилган эдилар. Гап келганда дангалини айтадиган мард эдилар.

Ишдан ҳориб келсалар ҳам озгина дам олиб, уй ишига киришиб кетардилар. Мол-ҳолга қарар, томорқадаги экинларни парваришлар, гулларни яхши кўрардилар. Узумзоримизда ишлар, вақт топиб отажонисига ҳам ёрдам берардилар.

Орзу-ҳаваслари кўп эди. Атиги ўн уч йил бирга яшаган бўлсам ҳам, у кишидан кўп нарсаларни ўргандим. Нафақага чиқсам, болаларимни жой-жойига қўйсам, Оллоҳнинг уйини — Каъбаи мукаррамани зиёрат қилишга мушарраф бўлсам, дердилар. Эримнинг ҳар бир нарсага тadbир топишига, кучли, мард эканига ишонардим. Кейинги ҳафта негaдир маъюс, одатдагидан ҳам меҳрибонроқ эдилар.

Эрталаб қўшнилaр, Андижонда турма портлатилибди, десалар, бекор гап дебман...

*Расмингиз уй тўрида,  
Юрак ғамнинг қўрида.  
Бегим, Сизни соғиндим,  
Раҳм айланг мен чўрига.*

*Энди ким маст бўлади,  
Атиргуллар бўйига?  
Айтинг, ким бош бўлади,  
Ўғлингизнинг тўйига?*

*Қизингизни етаклаб,  
Мактабига элтар ким?  
Формалари ярашиб,  
Кўчамиздан ўтар ким?*

Ўқийверсам бу дафтар адо бўлмайди. Ҳали бу дафтарни мактабга бoриб, саводи чиқиб, Зиёда давом эттирар... Ота деган шодликнинг мазасини билмай Жамшидбек давом эттирар...

Тотув оила, фарзандлар бахти, ёр вафоси нима эканини биласизми, қалби йўқ. Акрoмийлар?!

Шаҳрихонда унган гуллар, лолалар, умид билан кўкарган майсалар, кўкка интилган дарахтлар, Ватанини севган инсонлар ёдидан Маъруфжоннинг ёди ҳеч қачон ўчмагай!

## ЖАВДИРАГАН КЎЗЛАР ЖАВОБ СЎРАЙДИ

Катта сержант **Зоҳиджон Тўлқинович Мамасидиқов** 1973 йилда Жалақудуқ туманида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, армия сафида хизмат қилган. 1995 йилда Андижон вилояти ИИБ ЖИЭБ муассасасида назоратчи бўлиб хизматни бошлади ва шу лавозимда ишлаётган эди. Ўтган йиллар мобайнида у жамоада муносиб обрў-эътибор топиб, бир неча марта рағбатлантирилганди.



«Жасорат» медали билан тақдирланган.

Зоҳиджон беҳуда кўча-кўйда ўйнаб юрадиган бола эмасди. Онаси икки ўғил, уч қизни тарбиялаб, вояга етказган бўлса, ўртада туғилган бола шу эди. У ёғида икки қўрғон, бу ёғида икки қўрғон, ўртасида Зоҳид мерган бўлиб, отаси (ҳозир истеъфодаги майор) Тўлқин милисанинг гоҳ шапкасини кийиб, честь берар, гоҳ елкаларига осилиб, мен ҳам сиз каби, бобом каби мелиса бўламан, дер эди. «Шаҳрихон чеки» қишлоғида Абдураҳмон мелиса номи билан машҳур эди бобоси.

Бир кун аяси, мол-ҳолга қарашни мактабдан келган Зоҳиджонга топширдию, дастурхон тугиб, нариги кўчага кетди. Келиб шоша-пиша оғилга кўз солса, сигир-бузоқларнинг охури бўм-бўш, сув ҳам берилмаган. Эғнидаги кўчалик кийимларини ҳам ечмай, ўғлини излаб йўлга тушди. Излай-излай, сой бўйида балиқ тутиб турган жойидан топди.

— Зоҳиджон, бу ерда нима қиляпсан, моллар очидан бақириб ётибди-ку, — дея қувлашга тушди. Зоҳиджон сакраб-сакраб, сойнинг нариёғига ўтиб кетаркан, бақирди:

— Аяжон, сиз келманг, ботиб қоласиз.

— Ҳали сенми, молларга қарамай, балиқ тутадиган, — дея Турдихон ая, сой кеча кетдию, бота бошлади.

— Вой, аяжоним, — дея Зоҳиджон ортига чопди. Қўлидан тортиб чиқариб олди-да, аясига меҳрибонлик қила кетди. Она-бола иккиси уйга келди. Она шалоббо бўлган тўйлик кийимларини ечиб чиққунча Зоҳиджон молларни саранжомлаб бўлди. Сўнг аясига қараб:

— Мени қувламанг, дедим-ку, — деди.

Иккаласи баравар кулиб юборишди.

Шундан буён, катта бўлганида ҳам, аясини соғинтириб, армияга, ишга кетган чоғларида ҳам, ҳазиллашгиси келса, «Аяжон, мени яна қувлайсизми», дея сўрар, ҳаммалари баравар кулиб юборишар эди.

Ўзи шунақа шўх, ҳазилкаш, табиатни, жониворларни, ҳайвонот оламини севар. Уйдаги ҳамма молларга ном қўйиб олган эди. Зоҳиджон ишдан уйга келса, ит ҳам, сигир-бузоқлар ҳам ўзларича суюниб, ғимирлаб қолишарди. У аввал ота-онаси билан сўрашиб, итни эркалаб, сўнг молхона томонга ўтарди.

— Дадажон, менга оғир ишларни айтинг, кўпроқ иш топиб қўйинг, — дерди.

Ойлик маошини олгач, дадасига пул бериб кетар, «Дада, даволанинг, ҳеч нарсани ўйламанг», — дерди. «Ё Тўланбойни ўйлаяпсизми, шартнома пулини ўзим тўлайман», дерди.

Ўзлари алоҳида уй қилиб чиққан бўлсалар ҳам, ишдан келибоқ, ота-онасидан хабар оларди. Хотини Одинахон билан маслаҳатлашиб, маошларидан орттириб, укасининг ўқиши учун пул бериб кетди. Фарғона қурилиш институтида ўқиётган укажониси олий маълумотли бўлишини, отасига, ўзига суянч бўлишини орзу қиларди. «Дадажон, мен ишлаб турибман-ку, укам ўқисин, катта одам бўлсин, деб айтарди. Аяси ясаниб тўйга отланиб турган бўлса, яна ўша гапни айтарди:

— Аяжон, мени қувламайсизми?!

Ҳамма бирдан куларди.

Одинахон билан ҳам кула-кула танишган. Уйда-гиларнинг тавсияси билан, Жалақудуқ туман газ таъминоти идорасига бориб, диспетчердан:

— Одинахонни чақириб беринг, — деб сўрайди.

— Қайси бирини, бизда икки нафар Одинахон бор, — дейди диспетчер аёл.

Зоҳиджон ўйлаб кўришга улгурмасдан, нариги тарафдан келаётган қизни кўрсатиб:

— Мана булар ҳам Одинахон, дейди.

Зоҳиджон дарров ўзини ўнглаб олиб:

— Менга кичик Одинахон керак эди, — деди. Иккала аёл бу келишган йигитга қарай-қарай кичигини чақириб беришади.

Бу ёғини Одинахоннинг ўзларидан эшитамиз:

— Менга Сизни бир чиройли йигит сўраб келибди, дейишди. Чиқсам барваста, формалари, мўйлови ўзига ярашган, оқ юзли йигит турибди. Шошганимдан, ичкарига киринг, деб юборибман. Ўтиришга таклиф қилдим, ўзим ўтиролмай, нукул титрайман. Кўзларига қарагани уяламан... У киши аҳволимни сездилар-у кимнинг тавсияси билан келганини, ниятлари нима эканини айтдилар. Дадангиз, қизимнинг ихтиёри ўзида, дебдилар, деди гапни қисқа қилиб.

— Севган йигитингиз борми, Одинахон.

— Йўқ, — дедим баттар қалтираб.

У киши аҳволимни сезиб, мени кўп уялтирмадилар. Кетдилар.

Орадан уч ой ўтиб, тўйимиз бўлгандан сўнг кўрдим Зоҳиджон акамни. Худдики, бир умр бирга яшаб, ўсгандек, энг яқин одамимга айланиб қолдилар.

Ўзларига ярашган формаларини яхши кўрардим. Ювиб, дазмоллаб, погонларини қадашни билмай ўзларидан ҳам сўрай олмай турсам,

— Асалим, мана бу жойга ўтиринг, қараб туринг, ўзим ўргатиб қўяман, деб тушунтириб қўйдилар.

Форма кийган йигитларга рафиқа бўлиш осон эмас экан. Ҳамиша ҳам уйда бўлавермас, биз ишдан келишларини соғиниб кутиб ўтирар эдик. Ҳар гал дарвозага чиқиб, ортларидан ҳавас билан қараб кузатар эдим.

Орадан уч йил ўтиб, қизимиз Моҳинур туғилди. У киши ота, мен она деган ном олиб суюнганларимиз. Яна уч йил ўтиб Моҳларойимиз туғилганда бошимиз осмонга етганлари... У кишининг кенг бағрига уч-човимиз бирга сиғиб кетардик. Меҳри ҳаммамизга етарди...

Отажоним аввал бетоб бўлиб, сўнг дунёни тарк этдилар. Мен қуявериб, ётиб қолдим. Шунда Зоҳидбек акам, Одинахон, ўлим ҳақ, ҳаммамизнинг бошимизда бор. Кўп азоб чекманг. Сизга бир нарса бўлса мен нима қиламан, севгилим? Қизларимизни ўйламайсизми?

Сиз ёлғиз эмассиз, менга суянинг, деб юпатиб олдилар. Биз ота-оналаримиз ихтиёри билан турмуш қуриб, севиб-севилиб яшаётган эдик. У киши менинг ҳаммадан ҳам яқиним, суянчим, меҳрибоним, ҳаётим мазмуни эдилар. Ишингизни бунча яхши кўрасиз? — десам, шоир бўлиб кетардилар.

— Сизларни, Ватанимни севаман! Шунинг учун ишимни яхши кўраман деб, шеър ҳам ўқиб берардилар.

*Меҳрингга кун сайин қониб борарман,  
Ватан, гулинг бўлай ўчоқларингда.  
Сеҳрингдан юрагим ёниб борарман,  
Ватан, гулхан бўлай ўчоқларингда!  
Ошноси бўлайин, кўрсат мардингни.  
Бергил, бир жонимга қирқта дардингни.  
Ёвга раво кўрсам зарра гардингни,  
Тилка-тилка бўлай пичоқларингда!*

Шундай ҳимоячимиз борлигидан суюниб, ерда эмас, осмонларда яшардик. Зоҳиджон акам ёниб, завқланиб яшардилар. Бизга ҳам ҳаёт қизиқ эди.

— Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғинига қаршли «Шаҳрихончеки» маҳалласида «Абдурахмон мелиса» деган улуғ инсон яшаган. У киши узоқ йил ички ишлар тизимида садоқат билан хизмат қилган. Одиллиги ва халқпарварлиги учун юртдошлари ҳурмат-эътиборини қозонган. Кўплаб шогирдлар етиштирган. Шулардан бири ўғли Тўлқинжон Мамасидиқов бўлади. Истеъфодаги майор Тўлқинжон ака ҳам салкам 30 йил ота касбини улуғлаб, кам бўлмади. Табиатан хушфезл, дилкаш бу инсон маҳалла фаоли. Нафақага чиққанидан бери маҳалладошлари орасида. Унинг икки ўғли, уч қизи бор. Бу оила ҳар жиҳатдан ибратлидир. Зоҳиджон унинг иккинчи фарзанди. Аслида Зоҳидбек Мамасидиқов ҳам бобоси ва ота изидан борди. Куролли кучларда йигитлик бурчини ўтагач, дастлаб бир йил Охунбобоев макка дони саралаш корхонасида оддий ишчи бўлиб меҳнат қилди. Сўнг жамоа йўлланмаси билан Андижондаги ҳибсхонага ишга кирди. Ўтган ўн йил мобайнида у ўз касбига, Ватанига садоқатли эканлигини исботлади. Шундан бўлса керак, хизмат лавозими ва унвони ортиб борди. Ҳамкасбларининг айтишича, бирор марта ҳам интизомсизлик учун танбеҳ эътирмаган, — деб ҳикоя қилади, андижонлик журналист **Борис Клейман**.

— Зоҳиджон шахсий ҳаётда ҳам ибратли бўлган, — дейди қишлоқдош дўстларидан бири **Мадаминжон Йўлдошев**. — У жўрабоши эди. Барчамизнинг тўй-тантана маросимларимизнинг мазмунли ўтишига муносиб ҳисса қўшган. Биз шундай дўстимиз бўлганлигидан фахрланамиз.

Андижон ҳибсхонаси хизматчиси, старшина Зоҳиджон Мамасидиқов 12 майдан 13 майга ўтар кечаси ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажараётганда мардларча ҳалок бўлди. Унинг довураклиги, ўз халқи ва қасамёдига садоқати Президентимиз томонидан муносиб тақдирланди.

Унинг яқинлари Конституция байрами нишонланган куни Тошкентга таклиф қилиндилар. Бу ерда мард ўғлоннинг «Жасорат» медали уларга тантанали суратда топширилди. Бундай рағбатлантириш, эъзоз ва эҳтиром кўрсатилиши юртдошимиз яқинларининг ўксик қалбида яна бир бора таскин, гурур ва ифтихор уйғотди.

**Подполковник Иброҳимжон Жўраев:** — Зоҳиджон яхши оилада тарбия кўрган, меҳнатсевар йигит эди. Унинг отаси Тўлқинжон акани ҳаммамиз яқиндан биламиз ва ҳурмат қиламиз. Зоҳиджон ҳалок бўлганини эшитиб, бирчамиз қайғуга чўмдик. Фотиҳа, кўнгил сўраш учун уйларига кирдик. Ёнимдагилар фуқаролар кийимида, мен форма кийган эдим. Бир пайт сочлари патила, чиройли қизалоқ югуриб келиб:

— Ана, дадажоним келдила, — деб бўйнимга осилиб олса бўладими? Зоҳиджоннинг қизалоғи экан. Дадам ишдан келади деб кутиб турган экан.

Шу куни йиғлаган ҳам, йиғламаган ҳам йиғлади. Кўксимиз тилкаланиб кетди. Отасиз қолган қизалоқнинг «дадам қани?» деган сўроғига жавоб берадиган бирор мард йўқ эди...

Эй Ватан қучоқларига гул бўлиб сингиб кетган ботир ўғлон, ўқ тегиб, йиқилаётиб ҳам, сизни суяшга чопган ҳамкасбингизга Сен тезроқ ўзингни панага ол, — деган экансиз...

Шу олижаноб йигитнинг ота-онаси, туғишганлари, хотини, жажжи қизалоқлари, Ватани, ватандошлари олдида, эл-юрт олдида жавобгарсиз, эй, иймонини йўқотган одамқушлар!

## ШИРМОНБУЛОҚДА ВАТАН ДАРСИ

Катта сержант **Ҳалимжон Сотволдиевич Жалолов** 1976 йилда Хўжаобод туманида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, армия сафида хизмат қилди. 2000 йилда Андижон вилояти ИИБ ўқув марказида бошланғич тайёргарликдан ўтиб, Андижон шаҳар ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими милиция батальонига ишга қабул қилинди. Хизмат давомида хушёр, масъулиятли ходим сифатида танилган эди.



«Жасорат» медали билан тақдирланган.

2005 йилнинг 12—13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган хунрезликлар оқибатида хизмат вақтида ҳалок бўлган. Андижон шаҳар ички ишлар бошқармасининг, қўриқлаш бўлими милиционери, катта сержант Ҳалимжон Жалолов туманимиздаги 25-ўрта мактабда таълим-тарбия олган эди.

Ҳалимжон интилиш, жасорат, Ватанга муҳаббат туйғуларини шу мактабда олди. Ҳаётининг ҳар қадамида она юртга содиқлик ҳисси уни сира тарк этгани йўқ. То сўнгги нафасигача она сутини, фарзандлик бурчини оқлашга интилди. Туғилиб ўсган юртини ватанфурушлардан, жангарилардан ҳимоя қилиш учун ширин жонидан кечди.

16 январь куни 25-умумтаълим мактабининг ўқитувчи ва ўқувчилари жасорат кўрсатган ҳамюртларини ёд этиш учун тадбир уюштирдилар. Тадбирга марҳумнинг ота-оналари, яқинлари, дўстлари, Андижон вилоят ички ишлар бошқармасида бирга хизмат қилган сафдошлари таклиф этилди.

Мактаб ўқувчилари ҳамқишлоқлари хотирасига шеърлар ёд этиш билан йиғинни очишди. Ижодкор Тўлқинжон Маматовнинг «Армон» деб номланган шеъри асосида театрлаштирилган саҳна намойиш қилинди.

Мотам либосидаги Она саҳна тўрига ўрнатилган Ҳалимжоннинг суратига боқиб бўзлайди:

— Ёмон бўлди жуда ёмон,  
Аҳли жонга, болам-а.  
Ёпирилди бало офат  
Андижонга болам-а.

Қоронғу тун она Ватан  
Хавф остида болам-а.  
Мард йигитлар тик турдилар,  
Ўз постида болам-а.

Сен ҳам шулар қаторида,  
Қалқон бўлдинг болам-а.  
Жонинг бердинг мардонавор,  
Армон бўлдинг болам-а.

Онанг йиғлар, отанг йиғлар,  
Сўзлаб-сўзлаб, болам-а.  
Ёринг қолди, ўғлинг қолди,  
Бўзлаб-бўзлаб болам-а.

Сени отган одамхўрга,  
Лаънат бўлсин болам-а.  
Борар жойинг беҳишт бўлсин,  
Жаннат бўлсин болам-а.

— Мен мард эдим душманларга  
Ён бермадим Онажон!  
Кўп куюнманг мен бекорга  
Жон бермадим, Онажон!

*Кўз ёшингиз қабрим узра,  
Томар экан Онажон.  
Нетай, умрим шундоқ тугаб,  
Қолар экан, Онажон.*

*Отам исм қўйган эди,  
Ҳалимжон деб, Онажон.  
Жонни берсам берибман-да,  
Андижон деб, Онажон!*

*Энди тили чиққан эди,  
Ўғлим қолди, Онажон.  
Ширмонбулоқ деган юртда,  
Ўрним қолди, Онажон!*

*Танам жонсиз руҳим тирик.  
Ўйланаман, Онажон!  
Кўп йиғламанг, йиғласангиз,  
Қийналаман, Онажон!*

*Қиёматда кўришгунча,  
Аршга етдим, Онажон.  
Ватан учун, сизлар учун,  
Шаҳид кетдим, Онажон!*

Саҳна кўриниши залдагиларни титратиб юборди. Болалар юрагида, қизлар қалбида юртбузар, хоинларга нисбатан нафрат, Ҳалимжондек ватан фидойиларига нисбатан меҳр, ҳавас уйғонди. Қарсақлар, юраклар гупури, кўз ёшлар шунинг далолати эди.

Сўз Ҳалимжон Жалоловнинг биринчи ўқитувчиси — **Раҳима Усмоновага** берилди:

— Мен Ҳалимжонни биринчи синфга 1983—84 ўқув йилида қабул қилганман. У мактабга озода кийиниб келар, китоб дафтарларини тоза тутар эди. Одоби, ўткир зеҳни, қувноқлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Шеърларни равон, ифодали ўқир, математика

дарсида мисол ва масалаларни мустақил ечар эди. Синфлар ўртасида ўтказилган тадбирлар, беллашувларда фаол эди. Гулларни ниҳоятда севар эди. Саломи-ни канда қилмас эди.

Мен Ватани учун жонини тиккан ўқувчим борлиги билан, илк бор Ватан ҳақидаги шеърларини ёд ол-дирганим, Она, Ватан деб ёзишга ўргатганим билан ҳамиша фахрланаман. Ўқувчиларимга Ватан дарс-ларини ўтганимда Ҳалимжон Жалолов ҳақида сўзлаб бераман.

Ҳалимжоннинг синф раҳбари **Маматёқуб Нишон-боев** сўз олиб, собиқ ўқувчисининг ўқувчилик йил-ларини хотирлади. Андижон вилоят Ички ишлар бошқармасининг ходими **Анваржон Қосимов** саф-дошининг барчага ўрнак бўлган фазилатлари ҳақида фахрланиб гапирди.

Ширмонбулоқ қишлоғининг ана шундай мард ўғлонини эсга олиб Ширмонбулоқ маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси **Саломатхон Туманова** гапирди:

— Мен илгари 25-умумтаълим мактабида биология ўқитувчиси эдим. Ҳалимжон ўсимликлар дунёсига шу даражада қизиқар эдики, мавзу асосида, ҳар бир ўсим-ликка атаб шеърлар ёзиб келар, уларнинг расмини чизиб, менга кўргазма тайёрлаб берар, гербарийлар йиғар эди.

Ҳалимжоннинг вафотидан уч кун аввал, 10 май куни ободонлаштириш масаласида кўча айланаётган эдик. Ҳалимжон онаси билан суҳбатлашиб, томор-қасида ишлаётган экан. Устозим келибди деб, суюниб қолди. Сўнг онасидан, онажон, «устоз — отангдан улуғ» дейишган. Аввал уларнинг илтимосини бажарсам, деб рухсат олибди. Дарҳол, оҳак, чўтка олиб, кўча томонни оқлашга тушиб кетди. Мен қолганларга Ҳалимжоннинг ишларини намуна қилиб кўрсатдим. Ўрнак олганлар кўпайиб, маҳалламиз озода бўлиб қолган эди.

Ҳалимжон ёшлигидан камтарин, оққўнгил, дўст-ларига меҳрибон, соддадил ва катталарни ҳурмат,

кичикларни иззат қиладиган инсон эди. У меҳмондўстлиги, ширинсўзлиги, уятчанлиги билан, билимга чанқоқлиги, изланувчанлиги, тадбиркорлиги билан дўстларига ўрнатқ бўларди.

Камтарин ва тавозели инсон Ҳалимжоннинг вафоти барчаннинг қалбини қайғуга солди.

\* \* \*

Меҳнат фахрийси Акбарали Ҳайдаров, Ширмонбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Мукаррамхон Худойбердиевалар сўзга чиқдилар. Мактабнинг Ёқутхон Қораева раҳбар бўлган 6-«Б» синфига Ҳалимжон Жалолов номи берилди.

Ширмонбулоқлик шоира қизлар бирин-кетин минбарга кўтарилиб, ҳамқишлоғи Ҳалимжон ҳақида, Ватан ҳақида шеърлар ўқидилар.

Минбарга Ҳалимжоннинг онаси кўтарилди. Ҳамма жим. Она фарёд солса ҳақли, шу ердаги ҳар бир инсоннинг елкасига бош кўйиб, болам сиз, биз, Ватан учун ўзини қурбон қилди, деб додласа ҳақли эди. Кексароқлар шундай ҳол рўй берса, бирор тадбир қилармиз деб ҳушёрроқ эдилар.

**Жалолова Дилбархон** ўзини қахрамоннинг онасидек тутди:

— Менинг ўғлим аввал 4 йил маҳалла посбони бўлиб ишлади. Милиционер формаси кийганига беш йил бўлаётган эди. Уйланган, фарзанди бор эди. Доришунос бўлиб ишладим, шу ишдан нафақага чиқдим. Бир умр одамлар дардига малҳам изладим. Ишга пиёда борар эдик. Ҳалимжонни 8 км жойга елкамда кўтариб борардим. Ҳалол меҳнат нони билан улғайтирдим. «Онажон, ҳали яхши кунлар келади», дерди ўғлим.

— Болам иложи борича бировнинг кўнглига ёқадиган сўзларни топиб гапиришга ҳаракат қиларди. Болалари, акалари, аяларига меҳрибон эди. Бўш вақти бўлса, деҳқончилик қилар, ҳовлига гуллар экарди.

Гулларни жуда севарди. Эккан гулларига қарасам менга маъюс қараб тургандек бўлаверади. Биламан, бу гуллар ҳар баҳор, боғбонини сўроқлаб очилаверади. Болам Ватан деди. Отилган ўққа кўксини тутиб берди. Кўкрагининг уч жойидан ўқ тешиб ўтибди. Орқасидан йиғлаб қолган келиним ҳам Ватан десин, Ҳалим-жонининг ягона зурриёди Муҳаммадҳалил ҳам Ватан десин.

Тошкентда Олий суд мажлисида Илҳом Ҳожиев номли акромийга сўнгги сўз берилганда:

— Ҳалимжонни мен отган эдим, ота-оналари шу ерда бўлса, кечирришсин, деди. Отаси Сотволди Жалолов ўғлининг қотилини кўриб ҳушидан кетди. Акаси Каримжон, нега укамни отдингиз, деб сўраса, укангизнинг бизга нафрати чексиз эди, мен отмасам, у отарди, деди. Мен:

— Биздан эмас, Ватандан узр сўра, Ҳалимжон Жалолов — Ватан ўғли эди, — дедим.

Энг сўнгги дамда ҳам юртини ўйлаган боламдан мингдан-минг розиман. Улуғларнинг гапи бор:

*Кўплар молин бериб мардлик қилади,  
Мардлар жонин бериб мардлик қилади.*

Менинг ўғлим шундай қилди!

Зал ингранди, тўлқинланди, чапак чалди.

Тадбирда туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси М.Бердиқулова иштирок этди.

Ширмонбулоқ қишлоғи имом-хатиби Дониёрбек Камолов марҳум руҳига қуръон тиловат қилди.

Азизлар, Ширмонбулоқдаги мактабда Ватан дарси шундай ўтди. Бу сабоқнинг қаҳрамони «Жасорат» медали соҳиби Ҳалимжон Жалолов эди.

## БЕЛИДА БЕЛБОҒИ БЎЛСИН ЙИГИТНИНГ

Майор **Қодиржон Исахўжаевич Шобурҳонов** 1961 йилда Андижон вилояти Хўжаобод туманида туғилган. Ички ишлар идораларида хизматни 1982 йилда Тошкент шаҳар ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлимида бошлади. 1983—1987 йиллар Тошкент Олий милиция мактабида таҳсил олди. 1987 йилдан ҳозирга қадар Хўжаобод тумани ички ишлар бўлимининг қатор хизматларида ишлади. 2004 йилдан профилактика инспектори бўлиб фаолият кўрсатаётган эди. Хизмати давомида раҳбарият томонидан бир неча марта рағбатлантирилган. Кўплаб ёш ходимларнинг устози эди.



Ўлимидан сўнг «Жасорат» медали билан мукофотланган.

Паспортини олганига ҳали кўп бўлмаган эди. Қандай қилиб йўқотиб қўйганини ҳеч эслолмайди, Барнохон. Қидирмаган жойи қолмади, суриштирамаган одами қолмади. Охири бировлар участкавойга мурожаат қил, дейишди. Паспорт бўлмаса на ўқишга, на ишга қабул қилишмас экан. Паспортинг бўлмаса, турмушга ҳам чиқолмайсан, деди ҳазилкаш дугонаси. Охири уяла-уяла ўзларининг участкавойи — Қодиржон Шобурҳонов қабулига борди. Рухсат сўраб, қабулга кирдию, келишган, барваста, формалари ўзига ярашган йигитнинг жиддий боқиб турганини кўриб, қизариб кетди. Гапини ҳам йўқотиб қўйди. Кўзларини ерга қадаб тураверди.

— Гапиринг, синглим, қулоғим сизда, — деган сўздан кейин ҳам хушини йиғиб ололмас, орқасига бурилиб қочиб кетгилари келар, бироқ... паспорти топилмаса...

Қизариб, шивирлади:

— Паспортимни йўқотиб кўйдим...

— Ҳамма жойни қидириб кўрдингизми?

— Ҳа...

— Нима қиласиз энди?

— Билмасам...

Жиддий йигитнинг юраги юмшаб кетди, меҳри тов-ланиб кетди... Онаси Ўғилхон аянинг ҳадеб қачон уйланасан, ёшинг ҳам йигирма саккизга етди болам, деяверишлари эсига тушиб кетди.

То паспорт масаласи ҳал бўлгунча уйланиш масаласи ҳам ҳал бўлди. Барнохон паспортини йўқотди. Қодиржон умрига йўлдош топди. Ўша кунги қабулдан бир ой ўтиб Барнохоннинг уйига совчилар келди. Меҳнаткаш, муомаласи яхши, каттаю кичикка бирдай мелиса йигитни совчилар роса мақтади. Қиз томон бу гапларга ишонди. Шундай қилиб, янги паспорт саҳифасида янги оила қайд этилган муҳр ҳам битилди.

Хурсандбек, Дилрабохонлар туғилди.

Қодиржоннинг қарамоғида каттагина оила, онаси, бева опаси, жиянлари Шухратбек, Гулчеҳраҳон, ўзининг рўзғори, жами саккиз нафар киши бир қозондан овқат еяр эди. Катта оиланинг суянган тоғи эди.

**Ўғилхон ая, онаси (75 ёшда).** «Қодиржон — кенжа-тойим эди. Отасидан уч ёшида қолувди. Бўйларига гул ўлчаб ўстирган болам-а. Отаси немислар билан урушиб, ярадор бўлиб келиб, дунёдан ўтувди. Болагинам ота меҳрини кўрмай ўсди. Муштдайлигидан меҳнатга ўрганди. Ўзини ўзи қўллади болажоним. Армияга бориб келди. Ўқиди, одам бўлди. Қишлоғимизда ҳамма яхши кўрарди.

Қаранг, уйимиз қулай деб турибди. Шундай бўл-саям, бировларга яхшилиқ қиларди. Кўли очиқ эди. Топилмайдиган бола эди-я, болажоним!»

### Мавлудахон (опаси):

— Мени, болаларимни шу укам боқди. Қўлига келганимизга 16 йил бўлди. Бирор марта жиянларини ўкситмади. Устини бутлади, қорнини тўқлади. Менинг кўнглимга қарарди. Бутун рўзғор укажонимнинг бўйнида эди. Ўзи пул топди, уйланди. Ҳеч кимдан ёрдам сўрагани йўқ. Қатъиятли, диёнатли, инсофли эди укажоним.

... Ўша мудҳиш кун, юракларни қон айлаган 13 май куни, Қодиржон ўз хизмат постида, Хўжаобод туманида эди.

Туман касалхонасида даволанаётган онаси Ўғилой аянинг аҳволи оғирлашиб қолди. Шифокорлар Қодиржонга кўнғироқ қилиб, аҳволни тушунтиришди. Тезликда Андижонга элтишдан бошқа чорамиз йўқ, дейишди.

Онаси сўраса, жонини беришга тайёр ўғил, дарҳол «Тез ёрдам» машинасида онасини олиб Андижонга жўнади. Йўлдаги постда тўхтатишди. Шаҳарда вазият яхши эмас, бирорта машина ўтказилмайди, дейишди.

— Йўқ, мен онажонимни тезроқ малакали шифокорга кўрсатишим керак, — деб туриб олди Қодиржон. Шу пайт инграб, ҳолсизланиб ётган онасидан бошқа ҳеч нарса кўзига кўринмас эди.

Машина шаҳарга қараб учди. Турмахона рўпарасида йўлни ғалаёнчилар тўсди.

— Қаерга боряпсизлар?

— Касалхонага, — деди шофёр.

— Кимни олиб боряпсизлар?

— Милиционернинг онасини...

Шу пайт, Қодиржон машинадан сакраб тушди.

— Ишларинг бўлса, мен билан гаплашинглар. Сизлар кимсизлар ўзи? Онамни тезроқ элтинг шифохонага, — деди шофёрга.

Босқинчилар кўпчилик бўлиб, Қодиржонга ёпишди. Машина юриб кетди.

Ўн тўққиз йилдан буён милиция сафида хизмат қилган, курашишнинг барча усулларини ўнлаб шогирдларига ўргатиб юрган майорга бас келиш осон бўлмади. Кимдир тепки, кимдир мушт еди. Кўплашиб, Қодиржонни боғлаб, «Тико»га ўтқазиб, ҳокимият биносига олиб боришди. Гаровга олинганлар сафига қўшишди. У сафдошларига кўзи тушиб, хаёлидан илк бор, ўзи севган сатрлар ўтди:

*Ғанимлардан баланд яшаши учун  
Ўз юрти, гулбоғи бўлсин йигитнинг.  
Кучига тан берсин бу кўҳна очун,  
Белида белбоғи бўлсин йигитнинг.*

*Ётлар ёвлик қила олмасин қасддан,  
Бир муқаддас куни бўлсин йигитнинг.  
Этагини силкиб кетмасин дўсти,  
Белида белбоғи бўлсин йигитнинг.*

**Майор Дилшодбек Мўминов**, Хўжаобод туман Ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари. — Қодиржон ака, қатъиятли, сўзидан қайтмайдиган, мард эдилар. Ишини шу қадар чуқур билар, севар эдики, у кишига тенг келадигани кам эди. Вазифаси талаб қилган икир-чикирларни, энг нозик томонларигача биларди. Шогирдлари кўп эди. Ўргатишдан чарчамасди. Меҳрибон эдилар.

13 май куни майдонда жангарилар, погонлиларни аяманглар, деб бақирганда, у ҳамкасбларига далда берган. Тиз чўкманглар, эгилманглар, ялинманглар, деб бақирган. Ортидаги оломонни кўкси билан тўсган. Қодиржон ака белида белбоғи бор, орияти кучли йигит эди.

Ҳа, ўша куни жонини гаровга қўйиб бўлса ҳам, онасини шифохонага етказди. Унинг ҳаётини сақлаб қолди. Бир ўғил, йигит киши қилиши лозим бўлган ишни қилди. Бошини бериб бўлса ҳам, ўз вазифасини адо этди. Ўғилхон ая тузалди.

Ўзининг номи эса, мангуликнинг зарварағига ёзилди.  
Майор Қодиржон Шобурҳонов номи ортида ушбу  
сўзлар балқиб туради:

*Виждонни ўртага қўйиб яшадим,  
Йигитлик тўнани кийиб яшадим.  
Онам, қардошларим, элу юртимни  
Юрак-юрагимдан суйиб яшадим!*

Бундай муҳаббат, меҳр, садоқат бўлган юртда она-  
ларга, Ватанга дахл қилувчиларнинг қора нияти ҳеч  
қачон амалга ошмайди.

## ШЕРЛАРНИНГ ШЕРИ



Катта лейтенант **Алишер Усмонжонович Эргашев** 1970 йил 28 октябрда Андижон вилояти Избоскан туманида туғилган. 1994 йилда Андижон кооператив техникумини, 2004 йилда Андижон Давлат университетини тамомлаган. 1988—1990 йилларда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилган. 1996 йил 30 августдан ички ишлар идораларида фаолият кўрсатган. 2003 йил мартдан вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ

жамоат тартибини ва оммавий тадбирларни ўтказишни таъминлаш гуруҳи муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори лавозимида хизмат қилган.

Вафотидан сўнг «Жасорат» медали билан тақдирланган.

— «Шери дарё» пиримнинг исмлари бу, Алишержонни сен деманглар. Аллоҳнинг исми, дер эдилар Урайим ота. Алишержоннинг ота томонидан бобоси. 90 ёшга кириб вафот этганлар. Милиционер бўлиб ишлаганлар.

Бувиси Шарофат момо эса Алишерни еру кўкка ишонмасди. Боғчага бериб, эшик тагида пойлаб, узоқ ўтирарди. Мактабга ҳам кузатиб борар, келишига яна йўлга чиқар эди.

— Эна, менга попукли камзул тикиб беринг, мелиса кийим тикиб беринг, дерди Алишержон. Энаси (ўзи тикувчи эди) набирасига мослаб, чиройли кийимлар тикиб берарди. Момо ҳам раҳматли бўлиб кетди. Алишержон меҳру муҳаббатлар оғушида ўзи ҳам меҳрли бўлиб ўсди.

Пойтуғ шаҳри марказидаги Шарофатхон опа ва Усмонжон ака Эргашевлар оиласида 4 ўғилу, 3 қиз

камолга етди. Кўп йиллар туман газлаштириш идораси раҳбари бўлиб ишлаган Усмонжон ака ва узоқ йиллар ёш авлодга билим бериб келган фидойи муаллима Шарофатхон опалар фарзандларининг ўқимишли ва зиёли бўлишлари учун астойдил ҳаракат қилишди. Ҳозирда уларнинг барчаси уйли-жойли, ўзларидан тинган. Дастлаб тўнғич ўғил Абдулвоҳид ички ишлар бўлимига ишга кириб, обрў-эътибор топди. Оиладаги иккинчи ўғил Алишер ҳам акаси изидан бориб, милиция ходими бўлди. Иқтидорли бу йигит ишлаб юриб Андижон Давлат университетининг тарих факультетини ҳам сиртдан тамомлади. Андижон вилоят ИИБда муҳим топшириқлар бўйича катта инспектор бўлиб фаолият кўрсатаётганди. Алишернинг милиция тизимида ишлаётганига 12 йил бўлган эди. Бу йиллар ичида у ўз касбига, Ватанига содиқ эканлигини исботлади. Шунинг учун ҳам хизмат лавозимида кўтарилиб, унвони ортиб бораётганди.

Ўша мудҳиш кунда уни огоҳлантириб кетишди. Уйдан чиқма, сенинг дам олиш кунинг-ку, дейишди. Ҳамиша эрталаб 7.00 да ишга борадиган Алишер бу гал 5.00 да йўлга отланди. Дазмолланган, озода формасини фахр билан эгнига илди. «Белида белбоғи бор йигит энг оғир дамларда писиб ўтирадимми?» деди ўз-ўзига.

Қайдадир ўқиган эди:

*Эгилма, эй, бел йўқми, сенда,  
Номус қилгич эл йўқми, сенда,  
Адашмагил, йўл йўқми, сенда?  
Етар, шунча тингладинг ўғит,  
Белбоғингни бер менга, йигит.*

*Боқ, элингни кўзида ёшдир,  
Ишламаган бош, мисли тошдир.  
Ҳақиқатга чорлагин, шоштир,  
Эпложмасанг бир чеккага ўт,  
Дўппингни еч, бер менга, йигит.*

Бекатда турган янги кўк «Тико» шофёридан шаҳарга олиб боришини сўради. Шофёр йигит, ака бормайлик, ҳеч бўлмаганда формангизни ечиб чиқинг, деб илтимос қилди.

— Формам муқаддас, уни қасамёд қилиб кийганман, — деди Алишер.

Шофёрни кўндириб, Андижонга — қонли воқеалар бўлаётган оловли майдонга йўл олдилар.

У ерда қуролланган босқинчилар, «Тико»ни тўхтатиб, машинани пачоқлаб ташлаганлар. Уч йигитни гаровга олишган.

— Хафа бўлманг, эсон-омон чиқсам, машинангизни тузатиб бераман, — деган Алишер шофёрга.

Қўллари боғлиқ бўлса ҳам ҳаммага баравар ўқ ёғдираётганларга бақирган:

— Аёлларга, болаларга тегма! Кўкраги билан уларни ҳимоя қилган «Занжирбанд шер»га ўхшаб. Ҳазрат Алишер Навоий билиб айтганлар: «Занжирбанд шер — енгаман дер».

Бир ўзига ёпирилган тўрт-бештасига, муқаддас формамга қўлингни теккизма, деб ҳайқирган.

Уларни бир-бирига боғлаб, отиб ташлашган. Алишержон, ёнғин хавфсизлиги хизматида ишлайдиган йигит билан устма-уст ётиб қолган. Остидаги бола омон қолган. Шу йигит ҳикоя қилади:

— Алишер акам бир-икки кун аввал бизга шаҳид кетмоқ ҳақида тушунча берган эдилар. Ўша дамларда калима қайтардилар. Болаларим ёш эди. Онам билан синглим узоқда эди. Калима қайтаринглар, — деди. Сўнг сув сўрадилар. Шуни кутиб тургандек, ёмғир шаррос қуйиб юборди. Алишер юзларини ёмғирга тутиб, сўнг жимиб қолди...

Форсийда «Али» дегани ҳам шер маъносини берар экан. Алишер шернинг шери дегани. Алишержон ўз исмига содиқ қолди.

Азизбек, акасининг тобути тепасида қасамёд қилди:

— Акажон, мен ҳам сиздек иймонли бўламан, формангизни ўзим кияман! Қасам ичиб айтаманки, гаддорларни тугатаман!!

Шу пайт Азизбек амакисининг ёнига Шоҳжаҳон келиб турди:

— Дадажон, қасам ичаман, ўчингизни оламан. Сиз каби жасур, мард бўламан!

Азага йиғилганлар қалқиб тушди. Бу обрўли, эътиборли оилада номардлар йўқлигини ҳамма биларди...

**Наргизаҳон, Алишернинг рафиқаси, рус тили ўқитувчиси:**

— Алишер акам билан 14 йил бахтли ҳаёт кечирдик. Уч фарзанд тарбияладик. Мадинабону 6-синфда, Гулжаҳон 1-синфда ўқимоқда. Ўғлимиз Шоҳжаҳон 5-синфда. Унинг орзуси ЖАРдаги махсус интернат мактабда ўқиш. Дадаси, оиламизга меҳрибон эдилар. Уйга бир нарса кўтариб келсалар, бизга кўшни тургувчи сингисининг оиласига ҳам илинардилар. Байрамларда ҳамманинг кўнглини олиб чиқардилар. Ҳеч қачон овозларини кўтариб бировни беҳурмат қилмасдилар. Адолатли эдилар. Ҳеч қачон ҳеч кимга хиёнат қилмасдилар. Янги вазифада иш бошлашларига икки кунгина қолувди. Мен турмуш ўртоғим билан фахрланаман.

**Шарофат опа Эргашева, онаси, нафақада:**

— Умр бўйи бошланғич синфларни ўқитдим. Халқнинг боласига ҳарф танитдим. Она, Ватан деб ёзишни, бу сўзларга содиқ қолишни улар онгига сингитдим. Кун келиб бу сўзларни болажоним ўзининг тоза қони билан ёзиб кетди. Алишер меҳнатсевар эди, катталарни ҳурмат қиларди. Боламнинг тўкилган қони халқим деб, Ватаним деб тўкилди. Боққанларимга розиман, берган сутларимга розиман. Бўлиб ўтган ушбу воқеалардан сўнг уч кун ўтгач, укаси она, менга оқ фотиҳа беринг, мен ички ишлар ходими бўлиб, акамнинг ўрнини босиб, унинг ишини давом эттир-

моқчиман. Менга қандай топшириқ беришса, ҳаммасини бажараман, деди. Фарзандларим билан фахрланаман.

Куйидаги шеър ҳам Алишержон қалбидан отилиб чиққан:

*Гоҳ бошимда қуёш бўлиб балқийдирсан,  
Гоҳ кўзимда кўз ёш бўлиб қалқийдирсан,  
Мен кетурман, сен — абадий, боқийдирсан,  
Қучоғингда бир нур бўлиб қолурман мен.  
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!*

## УЛУҒБЕКНИНГ СЎНМАС ЮЛДУЗИ

Катта сержант **Улуғбек Турғунович Ҳамроқулов** 1967

йил 10 июлда Андижон шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни битиргач, 1986—1988 йилларда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилди. 1990 йил августидан 2001 йил сентябригача Андижон шаҳар ИИБ санитария нazorати милицияси милиционери, 2001 йил сентябридан октябригача Хўжабод тумани ИИБ «Ўзгазузатиш» Акционерлик компаниясини



Кўриқлаш бўйича милиция ротаси милиционери, шу йил октябридан 2004 йил февралигача Андижон шаҳар ИИБ ППХ гуруҳи милиционери, 2004 йил февралидан бошлаб Андижон шаҳар ИИБ кўриқлаш бўлими милиция батальони милиционери лавозимида фаолият кўрсатди. У тиришқоқлиги, интилувчанлиги билан ҳамкасбларига ўрнак эди. Намунали хизмати учун раҳбарият томонидан бир неча бор рағбатлантирилган. «Жасорат» медали билан мукофотланган.

— Шаҳарда қанча гул, қанча манзарали дарахт бўлса, милиционер Улуғбек Ҳамроқулов қўлларининг изи бор, — деганди Андижон шаҳар раҳбарларидан бири йиғилишда. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир туп гулни, ҳар бир дарахтни санитар-милиционер одам боласини асрагандек асрарди. Кўнгли тўла меҳр эди. Шаҳардаги ҳамма шофёр бу куйди-пишди, кўнгли тоза йигитни чин кўнгилдан ҳурмат қилишарди. Машинасини тўхтатиб, анави ерда чиқиндилар турибди, чиқариб ташланг, деса сўзсиз бажаришарди.

— Улуғбекжон эшигининг тагига «хўп» дарахтини экиб қўйган. Келатуриб, қўйинини тўлдириб келади, —

дейишарди уни таниганлар меҳр билан. Чунки, ҳар бир инсоннинг ҳолатини чиқариб, хўп дерди. Улуғбек-жон ҳеч кимнинг гапини икки қилмасди.

**Арофатхон Ҳамрокулова, рафиқаси:** — 1990 йил 27 майда никоҳ тўйимиз бўлиб ўтди. Ота-оналаримизнинг розилиги билан турмуш қурдик. Жудаям иноқ, бахтли оила эдик. 1992 йил қизимиз Зилолахон дунёга келди. Қувончимиз чексиз эди. Қўлларим катта, қўпол деб, қизимизни пар ёстиқ устига қўйиб кўтарардилар. Бирор жойи оғриб, шамоллаб қолса, тузалгунча гирдикапалак бўларди. Еру кўкка ишонмасди. Сўнг ўғилларимиз Бекзодбек, Шаҳзодбеклар туғилди.

Болаларимизга яхши ўқинглар, деб тайинлардилар. Агар яхши ўқисанглар, катта одам бўласизлар, дердилар. Ўғилларидан умидлари катта эди. Ҳозир Бекзоджон ЖАРдаги махсус интернатнинг 5-синфида ўқи-моқда. Шаҳзоджон ҳам дадаси изидан боришни орзу қилади. У қишлоғимиздаги мактабнинг 2-синфида, ягона қизимиз Зилолахон 7-синфда ўқи-моқда.

Ўн беш йил бирга яшаб, бирор марта койимадилар. Доимо «сиз»лаб гапирардилар. Мендан аввал салом бериб қўярдилар. Вақтлари бўлса, рўзғор юмушларимга қарашардилар. Кир юваётган бўлсам, овқат қилардилар, «Етти хазинанинг бири», — деб, товуқ боқардилар, техникага қизиқардилар.

Алоҳида рўзғор бўлиб чиқдик. Ҳовлини тинимсиз ҳалол меҳнатлари эвазига тикладилар. Ойлик маошни йиғиб, уйга ишлатардилар. Суянчимдан, меҳрибонимдан, қадрдонимдан айрилганимга сира кўника олмаяпман.

Тўрткўллик Турғунбой ака ва Турсуной аялар хонадонидан 7 ўғил, 2 қиз дунёга келган бўлса, Улуғбек уларнинг тўнғичи эди. 6-ўрта мактабни тугаллагандан сўнг 29-хунар-техника билим юртида ўқишни давом эттирар экан, осойишталик посбони бўлишни кўнглига туккан эди. Армия хизматидан сўнг ҳеч икки-

ланмасдан ҳужжатларини вилоят Ички ишлар бошқармасига топшириб, милиция ходими бўлган эди. У Наманган, Сурхондарё вилоятларида бўлганида ҳам ўз касбдошларига ўрнак бўлган. Кейинги пайтларда Андижон шаҳар Ички ишлар бўлими санитария милицияси ходими бўлиб ишлаётганди. Ўзининг меҳнатсеварлиги ва ташкилотчилиги билан ҳамкасблари ўртасида ҳурмат қозонган Улуғбек вилоят ҳокимининг Фаҳрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари билан бир неча бор тақдирланган эди.

— 16 йил милиция ходими бўлиб ишлаган бу катта сержант — содда ва камтар йигит эди, — дейди унинг ҳамқишлоғи ва қариндоши **Ҳомиджон Расулов**. Ҳали кўчага дарвоза ҳам қурилмаган, янги уйининг қурилишлари тугалланмаган. Унинг орзулари, амалга оширажак ишлари беҳисоб эди. Шубҳасиз, отасининг амалга ошира олмаган ишларини фарзандлари Зилола, Бекзодбек ва Шаҳзодбеклар давом эттиришади.

**Мирзаабдуллаев Муҳаммаджон, Избоскан тумани «Пахтакор» газетаси муҳаррири ўринбосари** — Улуғбек менинг жияним, таърифлашга сўз ожиз, ажойиб, ғайратли йигит эди. Оиласи таянчи, фарзандларининг меҳрибон отаси бўлган бу жигарим ўз ўртоқларининг самимий ҳамкори, маслаҳатгўйи эди. Ҳеч кимсага ёмонликни раво кўрмасди. У кириб борган давралар ширин сўзлар ва беғубор ҳазиллар билан жонланиб кетарди.

У ёшлигиданоқ милиция ходими бўлишни орзу қиларди. Армиядан келибоқ, ички ишлар тизимида ишга киришга ҳаракат қилди ва ниятига эришди.

Улуғбек тўғрисида Андижон шаҳрининг ҳар бир фуқароси жону дилдан илиқ сўзларни айтади. Чунки шаҳарда бугун қад кўтариб барча манзарали дарахтларда, гуркираб ўсаётган гулларда унинг қўлларининг, меҳнатларининг изи бор. Шаҳар ободончилигида унинг хизматлари бисёр эди. Санитар милицияси бўлиб иш-

лаётганда тозалик ва ободончиликни ўрнига қўйган эди. Ўша машъум кунда Андижонда тўполон бўляпти экан, борманг!, деб уни йўлдан қайтармоқчи бўлганларида, ахир биз осойишталик, тинчлик учун масъулмиз, ҳар қандай шароитда ҳам иш жойимизда бўлишимиз керак, деб айтган. Афсус, у қонхўр ватанфурушлар қўлида бевақт ҳалок бўлди. Менинг жияним, жигаргўшам ўз касбига содиқ қолиб, мардларча ҳалок бўлди. Ватанфурушларнинг сўзларига учмади, халқига қилган қасамёдига хиёнат қилмади.

Унинг қандай инсон бўлгани, ўтган умрини қандай ўтказгани унинг ҳалок бўлган кунида, сўнгги манзилга кузатишда ҳам аён бўлди. Юзлаб, минглаб кишилар, ҳамкасблари унинг тобутини елкаларига олишга шошилдилар. Ҳа, Улуғбек муртадлар ўқларидан ҳалок бўлди. Лекин унинг жасорати мангуга қолди. Унинг фарзандлари Зилолахон, Бекзодбек, Шаҳзодбеклар ёдгорлик бўлиб қолди.

Мен Улуғбекдай жасоратли, мард инсоннинг тоғаси бўлганим билан фахрланаман. Мен ёлғиз ўғил эдим. Онажоним — Гулойим, дадажоним Мирзаабдулла (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин!), ўғилларим иков бўлсин, деб опамнинг ўғли Улуғбекни уйимизга олиб келгандилар. Биз бирга тарбия топдик. Менга қанот бўлган жигаримни акромийлар ваҳшийларча ўлдирдилар. Яратганнинг албатта бу юртбузуқиларга жазоси бордир!

Ўша фожиали кунда ярадор бўлган, тасодиф туфайли тирик қолган луғумбеклик йигитнинг айтишича, у жароҳатидан кўп қон кетиши туфайли ҳалок бўлиши мумкин экан. Ўн бир жойидан ўқ еб, унинг устига йиқилган Улуғбекнинг жасади унинг жароҳатидан қон оқишни тўхтатиб қўйибди.

Ҳатто, юраги уришдан тўхтаб ҳам, ўзгаларга яхшилик қилишдан тўхтамаслик менинг жиянимга хос хислат эди.

У умр бўйи авайлаб ўстирган гуллари ҳам, дарахтлари ҳам босқинчилар отган ўқни тўсиб қололмадилар.

Айни баҳор бўлса ҳам сарғайдилар, хазон япроқларини тўкиб, Улуғбекнинг очиқ кўзларини бекитдилар... Бироқ, унинг алпомиш келбатли жасадини қучоқлашга гулларнинг қўли етмади. Фақат тонгда кўз ёш тўкиб, айтиб-айтиб йиғладилар Улуғбекнинг гуллари, дарахтлари:

*Бағрида ботирлар ўсган масканим,  
Улуғбек бошини берган осмоним,  
Бешигим, тобутим, мангу посбоним,  
Жоним фидо сенга жон, Андижоним!*

## МУНАВВАР МОМОНИНГ НОЛАСИ



Капитан **Набижон Расулович Давронов** 1964 йил 13 апрелда Андижон вилояти Избоскан туманида туғилди. 1989 йилда собиқ иттифоқ ИИБ Чимкент ўрта махсус милиция мактабини тамомлади. 1988 йил августидан 1989 йил сентябригача республика ИИБ ЁСБ ихтиёрида бўлди. 1989 йил сентябридан 1992 йил сентябригача Избоскан тумани ИИБ қўриқлаш пункти бошлиғи, 1992 йил сентябридан

1998 йил январигача Избоскан тумани ИИБ навбатчилик қисми катта инспектор-навбатчиси, 1998 йил январидан 2001 йил октябригача шу туман ИИБ ЁХБ ёнғин хавфсизлиги профилактика инспектори, 2001 йил октябридан 2003 йил августигача Андижон шаҳар ИИБ ЁХБ 1-ЎХО ёнғиннинг олдини олиш инспектори, сўнг умрининг охиригача шу отрядда ёнғиннинг олдини олиш катта инспектори вазифаларида хизмат қилди. Қайси лавозимга тайинланмасин, зиммасидаги бурчини ҳамиша ҳалол, сидқидилдан бажарарди.

«Жасорат» медали билан мукофотланган.

Дарвозадан бир гуруҳ бўлиб кирдик. Саксон икки ёшли Мунаввар момо, устунга суяниб дод солаверди:

*Дунё кенг деганинг  
Тормидир-а, художон.  
Менга аталган кунинг,  
Бормидир-а, художон.*

*Воҳ болама, воҳ болам,  
Дилим тўла оҳ болам.  
Бор бўйимча йиқитди,  
Ёвлар қазган чоҳ болам.*

Ҳаммамизнинг кўзимиздан ёш тирқиради. Нола чекаётган онаизорни овутиш, таскин бериш учун сўз тополмасдик. Аччиқ совуқ суягингдан ўтса, иссиқдан чора топасан, саратон куйдирса, соядан паноҳ топасан. Дунёда ҳамма нарсанинг чораси бор, дейилади. Аммо онани бўзлатган дард бедаво. Бу ҳасратлардан ҳеч жойга қочиб бўлмасди...

*Тўрт тарафга чопаман.  
Бир чораси бормикан.  
Бул дунёнинг менингдек,  
Дил пораси бормикан.*

*Айланайин, Оймома,  
Юзгинангинг доғидан.  
Бола деган бўларкан,  
Юрагингни ёғидан.*

82 ёшли момонинг еру кўкни титратгудек овози, жаладек қуйилаётган ёшини кўриб, аёл қалбининг жасорати ҳақида битилган китоб ёдимга тушди (Саркарда, донишманд, адиб Усома ибн Мунқиз ўзи кўрган-кечирган воқеалар ҳақида ёзганларини «Ибратли китоб» (XIII аср) деб номлаган).

«Дор остига айбдорни келтиришди. Сўнг унинг онасини топиб келишди. Дорга осилган ўғлини кўриб, она фарёд чекди. Айтиб-айтиб йиғлади. 80 ёшли онанинг қуриган кўкси сутга тўлиб, этаклари ҳўл бўлди. Орадан бироз вақт ўтиб, яна ўз ҳолига қайтди», дейилган.

Эҳ, фарзанд меҳри, не кўйларга солмайсан, она-ларни. Мунаввар момо оҳлар ураверди:

*Қалам-қалам қошлари  
Тўкилмаган болам-а.  
Қиличдайин қомати  
Букилмаган болам-а.*

Момога илтижо қилдик, эна, фотиҳа қилайлик, дедик. Ўғлининг руҳига дуо қилиш учун момо тин олди,

титроқ қўллари ни дуога очди, «Илоҳо Набижоннинг охирати обод бўлсин, гўри нурга тўлсин».

— Набижоним зўрлик қилди, менинг навбатимни олиб кетди. Боламнинг болаларини етим қилганларга ҳам жазоси бордир, Ҳақнинг!

Болам мард эди, алп эди, кўнгли оқ эди. Боламнинг кетганига бутун маҳалланинг ичи ачиди, Муғулбекликлар койиниб қолди.

Оғзи ошга етганда, бурни тошга етди. Отаси II Жаҳон урушида қатнашган эди. Мен немисни енгиб келдим, энди уруш бўлмайди, сизлар ўқиб одам бўласизлар, дерди. Тўрт ўғил бир қизни сафга қўшдик. Отасиям ўтиб кетди. Набижоним кенжа болам эди. Бир кўрмасам менам туrolмасдим. Бир кун кўрмаса, уям туrolмасди. Акалариникига меҳмонга кетган бўлсам ҳам олиб келиб қўярди. Ишдан кела солиб, формасини ечмай туриб ҳам, онам қани, деб, мени сўрарди.

Онам билан расмга тушайлик, деб мени, хотин-болаларини шаҳарга олиб бориб, расмга тушириб келувди. 9 майда янги форма олган эди. Янги куйлак, туфли кийиб, 13 май куни эрталаб чиқиб кетувди. Бориб, одамларни кутқараман деб, ўзи талончиларга таланган, болам. Ҳамма гаровга олинганларни қўлини боғлашган. Набижоним: — сенларга ким ҳуқуқ берди қўлимизни боғлашга, ким бўпсанлар?, деб уларни урган, тепган. Болам кучли эди. Барваста эди. Бўйдор эди. Паҳлавон эди. Акромийлар қутуриб кетган. Йигирматаси бир бўлиб, боламга ёпишган, урган, тепган, жигарларини эзиб юборган.

Момо уйга кириб, Набижоннинг қонга ботган кийимларини олиб чиқди:

— Мана, бўйнига солинган сиртмоғи, мана майкаси, мана кийимлари. Ювсам ҳам кетмади. Пайпоқлари қонга тўлиб кетган. Бир пой туфлиси Андижонда қолиб кетган. Юриб кетган болам, ўлиб келди. Қандай чидайман, укажонлар! Вой энанг ўлсин, болам! Полвон болам, қийналиб ўлган болам! Вой, кучига ишонган болам!

— Тошкентда террорчилар дастидан Азизбек деган милиционер йигит ҳалок бўлган. 14 мартда бир қизни фотиҳа қилиб келишган. Бир ой ичида тўйи бўлиши керак экан. 29 март куни ўлдиришган. У йигитнинг суратига боқиб тўймайсиз, жуда гўзал. Қизнинг сарполарини жўнатишган, аммо учрашишга вақти бўлмаган. Онасининг ёлғиз ўғли, деймиз момони чалғитиш учун:

— Сизнинг ўғилларингиз нечов?

— Тўртов, болам.

— Террористлар ўқидан ҳалок бўлган Шаҳрихон тумани, Дўлан қишлоғилик Илҳомжон Турғунов ҳам бор эди. Уям унашиб қўйилганди. Яқинда туйи бўлиши керак эди. Сизнинг ўғлингиз уйланганмиди?

— Ҳа, болам.

— Болалари бормиди?

— Икки ўғли, бир қизи бор.

— Набижоннинг зурриёдлари қолибдику, Илҳомжоннинг зурриёди ҳам қолмади.

— Оллоҳга шукур!

— Моможон, сиз кўпни кўргансиз. Сиз йиғлайверсангиз, мана Тожиддин ўғлингиз йиглаб ўтирибди. Қаранг рангига, ўзини олдириб қўйибди. Невараларингиз эзилиб турибди. Келинингиз тинмай йиғлайди. Ўғлингиз мард эди, сиз ҳам мард бўлинг, эна!

Яна бир гап, жондан азиз ўғлингизнинг жасадини тупроққа топширдингизми?

— Топширдим.

— Қонга ботган кийимларини ҳам, сиртмоқни ҳам тупроққа беринг, она. Ҳар кўрганда жигарбандларини, ўзингизни қон қилиш керакми?

Момо, боши билан розилигини билдирди. Озгина тинчланди. Зеро, бизнинг қўлимизда ҳам сўздан бошқа қурол йўқ эди. Аслида юртнинг бой берилган мард ўғлонларини ёдлаб кўксимиз пора-пора эди ...

Набижон Избоскан туманининг Луғумбек қишлоғида деҳқон оиласида туғилиб ўсган. Махсус милиция мактабида таълим олиб, жанговар ва сиёсий тайёр-

гарликдан ўтганди. Ўзининг билими, истеъдоди билан, тиришқоқлиги билан ёнгин хавфсизлиги хизматида танилди. Капитан унвонига эришди.

**Полковник Сайдалиев Саидолим, Андижон вилоят Ёнгин хавфсизлиги хизмати бошқармаси бошлиғи:** — Менинг йигитларим жуда мард, улар ҳар лаҳза оловга киришга шай туришади. Команда бўлгач, 45 секундда тайёр бўлишга ўрганишган. Капитан Набижон Давронов Пойтуғда ишлаётган эди. Иши намунали, ўзи тажрибали бўлгани учун, шаҳарга олиб келган эдим. Йигитларга устозлик қилсин дегандим.

У талабчан ва меҳрибон устоз эди. Касб маҳоратини шогирдларига эринмай ўргатарди. Ҳурмати баланд эди. Террорчилар хизмат вазифасини ўтаётган Набижонни вилоят ҳокимлиги биносига олиб келишган. Гаровга олинган кишилардан жонли девор ясамоқчи бўлишган. Аммо капитан Давроновни террорчилар ўлдиришди.

### **Наргизахон Давронова, рафиқаси:**

— Набижон акам менга вафодор ёр, фарзандларига меҳрибон ота, онасига севимли ўғил эдилар. Оиламизнинг устун эдилар. Ҳеч кимдан ёрдамини аямасдилар. Опаси, акалари гапини ҳеч қачон ерда қолдирмасдилар. Бирор марта жаҳли чиқиб, бизни койимаганлар. Шундай инсон билан умр кечириб, фарзандларига она бўлганим учун оллоҳга шукрона айтаман.

У инсон ўлмаган, тирик. Менинг қалбимда тирик. Набижон акамни кутиб яшайман. Бир куни бирга бўламан, албатта!

Ҳа, Наргизахон тўғри айтди. Унинг жасорати, мардлиги халқни қалбида абадий яшайди. Умри ўғли Ойбекжон, қизи Қимматой ҳаётида давом этади...

## МУҲАММАДНОСИРНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Кичик сержант **Муҳаммадносир Маматшокирович Баҳодиров** 1978 йилда Андижон шаҳрида таваллуд топган. У дастлаб Андижон вилояти ИИБ ўқув марказида таҳсил олди. Ўқишни муваффақиятли битиргач, 2004 йил апрел ойидан Андижон шаҳар ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими милиция батальонида фаолият кўрсата бошлади. М. Баҳодиров жамоада камтарлиги, ўз касбини севиши ва меҳнатсеварлиги билан ҳурмат қозонган эди.



«Жасорат» медали соҳиби.

Шофёрлик улуғ касб. Одамларни мақсадлари томон элтиб чарчамайди. Дунёнинг тўрт тарафига йўл кетган. Бу йўллар манзилларга етаклайди. Манзилларда мурод ҳосил бўлади. Муҳаммад Шокир шундай ҳожатбарор касб эгаси. Ким қаерга борайлик деб илтимос қилса, йўқ демайди. Пулига ҳам тортишиб ўтирмайди. «Инсофи борнинг баракаси бор», — деб қўяди, ўзига ўзи.

Бир куни йўловчилардан бирининг исми айтилувди, кулоғига ёқди, дилига ўрнашди.

Уйига келиб, ош устида кўнглидагини айтди:

— Худо, Муҳаммадносирга ўғил берса, исмини Муҳаммадханафий қўямиз, аяси. Юзларидан нур томиб турган кишининг исми экан.

Ўғли қизариб ерга қаради. Чой дамлаб остонадан кирмоқчи келин ҳуркак охудай ортига қайтди.

— Сиз нима десангиз шу-да, дадаси, — деди Мавлудахон жилмайиб.

Дастурхонга фотиҳа ўқилиб, телевизор кўрилди. Ҳамма хонасига тарқалди. Май оқшоми илиқ эди.

Деразадан янги ой мўралар, юлдузлар нимадир демоқ-чидек, жимирашар эдилар.

Муҳаммадносир бағридаги Мукаррамхонга шивирлади:

— Дадам айтган исмни қўямиз-а...

— Вой, бу кишини, — дея келинчак томоша қилгучи йўқ бўлса-да, юзини эри кўксига яширди. Бу оилага келин бўлиб тушганига етти ойдан ошган бўлса ҳам, ҳали уяларди, ахир.

Хўжайини жавоб кутаётганига ишорат қилгач, юзлари оловдай ёниб:

— Менгаям ёқди... — деди шивирлаб.

\* \* \*

Ўшанда фаришталар «омин» деган экан. Мана 2006 йилнинг 2 феврилида полвонтой ўғил туғилди. Энди бўйи билан оғирлигини айтсак бўлмас, ҳали кичик чилласи чиқмаган болани... Отаси Муҳаммадносирнинг бўйи салкам икки метр бўлса, амакиси Муҳаммадқодир бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлса. Палаги тоза, уруғи казо-казо бўлган чақалоқ-полвонча ҳам шунга яраша бўлади-да.

Хабар боболарига, бувиларига кетиб бўлди. Ота тараф тўрт машинада гуллар, суюнчилар ва фото-аппарат билан етиб келишди.

— Ўғил, — деб эшикка чиққан доялар нега суюнчи олатуриб йиғлади?

— Муборак бўлсин, — деб бир-бирини кучоқлаган боболару бувилар нега йиғлади?

Аммалару амакилар нега йиғлади? Нега қўлларида кучоқ-кучоқ гул, сочқилар, суюнчилар, нега кўзларида ёш?!

Орзу қилинган полвонча туғилган бўлса, орзу қилинган исм қўйилган бўлса, нега?!

Бир гўдак ёруғ дунёга кўз очиши учун тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз дақиқа керакми? Хўш, 2006 нинг иккинчи

февралидан шунча вақт ортга чекинамиз. 2005 йил, апрелнинг охирида полвончамиз бобосининг аҳдини эшитганми? Орадан ҳали уч ҳафта ўтар-ўтмас 13 май куни Андижон кўчалари қонга тўлдими? У пайтда полвончамизнинг номи ҳали гумона ҳам эмасди... Дадажониси Муҳаммадносир ҳам, аяжони Мукаррамхон ҳам ҳали бу ҳақда билишмасди. Фақат бир куни ўғил туғилса, исми Муҳаммадҳанафий бўлишини орзу қилишганди, холос.

Мудҳиш 13 май куни кичик сержант, полвон келбатли, кўнгли, қўли очиқ, суқсурдай йигит Муҳаммадносирнинг ҳам кўксига ўқ тегди. Ҳали гўдак бўлиб шаклланишга улгурмаган мурғак туғилмайин туриб етим қолди!

Боболару бувилар, боламдан тирноқ қолди деб бошқалардан ўн чандон ортиқ суюниб, келиннинг кўнглини олишга шошганлари, кўз ёшлар боиси аёндир энди?!

Муҳаммадносир болалигидан спортга қизиқди. Ҳамиша ғолиблик одати эди. Акаси (амакисининг ўғли, яна қўшни ҳам туришади) Муҳаммадқодирнинг жаҳоншумул ғалабасидан юраги кўксига сиғмаган эди. Ҳайқириб, акам чемпион бўлди! деб югуриб, опоқ дадасиникига икки сакраб етганлари!

Акасининг ғолиблик камарини кўтариб, кенг елкаларига босиб расмга тушганлари! О, акасига ўхшашга интилганлари!

Тошкентда уч йил юрди. Бир ярим йил армия сафида, бир ярим йил «Барс»да хизмат қилди. — «Носир» — дегани форсийда кучли деган маънони билдираркан.

Болажоним жуда кучли эди, дейди кўз ёшларини тиёлмай онаси **Мавлудахон**. Боламда куч-қувват, кўрк, бўй, муомала бор эди. Мана энди зурриёти — ўғли ҳам бор. Фақат умри йўқ экан-да! Жуда қувноқ, ичи тоза бола эди. Армияда пайтида уйга хат ёзиб, «дада, ошноларимни иккита-иккитадан машинангизга солиб келинг, соғиниб кетдим», — дерди. Жўралари кўп эди. Уларсиз туролмас эди. Болалар гапига қулоқ солишарди.

Бир кишини бирор товламачи алдаб ёки қарз олиб, бермай кетган бўлса, ўғлимга арзга келарди. Ўғлим албатта товламачини топиб, яхши гап билан, «қарзингизни тўлаб қўйинг-а», — дерди. Аммо ҳеч қачон куч ишлатмасди. Унинг гапи албатта ижобат бўларди. Ерда қолмасди.

Ўша 13 май куни ўғлим сафдошлари билан «Дамас»да майдонга чиққан. Бошлигини отилган ўқдан асраш учун ўзининг кўксини тутган. Мард болам бор эди!

Ярим тун. Қаҳрамонимизнинг беваси Муҳаррамхон паҳлавон келбатли шервачча бошида алла айтмоқда. Нола қилмоқда.

Кўзларимдан томган ёшга ҳайрон бўлма, алла!  
Аллаё алла!

Эй, манфур зотлар, нега аллага ўқ уздинглар?! Сизлар бешик нималигини, норасида нималигини биласизларми?! Наҳотки, келажакка ўқ отиб бўлмаслигини билмайсизлар?! Кун келиб отган ўқларингиз келажакдан номингизни бус-бутун ўчириб, олиб кетади.

Ана, бешикда полвон улғаймоқда — бу Муҳаммадносирнинг иккинчи навқирон ҳаёти. Унинг бахтига дунё тинч бўлсин деб, тунлар дуо қиламан.

## ОҚПАДАР

*(Террорчининг қиёфаси)*

Йигирма беш бегуноҳ йўловчини гаровга олган террорчилар автобусни ҳайдашга буйруқ беришди. Тезкор милиция ходимлари музокара вақтида тезлик билан жиноятчи, 1976 йилда туғилган, Янгибозор тумани Хоразм жамоа хўжалигида яшаётган Ҳамро Халиллаевнинг ота-онаси, қариндошларини топиб келишди. Ота автобусни айланиб, ўғлини излай бошлади. Тошкент — Хоразм йўналишидаги автобустга

ўтирган йўловчилар орасида ёш болалар, келинчаклар, кексаларни кўриб, жон ҳолатда бақирди.

— Ҳамро, ўғлим, қанисан, туш буёққа, қанисан?!

Автобусдаги ўғил йўловчилардан бирининг чекка-сига қуролни тўғрилади.

— Туш, мен Ҳамроман деб айт.

Навқирон бир йигит автобус эшигига келиб, «Мен Ҳамроман», деб қичқирди.

— Йўқ, йўқ, сен менинг ўғлим эмассан, — қичқирди ота.

— Бу ерда Ҳамро йўқ, деб айтинглари! — бақирди ўғил.

Кекса ота, кўзи ёшга тўлган, ғамдан киртайган она, яқин қариндош-уруғлар юра бошлаган автобуснинг олдига туриб олишди. Улар ишонишди, ўғлимиз тўхтайдими, бизга раҳм қилади, деб ўйлашди. «Отанг ўтирган томнинг устига чиқма, гуноҳ бўлади», деган ўғитларга ишонди ота.

Ўғлининг қоп-қора қошу кўзларига, зийраклигига қараб кўнгли ўсган, бедор тунлар заҳмати бахт садосидек қабул қилган она, келин тушириб, кўлидан чой ичиш орзусидаги она, сандиқ тўла сарполарни тўйга атаб қўйган она ўғлининг раҳм қилишига ишонди.

Автобусни кучоқлаб, орқага чекиниб, йиқилай-йиқилай деб чопаётган қариндош-уруғлар, дунёда оқибат-меҳр борлигига ишонди.

Айниқса, она мункиб кетиб, чўккалаб қолса ҳам, автобуснинг совуқ қанотларини кучоқлаб олган, этаклари чалишиб, рўмоли тушиб, оппоқ сочлари тўзиб кетса ҳам, оқ сутининг оқибатига ишониб, ортига тисарилиб, қоқилиб чопар эди.

Ота бақувват, чайир қўлларига ишонди. «Тўхта, ўғлим!» деб ўкириб юборди. Ҳамро ота-онасини кўрсатиб ёнидагиларга буюрди?

— Оёғидан отинглари!

Тартибсиз отилган ўқлар, уларга тегмади. Шиддат билан силтанган автобус ота-онани, қариндош уруғларни икки ёққа итқитиб олдинга қараб, ўқдек учди.

Улар отган ўқ ота-онанинг оёғига тегмаса ҳам, оқпадар ўғилнинг лабидан учган сўз, меҳрсизлик, манқуртлик отган ўқ уларнинг юрагига теккан эди. Улар кераксиз матоҳлардек чўзилиб қолиб кетишди.

Қумлик устида ётган ота-онанинг орзулари совуқ урган гулдек тўкилди. Фарёдлари дунёни тутди. Ҳали ўлмаган ўғилга аза очиб қолиб кетди.

Чолу-кампирининг уст-бошлари чангта беланди. Юзу кўзлари тупроққа тўлди. Чол судралиб кампирига яқинлашди. Кампир зорланиб йиғлади. Уят, алам, ғам тоши эзиб ташлаганидан қадларини кўтариб ололмас эдилар. Милиция ходимлари етиб келиб, уларни суяб турфизишди, чангларини қоқиб, машинага ўтқазишди. Чол кампирига қараб, пешонасига тер қуйилиб, чўрт кесиб айтди:

— Оқ қилдим, ул оқпадарни.

Кампир йиғлаб қарғанди:

— Энди ўғлим йўқ мени, оқ қилдим.

Икки милиционер йигит бир-бирига маъноли қаради. Нигоҳлари билан сўзлашди:

— Уни Ватан ҳам оқ қилган.

Падаркуш!

Модаркуш!

Ватанкуш!

Тезда қўлга олинди. Отиб ташланди. Отаси йўқ, онаси йўқ, ватани йўқ, севгилиси, дўсти йўққа ким ҳам куярди?! Эшитганлар «Ажаб бўпти», деб қўйишди.

Ошиқ йигитлар севгилиси, ота-онаси учун, Ватан учун курашади. Керак бўлса жон беришади. Сен ким учун курашинг? Сен ким эдинг ўзи?!

1999 йилнинг 30 мартада Саримойда юз берган фожиа одамлар хотирасидан унутилгани йўқ. Ўшанда баҳорнинг илк кунларида қуёшнинг меҳрига интиқ майсалар бирин-кетин уйғона бошлаган, бутун борлиқ яшамоққа чоғланган кезлар эди. Қайда бир сиқим тупроқ бўлса, ўша ерда ҳаёт бошланаётган эди...

## ПОДПОЛКОВНИК ГОВОРУХИН ВАЛЕРИЙ АЛЕКСЕЕВИЧ

Янгиобод шаҳар ИИБ бошлиғи.

1999 йилнинг 15 ноябр куни шахси аниқланмаган фуқаро Янгиобод шаҳар ИИБ бошлиғи подполковник В.А.Говорухинга қўнғироқ қилиб, Янгиобод дам олиш маскани атрофида қуролланган фуқаролар юргани ҳақида хабар берган. У зудлик билан биринчи ўринбосари майор Б.О.Пўлатов, Жиноят кидирув гуруҳининг катта тезкор вакили А.С.Қорабоевларни олиб, автомашинада дам олиш масканига борган. Қуролланган босқинчилар дам олиш маскани директорини қоровулхонага зўрлаб олиб киришадиган бўлади. Улар автомашинадагиларга ўқ узадилар. Отишма натижасида подполковник В.А.Говорухин ва унинг йигитлари ҳалок бўлишади.

Эл-юрт осойишталигини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида хизмат бурчига содиқ қолиб, ҳалок бўлган В.А.Говорухин Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 12 январ Фармонида кўра «Жасорат» медали билан тақдирланган.



\* \* \*

Ўзбекистон Республикаси  
ИИБ Тошкент Олий Ҳарбий  
техника билим юрти ўқитувчиси,  
лейтенант Ғофур Зокирович  
Ражабов


«Шон-шараф» ордени соҳиби





\* \* \*

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ИИБ Қўриқлаш бўлими милиционери, сержант Абдуҳалим Тошқулов  
«Жасорат» медали соҳиби



\* \* \*

Сурхондарё вилояти ИИБ жанговор вазиятда қўллаш отрядининг милиционери, сафдор Салоҳиддин Элмуродович Бекмуродов  
«Жасорат» медали соҳиби



\* \* \*

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими банк муассаларини қўриқлаш бўйича ротаси взвод командири, кичик сержант Акбар Жабборович Эсонов

\* \* \*

Юқорида номлари зикр этилган жасур йигитлар 2000 йил 5 август куни Сурхондарё вилояти Сарисийё туманининг тоғли ҳудудида террорчиларга қарши курашда мардларча ҳалок бўлишган.

\* \* \*

Ушбу китобни яратишда ўзларининг беминнат ёрдамини аямаган Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси, Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Наманган, Андижон вилоятлари Ички ишлар бошқармалари ходимларига ўз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

## МУНДАРИЖА

Шаҳидлар руҳи — мангу барҳаёт (Сўзбоши ўрнида) .....	3
Эртақлар охири омон-омондир... ..	10
Мардоналик .....	12
Ҳижрон билан тутаган дoston .....	16
Жонимдан суйганим фироққа кўйди .....	20
Чинордан чиққан чин нор .....	29
Ҳаёт гўзал эди Сиз билан .....	34
Қоядаги сор болам .....	40
Қайга учди лочиним .....	43
Суқсур эди суқ тегди, чопқир эди ўқ тегди .....	52
Инсонпарвар, беозор эди .....	58
Бодом гулларида кўраман уни .....	62
Муҳиддинжон полвон эди .....	66
Ортимдан йиғлаб қолди сочи сумбул Кумушим .....	70
Ушалмас армон .....	78
Ёв ўқига кўкси қалқон Фахриддин .....	83
Ҳаётининг кўрки яхшилик эди .....	90
Дунёга бир келди-ю кетди .....	97
Онам мени кулиб туққан .....	103
Ихтиёржон ҳур кетди .....	107
Бир йигитнинг қирқ жасорати .....	112
Ёдгорбекка айтар сўзларим .....	117
Музаффаржон голиб кетди .....	123
Ботири кўп элат ёвга эгилмас .....	128
Машғал ёнаверади .....	133
От изини той босар .....	138
У билан ўтган дамларим даврон экан .....	143

Мен тирикман, онажон .....	149
Йўлбарс юракли йигит эди .....	155
Айтилмайин қолган ёр-ёрлар .....	162
Шаҳрихонни титратган қайғу .....	168
Жавдираган кўзлар жавоб сўрайди .....	173
Ширмонбулоқда Ватан дарси .....	179
Белида белбоғи бўлсин йигитнинг .....	185
Шерларнинг шери .....	190
Улуғбекнинг сўнмас юлдузи .....	195
Мунаввар момонинг ноласи .....	200
Муҳаммадносирнинг иккинчи умри .....	205
Оқпадар .....	208

67.401.213

**Бобомуродова Хосият.**

Б79 Қирқ ўғлон қиссаси /Хосият Бобомуродова: — Т.:  
«O‘zbekiston» НМИУ, 2007. —216 б.

**ББК 67.401.213**

ISBN 978-9943-01-084-0

**Хосият Бобомуродова**

**ҚИРҚ ЎҒЛОН ҚИССАСИ**

Муҳаррир *П. Аъзамова*

Рассом *С. Евдокимов*

Техник муҳаррир *У. Ким*

Компьютерда тайёрловчи *Б. Душанова*

Босишга рухсат этилди 26.09.07. Қоғоз бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
Таймс гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли б.т. 11,34.  
Нашр т. 8,9. 1000 нусхада чоп этилди. Баҳоси шартнома асосида.  
Буюртма № 07-60.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O‘zbekiston»  
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129, Тошкент, Навоий, 30.